

ОЛОВҚАЛЪ



7

**ҲАЁТНИНГ
ЮРАКДАГИ
ИНЪИКОСИДИР
ШЕЪР**



10

**«САЊАТ - ИНСОҒА
КИЗМАТ ҚИЛИШИ КЕРАК»**



16

Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот учун!



ПОСТДА

ГАЗЕТА 1930 ЙИЛ 12 МАЙДАН ЧИКА БОШЛАГАН • Ўзбекистон Республикаси ИИВ нашри • 2006 йил 13 май, шанба • 19 (3653)-сон

ХОТИРА - МУҚАДДАС, ҚАДРИЯТ - АЗИЗ

– Ўтганлар ёдини эсда сақлаш, уларга ҳурмат-эҳтиром бажо этиш авлодлар учун ҳам қарз, ҳам фарзлигини ҳеч қачон унутмаслигимиз даркор. Инсон бор экан, хотира ва тарих мангудир.

Ислом КАРИМОВ.



Мана, неча йилдирки, мамлакатимизда 9 май – Хотира ва Қадрлаш кунини умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланади. Зеро, инсон хотираси муқаддас, унинг қадр-қиммати азиз, деб бежиз айтилмайди. Кунини кеча мамлакатимиз Президенти ва Ҳукумати аъзолари Мотамсаро она ҳайкали пойига гулчамбар кўйиб, Иккинчи жаҳон урушида қурбон бўлган ҳамюртларимиз хотирасига ҳурмат бажо келтирдилар. Республика ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, жумладан, ИИВ вакиллари ва фахрийлари ҳам Ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Б. Матлюбов раҳбарлигида ёдгорлик пойига гулчамбарлар кўйишди.

Хотира ва Қадрлаш кунига бағишланган тадбирлар тафсилотлари билан 2-саҳифада танишасиз.



POSTDA-TV



**МУНАЖЖИМЛАР
БАШОРАТИ**
Келгуси ҳафта учун

ХОТИРА – МУҚАДДАС, ҚАДРИЯТ – АЗИЗ

РЕПОРТАЖ

9 май. Бугун эрталабданоқ пойтахтимиздаги Хотира май-дони одамлар билан гавжум. Бу муқаддас даргоҳга уруш ва меҳнат фахрийлари, жамоатчилик вакиллари, турли ёшга, тоифага мансуб ҳамюртларимиз ташириб буюришган. Барчани бу ерда бир муқаддас туйғу – хотира бошлаб келган. Уларнинг юзу кўзида, юрагида аллақандай маҳзунлик ҳукмрон. Майдон узра ана шу руҳга мос ҳазин мусиқа садолари янграйди.

Соат саккиздан қирқ дақиқа ўтганда майдонга мамлакатимиз Президенти Ислам Каримов кириб келди. Юртбошимиз Мотамсаро она хайкали пойига гулчамбар қўйиб, Иккинчи жаҳон урушида қурбон бўлган ҳамюртларимиз хотирасига ҳурмат бажо келтирди.

Шундан сўнг республика ҳукуқни муҳофаза қилиш идоралари, жумладан, Ички ишлар вазирлиги раҳбарияти ва фахрийлари ҳам ёдгорлик пойига гулчамбарлар қўйишди. Энди гул кўтарганлар кети узилмай қолди. Улар орасида кексаю ёш, аёлу эркак бор эди. Ҳар қайсиси анвойи гулларини ёдгорлик пойига қўяр экан, бир зум ўйга

чўмади. Кўпчиликнинг кўзи намланади. Бир отахоннинг қўлидан ушлаб олган эвара бобосининг ёш боладек йиғлаётганини кўриб ҳайрон. Эй болакай, билсанг ҳам севинч, ҳам қайғу ёшларидир бу. Севинч ёшилигики, бобонг бундан олтимиш бир йил аввал инсоният тарихидаги энг қонли урушдан буюк ғалабани қўлга киритиб омон қайтган. Қувончининг боиси яна шундаки, у шундай дориломон кунларга етди. Қайғусининг сабаби шундаки, ўша қирғинбарот урушда фронтга отланган ўзбекистонликларнинг 400 минг нафардан зиёди қайтмади. Уларга бугунги саодатли кунларни кўриш насиб этмади.

Мотамсаро онанинг ғамгин юзига қараб ҳайрон бўлаяпсанми? Ҳеч ҳам ҳайрон бўлма, болажон. Бу урушда ҳалок бўлган, бедарак йўқолган фарзандларининг доғида ўртанган, бир умр йўл пойлаган, мўъжизага ишониб, уларнинг қайтишини кутган минглаб оналар тимсолидир. Тенгсиз меҳр-муҳаббат, сабр-тоқат тимсолидир бу ҳайкал. Гапларимнинг маъносини мурғак ақлинг билан ҳали англаб ололмаётгандирсан. Майли, ҳали улғайиб ҳаммасини тушуниб етасан.

Ёш йигит-қиз майдондаги Хотира китобини варақлашяпти. Унинг саҳифаларидан ўзларига таниш, қондош-қариндош кишиларнинг исми шарифларини излашяпти. Ана, топишди, чоғи. Юзлари ёришиб кетди. Ҳа, Ватан ҳеч бир фарзандининг матонатини, жасоратини, фидойилигини унутмайди. Бугун майдонда ёшлар, болалар кўплигини кўриб кўнглим кўтарилди. Демакки, улар аждодлари жасоратини би-

лишни, хотирлашни, ёдда тутишни исташади. Хотира эса муқаддасдир.

Майли, бунинг лирик чекиниш дея қолинг. Шу топда машҳур озарбайжон адиби Анорнинг бир асари ёдимга тушди. Унда ёзилишича, қайсидир элатда инсоннинг бахтли бўлган йилларигина умр ҳисобига киритилар экан. Йўқ, инсоннинг умри фақат бахтли йиллари билангина ўлчанмайди. Унақада Иккинчи жаҳон уруши жангоҳларида ёки мустақиллик йилларида юртимизнинг тинчлик-осойишталиги йўлида қурбон бўлган ёш ўғлонлар ҳаётда нима кўрди дерсиз. Улар ўз умрини абадиётга муҳрлаб кетишди. Чунки инсон неча йил авлодлар ёдида сақланса, шунча йил яшайди. Шоир ана шундай инсонлар тилидан: «Жисмимиз йўқолур, ўчмас номимиз», – деган эди. Балки, шу топда шахид кетган аждодларимизнинг руҳлари бошимиз узра чарх уриб юришгандир.

Эй замондош, ўша суронли йилларни, уруш даҳшатини, берилган қурбонларни ҳеч қачон ёдингдан чиқарма. Тинчлик-осойишталикни сақлаш йўлида қўлингдан келган барча ишни қил. Юртбошимиз айтганидек, аввало сергак бўл, хушёр бўл. Уруш даҳшатларини бошидан кечирган, фронт ортида ғалабани таъминлаш йўлида кечани кеча, кундузни кундуз демай меҳнат қилган инсонларнинг иззатини жойига қўй, дуоларини ол.

Марҳумларга эса кўп нарса керак эмас. Уларни ҳамиша ёдда тутсанг, ҳақларига дуо қилсанг, сўнгги манзилларини зиёрат қилсанг, ўтганларнинг руҳи шод бўлади. Шунинг учун шу кун республика ИИБ раҳбарияти ва фахрийлари пойтахтимиздаги «Чигатой» ва «Минор» қабристонларида бўлишди. Бу ерда дафн этилган ИИБ фахрийлари, уруш қатнашчилари, барча дуоталаб марҳумлар руҳига бағишлаб Курьон тиловат қилинди.

Эй замондош, билгинки, хотира муқаддасдир. Марҳум аждодларининг азиз номларини, эзгу ишларини, жасоратию матонатини ҳамиша ёдда тутиш, эслаб туриш ҳам фарз, ҳам қарзидир. Ўтганларнинг руҳи шод, охира-ти обод бўлсин.

Бобомурод ТОШЕВ.

ҲАМИША ЁДИМИЗДА, ЁНИМИЗДАСИЗ



Мана, неча йилдирки, мамлакатимизда 9 май – Хотира ва Қадрлаш кунини умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланади. Ушбу кун арафасида марҳумлар хотирасини ёдга олиш, кексаларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш халқимизга хос фазилат, десак адашмаймиз. Зеро, инсон хотираси муқаддас, унинг қадр-қиммати азиз, деб бежиз айтилмайди.



Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Б. Матлюбов байрам арафасида ИИБ Марказий госпиталига ташриф буюрди. Унга республика Ички ишлар вазирининг биринчи ўринбосари, генерал-майор Ф. Қодиров ҳамда вазир ўринбосари, генерал-майор Т. Худайбергеновлар ҳамроҳлик қилишди. Дастлаб вазир бу ерда даволанаётган ички ишлар идоралари фахрийлари – Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ҳолидан хабар олиб, улар билан дилдан суҳбатлашди ҳамда уларга қимматбаҳо совғалар топширди. Суҳбат чоғида ички ишлар идоралари фахрийлари – Фуломжон Аҳмедов, Мирсобир Шокиров, Абдусалом Зулфиқоров ва Садриддин Муротхўжаевлар кўрсатилган эътибор, эъзоз учун миннатдорчилик изҳор этишди.

– Ёшим 85га қараб кетаяпти. Республика Ички ишлар вазирлиги раҳбариятининг шифохонага келиб, ҳолимиздан хабар олишидан бошим кўкка етди, – дейди Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, ички ишлар идоралари фахрийси, истеъфодаги подполковник Абдусалом ота Зулфиқоров. – Бу ерда даволанишимиз учун барча шароитлар муҳайё этилган. Ширинсухан шифокорлару ҳамшираларнинг муолажаларидан сўнг ўзимни анча тетик ҳис қилаяпман. Қимматли вақтларингизни аямай, бизни

йўқлаб келганингиз учун барчангизга ташаккур айтамыз, – дея дуога қўл очди отахон.

Шунингдек, Б. Матлюбов Ҳомийлар ва шифокорлар йилида беморларга яратилаётган шарт-шароитлар, чунончи, госпиталнинг «Физиотерапия ва реабилитация» марказида амалга оширилаётган курилиш ишлари билан яқиндан танишди ва бу борада ўзининг таклифларини берди.

– Аини дамда коммуникация ва пардозлаш жараёни кетаяпти, – дейди ИИБ Капитал-курилиш бошқармаси бошлиғи, полковник Миразим Сагатов. – Жорий йилнинг ноябрь ойида бинони фойдаланишга топширишни мўлжаллаганмиз. Бунинг учун барча куч ва имкониятларни ишга соляпмиз.


Шундан сўнг Ички ишлар вазирлиги раҳбарияти «Жар» спорт-соғломлаштириш мажмуида бўладиган байрам тадбирида иштирок этиш учун йўл олди.

Тантанани республика Ички ишлар вазири ўринбосари, генерал-майор Т. Худайбергенов очди ва табрик учун сўзни Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Б. Матлюбовга берди. Вазир жумладан шундай деди:

– Хотира ва қадрлаш деганда, биз, аввало, ҳаётимизни асраб қолиб, Ватан озодлиги йўлида қурбон бўлган фидойи инсонларни

ёдга олиш, уларнинг хотирасини абадийлаштириш, орамиздаги кишиларни қадрлаш, асраб-авайлаш, қўлимиздан келадиган ёрдамимизни аямай, муқаддас бурчимизни адо этишни назарда тутамиз. Мухтарам Юртбошимиз таъкидлаганларидек, «Инсонни тириклик чоғида қадрлаш биз учун ҳам фарз, ҳам қарз. Бундай қараш эл-юртимизнинг қон-қонига сингиб, ҳаётга мустақил қадам қўяётган ёшларимиз ҳаётининг узвий қисми бўлиши барчамиз учун муқаддас қадриятга айланиши лозим».

Азиз фахрийлар, байналминалчи жангчилар! Биз билан бир сафда туриб, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат, хизмат бурчига садоқат руҳида тарбиялашдаги ҳиссала-



Марказий госпиталнинг янги биноларидан бири.

рингиз учун миннатдорчилик билдириб, барчангизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик ва оилавий хотиржамлик тилайман.

Иштирокчилар уруш ва эл-юрт осойишталиги йўлида ҳалок бўлганлар хотирасини бир дақиқа сукат сақлаб ёдга олишди.

Тадбирда Б. Матлюбов Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш

тўғрисида»ги Фармони асосан уруш қатнашчиларига 30 минг сўмдан пул мукофоти ва эсдалик совғаларини топширди. Шунингдек, хизмат пайтида ҳалок бўлган ходимларнинг оила аъзоларига ҳам ИИБнинг қимматбаҳо совғалари тақдим этилди.

Республика ИИБ Фахрийлар кенгаши раиси, истеъфодаги генерал-майор Ф. Раҳимов кўрсатилган ҳурмат-эҳтиром учун миннатдорчилик билдирди. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, ички ишлар идоралари фахрийлари, истеъфодаги генерал-майор Т. Абдуллаев ва истеъфодаги полковник В. Шульманлар барчани байрам билан табриклаб, уруш хотираларидан сўзлаб беришди.


Халқимизнинг сеvimли санъаткорлари ижросидаги шўх куй-қўшиқлар байрамга файз бағишлаб, дилларни хушнуд этди.

Қобилжон ШОКИРОВ.
Суратларда: тадбирлардан лавҳалар.

Абу КЕНЖАЕВ олган суратлар.

КАДРЛАР МАСАЛАСИГА БАҒИШЛАНДИ

Шу йилнинг 10-11 май кунлари ИИБ марказий аппарати ва тизимларининг кадрлар бўлимлари (бўлимлари) раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ, Тошкент шаҳар ИИББ, вилоятлар ИИБ бошлиқлари ўринбосарлари — ШТБХ бошлиқлари, уларнинг биринчи ҳамда касб маҳорати ва жанговар тайёргарлик бўйича ўринбосарлари учун икки кунлик услубий семинар-кенгаш ўтказилди.



Унда ички ишлар идоралари хизматига номзодлар қабул қилишнинг янги механизми мазмунини жойлардаги кадрлар аппаратлари ходимларининг эътиборига етказиш, шахсий таркибни ўқитиш ва тайёрлаш ишлари самарасини ошириш юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Семинар-кенгашни республика Ички ишлар вазирининг ўринбосари, генерал-майор Т. Худайбергенов кириш сўзи билан очди.

Шундан сўнг ички ишлар идоралари хизматига номзодлар танловини ташкил этишни янги механизмини жорий этилиши муносабати билан жойлардаги кадрлар аппаратлари олдидаги долзарб вазифалар тўғрисида республика ИИБ ШТБХ бошлиғи ўринбосари, полковник А. Юнусходжаевнинг маърузаси тингланди. Нотиқ ўз нутқида ички ишлар идораларига кадрлар танлаш борасидаги зарур масалаларга тўхталиб, йўл қўйлаётган айрим камчиликларни айтиб ўтди.

Шунингдек, ИИБ олий таълим муассасаларига ўқишга номзодларнинг танловини ташкил этиш, ўқишни тамомлаган ёш мутахассис кадрларни лавозимларига ўз вақтида тайинлаш юзасидан бажариладиган тадбирлар ҳақида ИИБ ШТБХ бўлим бошлиғи, подполковник Б. Пулатов, ички ишлар идоралари ва тизимлари шахсий таркиби билан хизмат, жанговар, жисмоний тайёргарлик бўйича машгулотларни ташкил этилганлигининг ҳолати, мавжуд камчиликлар ва муаммоларни бартараф этиш йўллари ҳақида ИИБ ШТБХ бўлим бошлиғи, подполковник М. Мухтаров, ходимларнинг бошланғич тайёрловини ташкил этишни ўзига хос хусусиятлари, ўқув марказининг моддий-техник базасининг аҳволи, ўқув тарбия жараёни самарасини ошириш борасида амалга ошириладиган вазифалар тўғрисида Фарғона вилояти ИИБ ўқув маркази бошлиғи, подполковник У. Ганиев, ҳамда ИИБ Академиясида тахсил олаётган тингловчилар билан тарбиявий, маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш, хизмат интизомини мустаҳкамлаш борасида ички ишлар идоралари билан ўзаро ҳамкорликни ўрнатиш тўғрисида ИИБ Академияси бошлиғининг ўринбосари, полковник Н. Расуловларнинг маърузалари тингланди ва муҳокама қилинди.

Тадбирнинг иккинчи кунги услубий семинар-кенгаш қатнашчилари ИИБ Академиясида бўлиб, хизмат ва жанговар тайёргарлиги даражасини аниқлаш мақсадида тест синовларидан ўтишди. Шунингдек, улар билим юрти ўйингоҳида жисмоний тайёргарлик ҳамда ўқ отиш бўйича имтиҳон топширидилар.

ИИБ Академияси сержантлар таркибини тайёрлаш бўйича Олий курслари битирувчилари билан учрашув, семинар-кенгаш иштирокчиларида катта таассурот қолдирди.

Азизжон ФАЙЗИЕВ.
Суратларда: семинар-кенгашдан лавҳалар.
Абу КЕНЖАЕВ
олган суратлар.

БОЛАЛАР — КЕЛАЖАГИМИЗ

Пойтахтимизда «Биз Президент фарзандларимиз» шиори остида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими ҳомийлигидаги «Камалак» болалар ташкилотининг 5-анжумани бўлиб ўтди.



Тадбирда пойтахт мактаблари бошланғич синфларининг 300 га яқин аълочи ўқувчилари қатнашишди. Болажонлар қасамёд қилдилар. Шундан сўнг тадбир иштирокчилари «Мустақиллик ва эзгулик» монументига гул қўйишди. Анжуманда «Заковат», «Интизом», «Соғлом авлод», «Огоҳлик», «Маҳалла умиди», «Миллий қадриятлар», «Дўстлик», «Хунарманд», «Табиатшунослик», «Камолот маликаси», «Истеъдод» ҳамда «Сардорлар сардори» йўналишлари бўйича энг фаол сардорлар тақдирланди.

Мана беш йилдан буён Тошкент шаҳрида «Камалак» болалар ташкилотининг анжумани ўтказиб келинмоқда. Бу йил ҳам анъаналарга содиқ қолган ҳолда 2005-2006 ўқув йилида фаоллигини оширган, мактаб «Камолот» ва «Камалак» сардорлари тақдирланди ҳамда 1-синф ўқувчилари «Камалак» ташкилоти сафига тантанали равишда қабул қилинди.

Тадбир сўнггида «Туркистон» саройида «Томоша» болалар ансамбли, эстрада юлдузлари ва таниқли санъаткорлар ижросида шоу-дастур намойиш этилди.

Умида БОЗОРОВА.



«ҚОРАДОРИ — 2006»

ТАДБИР БОШЛАНДИ

Мамлакатимизда жорий йилнинг 1 май кунидан бошлаб «Қорадори — 2006» тадбири бошланди. Таркибида гиёҳвандлик моддалари бўлган ўсимликлар етиштирилаётган майдонларни аниқлаш ва гиёҳвандлик моддаларининг республикаимизга ноқонуний олиб кирилишининг олдини олиш мақсадида ички ишлар идоралари ходимлари, кенг жамоатчилик вакиллари ҳамда 4 мингдан ортиқ техник воситалар жалб этилган. Дастлаб «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг техник воситаларидан фойдаланилган ҳолда Тошкент ва Сирдарё вилоятлари ҳудудларида назоратли текширишлар ўтказилди. Тадбир бошланганидан буён гиёҳвандлик моддалари билан боғлиқ 270 дан ортиқ ҳолат аниқланди, 150 га яқин ҳолатда таркибида гиёҳвандлик моддалари бўлган ўсимликлар етиштирилаётган майдонлар фош этилди. Айни дамгача оғуфурушлардан 7 кг дан ортиқ гиёҳвандлик моддалари олинди.

Бунда республика ИИБ ЖК ва ТҚКББ Наркотрафик ва наркотик моддаларнинг ғайриқонуний айланишига қарши кураш бошқармаси ҳамда унинг жойлардаги бўлимлари ходимлари бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари вакиллари, жамоатчилик фаоллари билан ҳамкорлик қилмоқда.

Азиз ЙЎЛДОШЕВ,
подполковник.

9 май — Хотира ва Қадрлаш кунининг мамлакатимизда кенг нишонланди. Жойларда Иккинчи жаҳон урушида фашизмга қарши курашган, шунингдек, фронт ортида меҳнат қилган ҳамда кўп йиллар давомида турли соҳаларда намунали хизмат қилиб, эндиликда кексалик гаштини сураётган замондошларимиз байрам тадбирларига тақлиф этилиб, иззат-икром кўрсатилди.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ.

Уруш қатнашчилари, хизматни ўташ вақтида ҳалок бўлган ходимларнинг оила аъзолари, кўп йиллар ички ишлар идораларида хизмат қилган фахрийларни вилоят ички ишлар бошқармаси раҳбарияти Дўрмон боғида уюштирилган байрам тантанасига тақлиф этди. Унда 40 нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчисига Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони асосан рағбатлантириш пуллари ҳамда Ички ишлар вазирининг

ХОТИРЛАНДИ, ҚАДРЛАНДИ

байрам табриги битилган эсдаликлари топширилди.

Ш. АНВАРОВ.

ТЕРМИЗ. Сурхондарё вилояти ИИБда 13 нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, 6 нафар фронт ортида меҳнат қилган фахрий ҳамда 17 нафар хизмат чоғида ҳалок бўлган ички ишлар ходимларининг оила аъзолари бир пиёла чойга тақлиф қилинди. Хизмат пайтида ҳалок бўлган ходимларнинг хонадонларига ташриф буюрилиб, қимматбаҳо совғалар ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари улашилди.

С. НОРМУРОДОВ.

НАМАНГАН. Вилоят ички ишлар бошқармаси томонидан ташкил этилган байрам тантанаси шаҳардаги «Тошкент» чойхо-

насида бўлиб ўтди.

Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлганлар, шунингдек, умрини эл-юрт осойишталигига бағишлаган сафдош ва устозлар хотираси учун бир дақиқа сукут сақланди. Сўнгра республика Ички ишлар вазирининг байрам муносабати билан йўлаган табриги ўқиб эшиттирилди.

Тантанада сўзга чиққанлар авлодларнинг тинч-тотув ҳаёти мангу барқарор бўлишини тиладилар.

Ф. МАМАЖОНОВ.

НУКУС. Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлигида Хотира ва Қадрлаш кунига бағишлаб ўтказилган тадбир қўшалок байрамга айланди. Чунки қўл жанги бўйича Қорақалпоғистон чемпионати ғолиблари Мухтор Болтабоев, Матназар Исмаилов, Хажимуҳан Сулейманов, Оралбай Достназаров, шунингдек, яқинда кик-

бокснинг бўйича Тошкентда ўтказилган халқаро мусобақада фахрли ўринларни қўлга киритган Жамшид Камолов, Ислон Сайтназаров, Сергей Дю ҳамда иккита йўналиш бўйича кумуш ва олтин медални қўлга киритган, жаҳон чемпиони Нодира Қазақовалар тантанали равишда тақдирланди.

Д. ХУДОЙШУКУРОВ.

ТОШКЕНТ. Хотира ва Қадрлаш кунининг Тошкент шаҳар ИИББ ЁХБ раҳбарияти томонидан Иккинчи жаҳон уруши иштирокчилари, хизмат фахрийлари учун Шайхонтоҳур тумани ИИБ Ёнғин хавфсизлиги бўлимида байрам дастурхони ёзилди. Кўп йиллар ёнғин ўчириш хизматида фидойилик кўрсатган фахрийларга совғалар топширилди. Бу иззат-икромдан кексалар мамнун бўлиб, миннатдорчилик билдирдилар.

М. РАҲИМОВА.

Мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислохотлар республика Ички ишлар вазирлигини, жумладан, унинг тергов хизматини ҳам четлаб ўтгани йўқ. Бунда терговчиларнинг процессуал мустақиллигини мустаҳкамлаш билан бирга жабрланувчи, айбланувчи ва гумон қилинувчининг ҳуқуқлари тўлиқ таъминланишига ҳам катта эътибор берилаяпти. Терговчининг жиноят ишини тергов қилиш жараёнида йўл қўйган ножўя хатти-ҳаракатлари бўйича республика ИИБ Тергов Бош бошқармасига келаётган шикоят-аризалар диққат билан ўрганилаяпти. Бир томондан фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти ошаётгани, улар ўз ҳақ-ҳуқуқларини яхшироқ англаб бораётгани қувонарли ҳол. Аммо иккинчи томондан бу шикоятлар ҳаммиша ҳам асослими деган ҳақли савол туғилади. Ана шу масалага ойдинлик кiritиш мақсадида республика ИИБ Тергов Бош бошқармасининг бўлим бошлиғи, подполковник Илҳомжон Турғуновга мурожаат қилдик.

— Илҳом ака, аввало, тизимда ислохотлар жараёни қандай кечаётганига тўхталингиз.

— Ҳақиқатан ҳам, кейинги йилларда суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислохотлар ўзининг ижобий натижасини бераёпти. Чунончи, ички ишлар идоралари тергов хизматларида ҳам ислохотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу соҳада қонун устуворлигига риоя этиш, терговчиларнинг процессуал мустақиллигини ошириш диққат марказида. Қолаверса, дастлабки тергов жараёнида фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш, жиноят учун жазо муқаррарлиги принципига амал қилиш билан биргаликда адолат мезонлари бўлган қонунийлик, фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, инсонпарварлик, одиллик каби таъминланган устуворлиги таъминланаётганини қайд этиш лозим.

Таҳлиллар йилдан йилга фуқароларимизнинг ҳуқуқий онги ўсиб бораётганини кўрсатмоқда. Авваллари улар терговчиларни айбловчи, қораловчи идора-вакиллари ҳисоблаган бўлса, эндиликда ўзларининг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоячиси деб билмоқдалар. Бу эса ўз навбатида фуқароларимизнинг турли мазмундаги илтимоснома, шикоят-аризалар билан мурожаат қилишларига олиб келмоқда. Бу албатта тергов идораларига бўлган ишонч ортаётганидан далолат беради.

Халқ ишончини қозониш, фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида Бош бошқармаимиз томонидан кўп ишлар қилинмоқда. Жумладан, «Ўз ҳуқуқларингиз тўғрисида нималарни билишингиз лозим, агарда сиз...» деб номланган эслатма тайёрланиб, жойлардаги барча ички ишлар идораларига тарқатилди. Ички ишлар идораларига келтирилган ҳар бир шахсга эслатма берилиши таъминланган ёки қизиққанлар ҳам мазкур қўлланма билан танишишлари мумкин бўлади. Шунингдек, ҳар бир вилоятда «Ишонч телефонлари» кечаю кундуз ишлаб турибди. Энг муҳими, жиноий таъқиб қилинаётган шахсларнинг ҳимоя ҳуқуқини ўз вақтида, тўлиқ таъминлаш мақсадида 2003 йил 21 августда Тергов Бош бошқармаси билан республика Адвокатлар Ассоциацияси ўртасида имзоланган

«Терговолди текширув ва дастлабки тергов жараёнида ушланганлар, гумон қилинувчи ва айбланувчиларнинг ҳимоя ҳуқуқларини таъминлаш тартиби тўғрисида»ги Низомга асосан адвокатлар тузилмалари ички ишлар идораларининг муайян тергов тизимларига бириктирилди, навбатчиликлари ҳам ташкил этилган.

— Сизларга фуқароларимиздан кўплаб мурожаат ва аризалар келиб тушар экан...

аксарияти асоссиз ёзилган тасдиқланаёпти. Масалан, Қашқадарё вилояти Яккабоғ туманида яшовчи фуқаро Азамат Рўзиев республика Ички ишлар вазирлигига шикоят билан мурожаат қилади. У ўз шикоятини беш бош қорамолини номаълум шахслар ўғирлаб кетганини, мазкур ҳолат бўйича Китоб тумани ИИБ тергов бўлими терговчиси томонидан жиноят иш кўзга тушиб, тергов бошланганини, тергов даврида икки бош қорамоли қайтарилганини, молларнинг қолганини топиш

раларга ариза ёзилади. Ваҳоланки, қариялар қандай қоғозга имзо чекаётганини тушуниб етишмайди ҳам. Баъзи кишилар «Мендан нима кетди, шикоят ёзсам, ички ишлар ходимларининг пўстагини қоқиб қўйишади» қабилда қайта-қайта мурожаат қилаверишади. Кўр-кўрона, «нухаси фалон идорага» деб ёзилган шикоятлар бевосита жойлардаги ваколатли ташкилотларга эмас, тўғридан-тўғри юқори идораларга юборилаётгани кўплаб тушунмовчиликларни келтириб чиқариб, ички ишлар идораларида олиб борилаётган ижобий ишларга халал бермоқда.

— Яқинда республика ИИБга Тошкент шаҳар Учтепа туманида яшовчи Д. Қосимжонов дадасига нисбатан кўзга тушган жиноят ишидан норози экани тўғрисида мурожаат қилган экан. Шунга батафсил тўхталингиз.

— Ҳақиқатан ҳам Тошкент шаҳар Учтепа туманида яшовчи Д. Қосимжонов ва ўз аризасида: «Дадамни келинойимнинг пулини ўғирлашда айблаб, қамаб қўйишди. Аслида

монидан ёзилганини тасдиқлайди.

Тергов жараёнида ўғирликка гувоҳ бўлган айбланувчининг 6 ёшли набираси С. Зиёвуддин ҳам бу васа ҳеч ким йўқлигида Муаззамнинг уйига киргани тўғрисида гувоҳлик беради. Кўриниб турибдики, фуқаро Д. Қосимжонов терговчининг шаъни, обрўсига путур етказувчи бўхтон гапларни ёзган. Қолаверса, жабрланувчи қарши ариза ёзиш учун терговчига бормагани аён бўлди. Ушбу ҳолат бўйича иш олиб борган туман ИИБ тергов-

лаётган шикоятлар ҳам борган сари ортиб бормоқда. Ахир, уларнинг ҳам оиласи, бола-чақаси бор, қолаверса, қайсидир ота-онанинг жигарбанди. Азалдан тартиб-қоидага, қонунга амал этишни талаб қилган киши ҳаммага ёқавермаган. Масалан, дакки берган ота-онани фарзандлари доим ҳам тўғри тушунаверишмайди. Уларнинг ўғитларини йиллар ўтгач англаб етишади.

Шу жиҳатдан олиб қаралса, терговчиларни ҳам баъзилар ёқтирмайди ва уларни ёмонотлиққа чиқармоқчи бўлишади.

Ёки мана бу шикоятни олайлик. Самар-



ЎЛГОН ГАП ЎҚАДАН ЧИҚАР

— Ҳа, фуқароларимиздан Бош бошқарма раҳбарияти номига ҳар йили турли мазмундаги шикоят-аризалар ва мурожаатлар келиб тушади. Ҳар бир мурожаат қонунларда белгиланган тартибда кўриб чиқилади. Бу мурожаатлар ва шикоят-аризаларни таҳлил қилиш орқали ишимизда йўл қўйилаётган камчиликларни бартараф этиш, ишни тўғри ташкил қилишга эришамиз. Шоли курмасиз бўлмаганидай, орамиздаги айрим нопок ходимларимиз аниқланмоқда, бошқаларга сабоқ бўлиши учун бундай шахсларга нисбатан тегишли жазо чоралари кўрилаяпти. Шу сабабдан фуқароларимиздан асосли мурожаатлар юборишларини кутишимизни эслатиб ўтмоқчиман.

Келаётган шикоят-аризаларга тўхталадиган бўлсак, айримларида гумон қилинувчи, айбланувчи ва уларнинг қариндош-уруғлари ёки жабрланувчига нисбатан ички ишлар ходимлари гайриқонуний хатти-ҳаракатлар қилганлиги баён этилади. Тўғри, дастлабки терговолди суриштирув ҳаракатларини ўтказиш даврида суриштирув ходимлари томонидан жиноятни фош этишга жиддий ёндашилмагани, пишиқ-пухта текширувлар ўтказилмагани, аниқланган ҳолатларни ҳужжатлаштиришда хато ва камчиликларга йўл қўйилганлиги шикоятбозликка олиб келиши ҳам бор гап. Лекин келиб тушган аризаларни ўрганганимизда, уларнинг

учун Луқмонжон исмли терговчи ундан 300 минг сўм пул талаб қилаётганини ёзган.

Мазкур шикоят атрофлича ўрганиб чиқилганда, туман ИИБда Луқмонжон исмли терговчи умуман ишламалиги ва А. Рўзиевдан ҳеч ким пул талаб қилмагани аниқланди. Биргина ана шу шикоятнинг ўзи қанчадан-қанча мутахассисларнинг вақтини олиб, овра-ю сарсон қилганини, тасаввур қилинг-а! Бўхтон, уйдирмаларни ёзаётганлар аризини ўрганиб чиқиш учун давлатнинг анчагина маблағи сарф бўлаётганини ҳам ўйлаб кўришлари лозим.

Баъзилар Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 35-моддасида: «Ҳар бир шахс ўзи бевосита ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга...» ёки «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 3-моддасида: «Ўзбекистон Республикаси фуқаролари давлат органларига аризалар, таклифлар ва шикоятлар билан мурожаат этиш ҳуқуқига эга...» деб белгилаб қўйилган дейишлари ҳам мумкин. Тўғри, мурожаат этиш ҳуқуқини ҳеч ким чеклай олмайди, лекин биргина нотўғри ёзишма оқибатида йўқотилган вақтларни қайтариб бера олади! Асаббузарликларини-чи? Айрим фуқаролар кекса ота-оналари номидан турли идо-

у киши ўғирламагани кейинчалик аён бўлди, яъни пул топилди. Келинойим билан бирга қарши ариза бериш учун терговчи А. Фаттаховга учрашганимизда у бизни қабул қилмади. Туман ИИБ терговчиси А. Фаттахов бир томонлама иш олиб бораёпти. Дадамнинг айби аввал ҳам судланганликлари...» деб ёзади.

Мазкур ариза бўйича текшириш ўтказганимизда, воқеа бошқача бўлгани ойдинлашди. Айбланувчи — муқалдам беш марта судланган, вақтинча ишсиз Қ. Даврон шу йил 3 март кунини ўзлари билан бир ҳовлида яшовчи келинойисининг ётоқонасига ҳеч ким йўқлигида яширинча кираиб, кўрпалар орасида бўлган 90 минг сўм пулни ўғирлаб чиқиб кетади. Ўғирланган пулнинг бири қисмини турмуш ўртоғи Қ. Ойгулга рўзгорга ишлаштириш учун беради. Оз-оздан маблағ жамғариб келаётган жабрланувчи Қ. Муаззам йил бошидан ойлик маошидан ажратиб, қизи Нигорага сақлаш учун бериб келади. Нигора эса онаси берган пулларнинг миқдорини ёзиб, купюраларга белги қўйиб боради. Тўплаган пулларнинг ярми йўқлигини билган Нигора онаси Муаззам билан келинойиси, яъни айбланувчининг аёли Ойгулга бу ҳақда айтади. Шунда у эри берган пулларни Нигорага кўрсатади. Нигора пуллар ичидан ўзи белги қўйганларини таниб қолади... Экспертиза ҳам пуллардаги ёзув жабрланувчи то-

чиси ҳеч қандай гайриқонуний ҳаракатлар қилмагани исботланди.

Шу ўринда ушбу ариза юзасидан баъзи бир мулоҳазаларни билдириб ўтсам. Мақтуб айбланувчининг қизи томонидан ёзилаяпти. Ўз-ўзидан маълумки, ҳеч ким ўз яқинларининг жазога тортилишини истамайди. Халқимиз таъбири билан айтганда «Кўнғиз ҳам ўз боласини оппоғим» дейди. Д. Қосимжонов шошма-шошарлик билан масалага етарлича ёндашмай туриб мурожаат этган. Жиноят ишини кўзга тушириш билан шахс айбдор бўлиб қолмайди, сўнгги нуқтани суд қўйишини фуқароларимиз тушуниб олишлари лозим.

Бу билан биз ходимларимизни оппоқ қилиб кўрсатмоқчи эмасмиз. Ҳар соҳада бўлганидек, орамизда фуқароларни менсимайдиган, «Касб одобномаси»га амал қилмайдиган, кўпол муомалали терговчиларнинг борлигидан ҳам кўз юма олмаймиз. Айрим терговчилар фуқароларга нисбатан нотўғри муомала қилишлари норозичиликни келтириб чиқариб, шикоятбозликка олиб келаётганини таъкидлаш жоиз. Ана шу тоифадаги ходимларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари юзасидан биз доимо фуқаролардан мақтублар кутамиз ва қонуний тартибда чора кўрамиз. Лекин ички ишлар ходимларининг, чунончи терговчиларнинг «бурнини ерга ишқаб қўйиш» мақсадида ёзи-

қанд вилояти Каттақўрғон туманида яшовчи фуқаро А. Ҳасанов вилоят ИИБ терговчиси А. Қобулов томонидан ўзига нисбатан асоссиз айб ёллон қилинганлиги тўғрисида ёзган. Аслида А. Ҳасановнинг муттаҳамлиги кейинроқ аён бўлди. У қарийб 80 ёшли онасининг номига фермер хўжалиги ташкил этган бир пайтда «Қадан» дон қабул қилиш пункти мудир лавозимида ишлайди. Шу орада «Оқтошдон» акциядорлик жамиятининг Каттақўрғон шохобчаси раҳбари А. Эшонқулов ва элеватор бошлиғи А. Раззоқовлар билан жиноий тил бириктириб, фермер хўжалиги омборига ҳеч қандай ҳужжатсиз 40 тонна бугдойни яшириб қўяди. Ўзини жабрланган фермер қилиб кўрсатаётган А. Ҳасанов омборни асосли муҳрлаб қўйган вилоят ИИБ терговчиси А. Қобуловнинг хатти-ҳаракатларини «қонунга хилоф», дея айхоҳанно солиб, турли ташкилотларга шикоятлар ёзади. Ҳатто кекса онасини ҳам бу ишга жалб этади. Шундан сўнг, баъзи бир ташкилот раҳбарлари терговчилар томонидан қабул қилинган асосли қарорга эътироз билдира бошлайди. Кейинчалик ишни кўриб чиққан республика ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари ҳам терговчиларнинг ҳаракатларини асосли, қонуний деб топишди. Ўз айбига иқдор бўлмай, терговчиларга тўхмат тошини отган А. Ҳасанов энди ким деб аташ мумкин? Халқимиз «Ўлгон гап ёқадан чиқар» деб бежиз айтмаган. Кимки бошқа кишига ёмонликни раво кўрса, ўз бошига бало орттириши муқаррардир.

— Суҳбатингиз учун раҳмат.

Суҳбатдош: Қобилжон ШОКИРОВ.

АЛИХОНТЎРА СОҒУНИЙНИНГ «ТАРИХИ МУҲАММАДИЙ» АСАРИ

УНИНГ МИЛЛИЙ МАЪНАВИЯТИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИДА ТУТГАН ЎРНИ

Ислом жаҳоннинг энг йирик динларидан биридир. Унинг тарихи, муқаддас манбалари ва асосчиси жаноб Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг ҳаётини ўрганиш, шунингдек, динни тарғиб қилиб, асос солишда башарият олдидаги беқиёс хизматларини чуқур билиш, умуман диний-маърифий йўналишдаги китобларни ўқиш собиқ тузум даврида амри-маҳол бўлган эди. Шундай қалтис замонда дину диёнатни маҳкам ушлаган фидойи, эътиқоди мустаҳкам айрим уламоларимиз ўзлари яратган асарларни нашр этиш имконига эга эмасдилар. Шу боис ҳам баъзи уламои киромларимиз ўзлари ёзган асарларни нашр қилишда ўзига хос «хийлаи шаръий» усул ишлатиб, ўзбек тилида эмас, бошқа тилларда чоп эттирганлигига қатор мисоллар келтириш мумкин. Жумладан, марҳум муфтий Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохон ҳазратларининг «Диёримизда ислом ва мусулмонлар» номли китоби 1979 йилда араб тилида нашр этилган. Маълумки, Куръони каримнинг халифа Усмон ибн Аффон даврида кўчирилган бир ноёб нусхаси Тошкентда сақланади. Узоқ йиллар мобайнида муфтий ноиб лавозимида фаолият кўрсатган Исмомил Махдум Сотти Охуннинг ана шу ноёб муқаддас китоб тарихига бағишлаган «Тошкентдаги Усмон Мусҳафининг тарихи» номли ғоятда қимматли илмий тадқиқоти ҳам 1971 йилда араб тилида чоп этилган эди. Ўша даврнинг даҳрийликка асосланган сиёсати исқандаридан бўлган халқимиз ислом динининг оддий амаллари (намоз, ҳаж, рўза ва ҳоказо)га оид маълумотлардан, Ислом дини тараққиётига салмоқли ҳисса қўшган, бутун Мағрибу Машриқда номлари машҳур бўлган буюк алломаларимизнинг ҳаёти ва илмий - маънавий мерослари ҳақидаги оддий китоб ва рисоаларни ўқиш имкониятидан ҳам маҳрум бўлганлар.

Аллоҳга беадаб шукрлар бўлсинки, истиқлолимиз шарофати, ҳукуматимиз, давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг маънавий, маърифий ва диний соҳаларга нисбатан олиб бораётган одилона ва халқчил сиёсати туфайли ўтган ўн беш йил мобайнида бу йўналишда том маънода тарихий ишлар амалга оширилди ва давом этмоқда. Юртбошимизнинг «ислом дини - бу ота-боболаримиз дини, у биз учун ҳам иймон, ҳам ахлоқ, ҳам диёнат, ҳам маърифат эканлигини унутмайлик» деган пурҳикмат таъкидларида мустақил юртимизда бу муқаддас динга нисбатан ижобий муносабат очик-ойдин ифода этилган.

Мустақиллик йилларида республикамиз олиму уламоларининг савий-ҳаракатлари туфайли бошқа динлар қатори Ислом динининг тарихи, унинг турли масалалари, айниқса, бу диннинг ривожига беқиёс ҳисса қўшган буюк ватандошларимизнинг илмий, маънавий меросларини ўрганишда талай асарлар ва рисоалар нашр этилди. Диёримиздан чиққан таниқли дин ва давлат арбоби, йирик уламолардан бири ҳисобланган, «XX аср Имом Бухорийи» деган шарафли эътирофга сазовор бўлган Алихонтўра Соғуний (1885-1976) ҳазратларининг бу борадаги хизматларини алоҳида таъкидлаш лозим. Бу аллома Чор Россиясининг таъқиби натижасида узоқ йиллар хорижий юртларда яшашга мажбур бўлган. Домла юртимизга қайтганларидан кейин тарих, айниқса, ислом дини тарихига оид бир қанча муҳим

асарлар яратиш билан бирга муҳир таржимон сифатида қатор асарларни ўзбек тилига таржима ҳам қилганлар. «Темур тузуклари»нинг форсийдан ўзбек тилига таржимаси шулар жумласидандир. Шўро даврининг тарихимизга нисбатан бўлган адолатсиз муносабати авжига чиққан пайтда Соҳибқирон Амир Темур фаолиятига оид бу асарнинг нашр этилишини улкан жасорат дейиш мумкин.

Алихонтўра Соғуний қаламига мансуб ўндан ортиқ асарлар бўлиб, улар жумласидан «Тарихи Муҳаммадий» («Муҳаммад тарихи») айниқса, эътиборга моликдир. Бу қимматли манба қарийб ярим аср муқаддам - 1959 йилда ёзиб тугатилган бўлса ҳам, лекин у муаллиф вафотидан кейин (1991, 1997, 2004 йилларда) чоп этилган. Бу йирик асарда номидан ҳам кўриниб турганидек, Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг ислом динига асос солиб, унинг ривожланишидаги тарихий хизматлари, бу диннинг тарғиб қилиш йўлида учраган қийинчилик ва тўсқинликларини собитқадамлик билан бартараф қилишлари, шунингдек, Сарвари оламнинг шахсий ва оилавий ҳаётлари, юксак инсоний фазилатлари, гўзал ахлоқ-одоблари, ҳар қандай шароитда ҳам адолат юзасидан иш тутишлари, Аллоҳ томонидан юборилган барҳақ пайғамбарликларини тасдиқловчи кўпдан кўп мўъжизалар баён қилинган.

Пайғамбаримизнинг ҳаёт йўллари барчамиз учун ибратдир. Инсонийликнинг энг улуг фазилатлари мужассамлиги боис, уни ўрганиш, ўрнак олиш ва ҳаётда қўллаш билан маънавиятимиз юксалиб боради. Сарвари олам яшаб ўтганларидан кейинги ўн тўрт аср мобайнида миллатимизда ислом дини таълимоти асосида энг ибратли удумлар, одатлар вужудга келди ва ривожланди. Айниқса, инсонлар ўртасида меҳр-оқибат, етим-есирларга нисбатан шафқат, катталарга ҳурматда, кичикларга иззатда, Ватанга садоқат, эл ишига камарбаста бўлиш қабилар мустаҳкамланди. «Тарихи Муҳаммадий» асарини ўқиган ҳар бир кишида, аввало, динга бўлган муҳаббати ошиб, қалбида чин инсонийлик туйғулари кучайиб боради. Ҳар бир инсон ислом йўлидан борар экан унинг қалбида ёмонлик ҳислари камаяди, Аллоҳга бўлган эътиқоди, барча ёмон хислатлар қалбидан чиқиб кетишига олиб келади.

Мавриди келганда айтиш керакки, ислом динининг асосчиси Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом башарият тафаккури ва тараққиёти тарихи, унинг маънавий камолотида беқиёс ўринга эга бўлган энг буюк сиймолардан бири сифатида жумлаи жаҳонда эътироф этилган.

Ислом динининг тарихи, жаноб пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг ҳаётлари

ҳамда самарали, серқирра фаолиятлари тўғрисида Ғарб ва Шарқ халқларининг тилларида кўплаб асарлар яратилиб, нашр этилган. Аллома Алихонтўра Соғуний ҳазратларининг «Тарихи Муҳаммадий» асари ҳам мазмун-моҳияти, ҳам манбавий асослари нуқтаи назаридан мазкур асарлардан батамом ажралиб туради. Асар мундарижаси билан танишишнинг ўзиданоқ унда Сарвари оламнинг ҳаёт йўллари ва ибратомуз, намунавий фаоли-

бўлиб ўтган воқеалар бутун тафсилотлари билан кенг қўламда баён қилинган. Мана шу кўп сонли жангу жадаллар жумласидан ислом тарихида Мута ғазоти деб ном олган воқеа ҳақида батафсилроқ тўхталамиз.

Шом вилоятига қарашли Мутага юборилган Расулulloҳнинг элчиси гарчанд «элчига ўлим йўқ» деган азалий таомил бўлсада, мушриклар томонидан ўлдирилади. Бу воқеа Расулulloҳ (с.а.в.) элчисига нисбатан биринчи маротаба амалга оширилган ёвуз ҳаракат эди. Мудҳиш нохуш хабарни эшитгач, Расулulloҳ (с.а.в.) ғоятда ғамгин бўладилар ва мушрикларга қарши уч мингдан ортиқ кўшин тўплаб уларга асранди ўғиллари Зайд ибн Ҳорисани амир қилиб тайинлайди ва: «Агар Зайд шаҳид бўлса, унинг ўрнига Жаъфар ибн Абу Толиб амир бўлсин. Агар у ҳам шаҳид бўлса, ўрнига Абдуллоҳ ибн Равоҳа қўйилсин. Агар унга ҳам ўлим мусибати етса, аскарлар ўрталаридан хоҳлаган кишини аскарбоши қилиб тайинлаб олсин», дейдилар. Сўнгра ислом кўшини Мутага келганида икки юз минг атрофида аскар билан тўқнашади. Бу тенгсиз жангда дастлаб Зайд ибн Ҳориса шаҳид бўлади. Ундан кейин унинг қўлидаги ислом туғини ерга туширмасдан иккинчи амир Жаъфар ибн Абу Толиб (у ҳазрат Алининг акаси эди) келиб олади. Жанг пайтида ганим унинг туғ кўтарган ўнг қўлини чопиб ташлайди. Туғни сўл қўлига олганида, ганимлар буни ҳам чопишади. Шундай бўлса ҳам, туғни ташламасдан қўлтиғига қисиб турган ҳолда шаҳид бўлади. У кишининг ёши шу пайтда атиги ўттиз учда эди. Шундан сўнг ислом туғини учинчи амир Абдуллоҳ ибн Равоҳа кўтариб, кофирлар тўдасига қараб арслондек ҳамла қилади. Бир қанча муддат давом этган жангдан сўнг бу киши ҳам шаҳид бўлади. Бу хабардан воқиф бўлгач Расулulloҳ (с.а.в.) Ҳазрати Жаъфарнинг хотини Асмоя бинти Амиснинг уйига кирдилар. Болаларини кўргач, уларни ҳар бирини ўпиб туриб, муборак кўзларидан ёшлари оқиб кетди.

Сўнгра у жойдан чиқиб, ўз уйларига кириб, оналаримизга айтдилар:

- Жаъфар онласидан хабарсиз турманглар, улар учун таом пишириб уйларига етказинглар. Инсонга ўлим иши етди эрса, унинг қайғуси овқат пиширмоқ, емак-ичмакка тўсқинлик қилур, - дедилар.

Айнан шу воқеадан кейин ўлим содир бўлган уйга кўшни-

лар, қариндош-уруғлар таом пишириб келтирмоғи суннат бўлди. Мана шу келтирилган биргина мисолдан ҳам кўриниб турибдики, Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг саҳобалари ислом динини тарқатиш йўлида ҳатто жонларини баҳшида қилиб, беқиёс фидойилик ва жонбозлик кўрсатганлар. Асарда бу тарздаги ибратли, намунали, ёрқин мисоллар кўплаб келтирилганки, шубҳасиз улар бу китобни маънавий-маърифий, айниқса, тарбиявий аҳамияти юксак эканлигини кўрсатади.

Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг оқилона ва собитқадамлик билан олиб борган тарғибот ва даъватлари натижасида, мушриклар, куфр аҳиллари бу муқаддас дин ҳақида ҳақиқатни идрок этгач, иймон келтириб, тўп-тўп бўлиб ислом динини қабул этганлари ҳақида асарда кўплаб аниқ маълумотлар келтирилган. Бу хусусида Арабистондан ташқари бир нечта шаҳарлар, ўлкалар ва вилоятларнинг элчилари келиб, ислом динининг арконлари ҳамда асосларини ўрганиб, Расулulloҳ (с.а.в.)нинг хусни хулқларини кўриб, ўз юртларига қайтиб, ислом динини қабул қилганликларини хабар қилганлар.

«Тарихи Муҳаммадий» асарида келтирилган эътиборга молик муҳим маълумотлардан яна бир туркуми Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг кўрсатган мўъжизалари ҳақидаги хабарлардир. Аллоҳ таолонинг инояти билан Пайғамбаримиз (с.а.в.)га муяссар бўлган мўъжизалардан бу асарда эллик икки мўъжизанинг бирма-бир баёни келтирилганки, булар билан танишган ҳар бир китобхон улар Муҳаммад алайҳиссаломнинг барҳақ пайғамбарлигининг қудратли ҳужжати эканлигига ишонч ҳосил қилади. Асарнинг охириги қисмларида Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг ахлоқлари, сиймолари, болалари, аёллари, бетоб бўлишлари ва вафотлари ҳақидаги батафсил маълумотлар ўз ифодасини топган. Умуман олганда аллома Алихонтўра Соғуний ҳазратларининг бу асари Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг ҳаёти ва ибратларга тўлиқ кенг қамровли фаблиятлари ҳақидаги бебаҳо бир қомусий асар десак ҳеч бир муболага бўлмайди. Зеро, ҳозиргача ўзбек тилида бу тарздаги аниқ ва мукамал маълумотларга таяниб ёзилган биронта асарни кўрсатиш қийин. Асар том маънода тарихий аҳамиятта эга. Бу асар кенг халқ оmmasи, айниқса, ёшларимизнинг диний-маърифий саводхонлигини оширишда муҳим роль ўйнайди. Қолаверса, жамиятимиз учун, ҳозирги давримиз учун ғоятда зарур бўлган гўзал ахлоқий фазилатларга эга, кенг қўламда фикрловчи, юксак салоҳиятли, маънавий комил инсонларни тарбиялашдек улуг мақсадга хизмат қилади.

Убайдулла УВАТОВ,
Тошкент Ислам университети
Манбалар хазинаси мудири,
тарих фанлари доктори.



Эркин фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлидан бораётган мустақил давлатимиз жаҳонда инсон ҳуқуқлари ҳимояси ва демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш борасида кечаётган жараёнлар билан ҳамоҳанг равишда қадам ташламоқда.

2001 йил август ойида Президентимиз И. Каримовнинг Парламентга Мурожаатида «Ўзбекистонда ўлим жазосини қўллашга доир жиноят қонунчилиги сиёсати бутун жаҳонда кечаётган жараёнларга тўла мос бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси моҳиятидан келиб чиқадиган инсонпарварлик тамойилини ўзида тўла акс эттиради» дея қайд этилган эди. Ҳақиқатан ҳам мамлакатимизда ўлим жазосини жиноий жазо тури сифатида бекор қилиш босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Маълумки, ҳозирги кунда дунё ҳамжамиятида ўлим жазосини бекор қилиш, уни жиноий жазолар қаторидан батамом чиқариб ташлаш борасида кўплаб баҳс-мунозаралар юритилмоқда. Чунки ўлим жазоси ўта оғир қилмишни содир этган жиноятчиларга нисбатан давлат томонидан қўлланиладиган энг оғир жазо тури ҳисобланади. Бу жазонинг қўлланилиши маҳкумга нисбатан ҳам, жамият учун ҳам оғирдир. Шу сабабли ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисидаги масала катта ижтимоий аҳамият касб этади.

Шу ўринда ўлим жазосини қўллаш ёки уни бекор қилишнинг дунё миқёсидаги ҳолати қандай деган савол туғилиши мумкин.

Олинган маълумотларга кўра, 1990 йиллар охирига келиб ўлим жазоси 72 мамлакатда бутунлай бекор қилинган бўлса, 90 та мамлакатда сақланиб қолingan. БМТнинг маълумотига кўра, 1989 йил ва 1995 йиллар оралиғида дунёнинг 25 давлатида ўлим жазоси расман бекор қилинган. 14 давлатда, жумладан, Аргентина, Бразилия, Буюк Британия, Греция, Исроил, Канада, Кипр, Мексика, Непалда ўлим жазоси фақат фавқулодда ҳолатлардагина қўлланилиши мумкинлиги белгиланган. 30 давлатда (масалан, Бельгия, Чили, Конго, Гватемала, Туркия) эса жиноят қонунчилигида ўлим жазоси сақланган ҳолда, амалда қўлланилмай қелинмоқда.

Ўтган асрнинг 90-йилларида Ирландия, Венгрия, Руминия, Чехия, Словакия, Болгария,

Швейцария, Грузия, Польша, Италия, Испания, Литва ва Латвия республикалари каби бир

тон, Қирғизистон, Беларусь Республикалари, Африка ҳамда барча араб давлатлари жиноят қонунчилигида ўлим жазоси жиноий жазо тариқасида мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси ҳам жиноят қонунчилигида ўлим жазоси мавжуд бўлган юқоридаги давлатлар қаторига кирса-да, бироқ мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишнинг энг муҳим вазифаси сифатида жиноят, жиноят процессуал қонун ҳужжатлари ва жиноий жазо тизимини изчиллик

Жиноятга оид сиёсатда, ҳуқуқни қўллаш амалиётидаги туб ўзгаришлар мамлакатда ижтимоий-сиёсий, криминоген вазиятга ижобий таъсир кўрсатмоқда. 2008 йил 1 январдан жиноий жазо тури сифатида ўлим жазосининг бекор қилиниши Ўзбекистон Республикаси суд-ҳуқуқ тизимини, жиноий жазоларни либераллаштириш борасида амалга оширилаётган жараёнларнинг муҳим йўналиши бўлди.

Мамлакат мустақилликка эришган пайтда жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжат-

рининг 28-бандида «Судлар шуни назарда тутишлари лозимки, Қонун жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатларда қасддан одам ўлдириш жиноятига нисбатан ўлим жазосини қўллашга йўл қўяди, аммо албатта шу жазо қўлланилиши талаб этмайди» деб кўрсатилган. Пленум қарори талабидан шу нарса англашиладики, ўлим жазосини қўллаш ҳеч қачон мутлақ маънода тушунилмаслиги лозим. Аксинча, судлар ушбу жазони фақатгина унинг тайинлаши зарурлигини жавоб-


си шундай жиноятни содир қилмоқчи бўлган бошқа шахсларни жиноят содир этишининг олдини олувчи ёки уларни қўрқитиш воситаси деб ҳисобланган эди. Бироқ ўлим жазосининг жамиятдаги криминоген вазиятга самарали ва ижобий таъсир кўрсата олиши ёки кўрсатганлигини тасдиқловчи бирор бир маълумот мавжуд эмас.

2005 йил 2 август кунини Президентининг «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди. Унда таъкидланганидек, айтилган вақтда мамлакатда амалга оширилаётган жамият ва давлат ҳаётини демократик жиҳатдан янада янгилаш, мамлакатни модернизация қилиш борасидаги ислоҳотларнинг моҳияти ва мазмуни, суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш бўйича олиб борилаётган ишларнинг натижалари жазо тури сифатида ўлим жазосини бекор қилинишини ҳамда уни умрбод ёки узоқ муддатта озодликдан маҳрум этиш жазоси билан алмаштирилиши зарурлигини тақозо этмоқда.

Шу билан бирга, ушбу муҳим соҳадаги ислоҳотлар, ижтимоий муносабатларнинг ривожланиши ва инсонпарварлик руҳида олиб борилишини ҳамда инсонлар онгида демократик қадриятлар тобора мустаҳкамланишини инобатга олган ҳолда изчиллик билан амалга оширилиши лозим. Ўлим жазосининг бекор қилинишининг аҳамияти, зарурати борасида аҳоли орасида кенг тушунтириш ишларини олиб бориш керак. Биринчи навбатда, мамлакатимизнинг ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлидаги изчил ҳаракатларини асослаб бериш, жиноий жазоларни янада либераллаштириш, шу жумладан ўлим жазосини бекор қилиш заруриятининг англаб етилишини кишилар онгида мустаҳкамлаш зарур.

Ўлим жазосининг ўрнига умрбод ёки узоқ муддатта озодликдан маҳрум этиш жазосига ҳукм қилинган шахсларнинг жазолари ижро этилишини ташкил қилиш тажрибасига эга бўлган хорижий мамлакатларнинг тегишли қонун ҳужжатларини чуқур ўрганиб чиқиш муҳим вазифа ҳисобланади. Кечиримлилик, инсонпарварлик ҳалқимизга хос фазилатлардандир. Шундай экан ҳар бир қонун қабул қилиниш жараёнида унинг инсон манфаатларига нечоғлик мос келиши ҳисобга олинса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Дилбар СУЙОНОВА,
Ўзбекистон Республикаси
Олий суди судьяси.



БЕБАҲО НЕЪМАТ

қатор давлатлар ўлим жазосини қўллашдан расман воз кечишди.

Ўлим жазосининг қўлланилиш-қўлланилмаслиги муаммоси инсон ҳуқуқларининг халқаро миқёсдаги ҳимояси билан узвий боғлиқдир. Шу боисдан бу масалада бир неча халқаро ҳужжатлар қабул қилинган. Бундай ҳужжатлар қаторига «Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт»га иккинчи факультатив Баённомани (1989 йил), Европа Иттифоқи томонидан 1983 йилда қабул қилинган «Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Европа конвенцияси»га олтинчи Баённомани киритишимиз мумкин. Булардан ташқари, сўнгги йилларда БМТ томонидан ҳам ўлим жазосини бекор қилиш ёки уни қўлламаслик тўғрисида қатор халқаро меъёрлар ишлаб чиқилган.

Ҳозирги пайтда дунёдаги 83 мамлакатда, жумладан, АҚШнинг 38 штатида, Хитой, Жанубий Корея, Покистон, Индонезия, шунингдек, Қозоғис-

билан, босқичма-босқич равишда либераллаштириб боришни қатъий йўналиш қилиб белгилаганмиз.

Сўнгги йилларда қабул қилинган «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига, судлар ҳамда прокуратура тўғрисидаги қонунларга ва бошқа бир қатор қонун ҳужжатларига мувофиқ жиноятларнинг таснифлиниши ўзгартирилди, ўта оғир жиноятлар жумласига киритилган жиноятлар рўйхати камайтирилди. Содир этилган жиноятлар учун озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган муқобил жазо турлари, ярашув институти жорий этилди. Бундай ёндашув кўпгина демократик, ривожланган давлатлар амалиётига тўла мувофиқдир.

ўлим жазосини назарда тутувчи 30 дан ортиқ молдалан иборат эди. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йилги Жиноят кодексида бундай молдалар сони 13 та бўлиб, 2001 йилда эса 4 тагача камайтирилди.

2003 йилда жиноят қонунчилигини либераллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилгандан сўнг, фақат икки турдаги жиноят, яъни қасддан одам ўлдириш ва терроризм жиноятларини содир этганлик учун ўлим жазоси қолдирилди.

Бундан ташқари, ушбу қонун билан аёлларга, олтмиш ёшдан ошган эркакларга ва ўн саккиз ёшга тулмасдан жиноят содир этган вояга етмаган шахсларга нисбатан ўлим жазоси тайинланиши мумкин эмаслиги белгилаб қўйилган. Бу Жиноят кодексидagi жазолар инсонпарварлик принципига тўла мос келади.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2004 йил 24 сентябрдаги «Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги Пленум қаро-

гарликни оғирлаштирувчи алоҳида ҳолатлар ва шу билан бирга айбдорни жамият учун мутлақо хавфли бўлган шахс сифатида тавсифловчи маълумотлар тақозо этган тақдирдагина қўлланилиши белгиланган.

Статистик маълумотларга қараганда, Жиноят кодексининг 51-моддасида назарда тутилган ўлим жазоси айбни оғирлаштирувчи алоҳида ҳолатлар ва ўта оғир жиноят содир этган шахснинг мутлақ хавфлилиги уни қўллаш тақозо этган тақдирдагина қўлланилган. Жумладан, 2004 йилда умумий судланганларнинг 1,8 фоизига нисбатан ўлим жазоси тайинланган.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек ўлим жазоси жиноий жазо тариқасида кўпгина давлатларнинг жиноят қонунчилигида мавжуд. Унинг мавжудлиги биринчи навбатда бир неча шахсларни ҳаётдан маҳрум қилган жиноятчига нисбатан тайинланган энг алоҳида жазо ҳисобланиши билан изоҳланган бўлса, иккинчидан, ўлим жазо-

Эл шухрати унинг иймони бут, эътиқоди мустақкам фарзандлари туфайли дейдилар. Чунки бундай фарзандлар биринчи навбатда Ватани, халқини ўйлайди, тинчлик ва осойишталик йўлида тиним билмайди, ҳалол меҳнат қилиб, обрў-эътибор топади. Бундай инсонларга қарата: «Ўзи ҳам тинмайди, бошқаларни ҳам тинчитмайди. Олов бўлиб ёниб яшайди», — дейдилар. Эл-юрт ташвишида ана шундай олов бўлиб яшаган инсонлардан бири Комилжон Қодирович Ғопуров эди.

Тошкент туманида туғилган Комилжон 1971 йилда Тошкент Давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети)нинг ҳуқуқшунослик факультетини битиргач, пойтахтнинг Яккасарой тумани ИИБ тергов бўлини масида терговчи бўлиб иш бошлади. Унинг ҳар бир ишга сидқидилдан, астойдил ёндошиб, ҳалол ва одиллик билан иш олиб бориши тезда ҳамкасблари орасида тилга тушди, раҳбарлар эътиборини тортиди. Комилжонни Зангиота тумани ИИБга суриштирувчи, терговчи, кейин бош терговчи лавозимларига тайинлашди. Ёш ходимдаги иқтидор ва меҳнатсеварлик хизмат пиллапояларидан кўтарилиши учун мезон бўлди. У Тошкент тумани

ИИБ тергов бўлини маси бошлиғи, бошлиқнинг биринчи ўринбосари, бошлиқ лавозимларида хизмат қилди.

Ииллар ўтган сайин жамият тараққий топиб, янгилашиб, мукамаллашиб боради. Бу эса шу жамият аъзоларидан замон билан ҳамнафас бўлиш, ички ишлар ходимидан эса бир қадам олдинда юришни, тинимсиз излашни, ўқиб-ўрганишни, билим олишни тақозо этади. Бунинг яхши англаган Комилжон

республика ИИБ Академиясида таҳсил олиб, билимини бойитди, касб маҳоратини оширди. Комилжон Ғопуров қайси лавозимда ишлаганини, хусусан, Тошкент вилояти ИИБ бошлиғининг тергов ишлари бўйича ўринбосари, биринчи ўринбосари, вилоят ИИБ бошлиғи бўлиб фаолият кўрсатганда уни инсонийлик, олижаноблик фазилатлари тарқ этмади. Аксинча, амали, унвони ошгани сайин ундаги одабийлик, инсонпарварлик, фидойилик ҳам ортиб борди.

Ички ишлар идораларида тез-тез бўлиб, жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашишда ходимларнинг вазифалари, бурч ҳамда мажбуриятлари ҳақида суҳбатлар ўтказди. Интизом, ўқиш-ўрганиш, касбий ва жисмоний маҳоратни ошириб бориш, фуқаролар билан доимо муомаллада бўлиш, ёрдамга муҳтожларга бефарқ қарамасликни ўқитиб, бу борада ўзи ибрат бўлди.

Комилжон Ғопуров жиноятчиликка, айниқса, унинг уюшган турларига қарши мурасасиз кураш олиб бориб, пойтахтимизда ижтимоий-сиёсий вазиятни барқарорлаштириш, фуқароларнинг тинч-осойишта яшаши ва

ишлар идораларида тез-тез бўлиб, жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашишда ходимларнинг вазифалари, бурч ҳамда мажбуриятлари ҳақида суҳбатлар ўтказди. Интизом, ўқиш-ўрганиш, касбий ва жисмоний маҳоратни ошириб бориш, фуқаролар билан доимо муомаллада бўлиш, ёрдамга муҳтожларга бефарқ қарамасликни ўқитиб, бу борада ўзи ибрат бўлди.

Комилжон Ғопуров республика Ички ишлар вазирлиги делегацияси билан Германияга қилган сафаридан ҳам «қуруқ қўл» билан қайтмади. У ички ишлар ходимлари учун жуда зарур бўлган жаҳондаги энг замонавий алоқа воситаларини олиб қайтди. Ихчам ва бенуқсон ишловчи бу алоқа воситалари ҳозирги пайтда пойтахт милицияси ходимларига жиноятчиликка қарши курашда анча қўл келмоқда.

— Тошкент шаҳар Ички ишлар Бош бошқармасида Комилжон Ғопуровнинг ўринбосари эдим, — дея хотирлайди Самарқанд вилояти ИИБ бошлиғи, генерал-майор С. Асатов. — У киши билан ишлаган давримда мен бу инсоннинг юрагида эл-юртга, касбига нисбатан юксак меҳр-муҳаббат борлигига, ана шу меҳр-муҳаббат туфайли тиниб-тинчимаслигига, ишчанлигига амин бўлганман. У вақт билан ҳисоблашмай ишлар, ўзини аямас, хизмат натижаларини ўзи таҳлил этар ва одилона баҳо бериб, аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан кечиктирмай, зарур чораларни кўрарди. Ўзинтизоми, меҳнатсеварлиги,

Маълумотни ўқишда давом этаркан, шаҳарнинг Мирзо Улуғбек туманидаги Қорасув анҳоридан 40-45 ёшлардаги эркак кишининг кўрпа жилдига ўраб, чўктирилган мурдаси топилганини ўқиб қолди ва дарҳол телефон тугмасини босди:

— Умархонов, сувдан топилган жасад ҳақида қўшимча маълумотлар борми? — сўради у.

— Ўртоқ генерал, биз мурданинг шахсини аниқладик. Махсус гуруҳ кеча тушдан бери жиноятни очиш билан шуғулланмоқда. Қалаванинг учи топилди, насиб қилса, кечгача очиб, натижаси ҳақида маълумот бераман.

— Хонадон ўғирлиги-чи?

— Хонадонга кирган ўғри Борис исмили шахс экан. Уни қўлга олиш чораларини кўриб қўйганмиз. Ўғирланган буюмлар ҳали топилмади. Суриштирув ишларини олиб боряпмиз. Хотиржам бўлинг, йигитларимиз уни албатта топадилар.

— Ҳаракатни бўшаштирманглар. Сизнинг ҳам, менинг ҳам байрамолди кайфиятимиз яхши, кўнглимиз хотиржам бўлсин десангиз, тезроқ топинг!

Генерал гўшакни қўярқўймас, эшикдан қотиба қиз кўринди:

— Ўртоқ генерал, шифокор келди, кирсинми?

Комилжон Қодирович бош ирғади. Унинг ҳузурига кирган шифокор ачинганнамо бош чайқаб, деди:

— Комилжон Қодирович, сизга мутлақо тинчлик керак. Жилла курса, касалхонадан эрта чиқмаслигингиз лозим эди. Юрак билан ўйнашиб бўлмайди, ахир. Ҳамма нарсани ўзингизга яқин олаверманг, учинчиси хатарли...

— Худо хоҳласа, байрамни ўтказиб олайлик, даволаниш қочмайди. Бу кунни мен кўпдан орзиқиб кутипман. Бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор.

...Эртаси кунни минглаб одамлар боши узра оппоқ тобут қалқиди...

Комилжон Ғопуров Ватанига садоқат билан хизмат қилган, ўзидан ўчмас из ва кўплаб шогирдлар қолдирган, мамлакатимиз милицияси тарихига кирган Ўзбекистонимизнинг асл фарзандларидандир. У ички ишлар идораларидаги бенуқсон хизматлари учун Ҳукуматимиз томонидан қатор орден ва медаллар билан мукофотланган.

Ҳозирда Комилжон Ғопуров таълим олган Тошкент туманидаги 18-мактабга унинг номи берилган. Мактаб ҳовлисида генералга ёлдорлик ўрнатилган. Шунингдек, Келес ва Тошкент шаҳрини боғловчи Сағбон кўчасига Комилжон Ғопуров номи берилган.

Ажойиб инсон, эл-юрт осойишталиги йўлида сўнги нафасигача хизмат қилган генерал-майор К. Ғопуров қисқа, лекин мазмунли ҳаётида ёниб яшади. Унинг юрагидаги ёлқин шогирдлари қалбига кўчган ва хогираси ҳаммаша дилларда сақланиб қолади.

Мурод ТИЛЛАЕВ.

ОЛОВҚАЛБ

Ички ишлар идораларида катта тажриба тўплаган генерал-майор Комилжон Ғопуров 1992 йили Тошкент шаҳар Ички ишлар Бош бошқармасига бошлиқ этиб тайинланди. Ёш, лекин билимли, тажрибали раҳбар мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидаги тезкор вазиятнинг ўзгарувчан бўлиши, хушёрлик салгина бўшашса, бу жиноятга мойил кимсаларга қўл келишини англаб етди. Шу боис, ўзи раҳбар бўлган

ходимларга зарур йўл-йўриқлар берарди. Патруль-пост хизмати шахсий таркиби билан ҳам мунтазам учрашиб, турли мавзуларда суҳбатлар ўтказар, улардан маслаҳатларини аямасди.

Комилжон Ғопуров жиноятчиликка, айниқса, унинг уюшган турларига қарши мурасасиз кураш олиб бориб, пойтахтимизда ижтимоий-сиёсий вазиятни барқарорлаштириш, фуқароларнинг тинч-осойишта яшаши ва

ишлар Бош бошқармасида Комилжон Ғопуровнинг ўринбосари эдим, — дея хотирлайди Самарқанд вилояти ИИБ бошлиғи, генерал-майор С. Асатов. — У киши билан ишлаган давримда мен бу инсоннинг юрагида эл-юртга, касбига нисбатан юксак меҳр-муҳаббат борлигига, ана шу меҳр-муҳаббат туфайли тиниб-тинчимаслигига, ишчанлигига амин бўлганман. У вақт билан ҳисоблашмай ишлар, ўзини аямас, хизмат натижаларини ўзи таҳлил этар ва одилона баҳо бериб, аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан кечиктирмай, зарур чораларни кўрарди. Ўзинтизоми, меҳнатсеварлиги,

ҳалол ва жиддийлиги билан кўпчиликка ўрнак эди.

Генералнинг қалбиде орзуниятлари кўп эди. Аммо тақдир баъзан шафқатсизлик қилар экан... Ўшанда 24 август — чоршанба кунини эди. Комилжон Қодирович ҳар галгидек ишга жуда барвақт келди. Истиқлол тантаналари бошланишига санокли кунлар қолган. Иш ниҳоятда кўп. Вақт зиқ. Генерал кела солиб навбатчилик қисмидан келтирилган тезкор маълумотни синчковлик билан ўқиб чиқди. Пойтахт бўйича содир этилган жиноятлар сони ўтган йилнинг айнан шу кунига нисбатан еттига ошганини кўриб, асаблари тараңлашди. Маълумотга кўз югуртираркан бирдан чехраси ёришди. Чунки жиноятларни очиш кўрсаткичи 90 фоизни ташкил қиларди. Буниси тузук. Йигитларнинг меҳнатидан кўнгли хотиржам тортиди: «Балли, азаматлар!»

**TOSHKENT TUMANI
K.G'OPUROV NOMLI
18-UMUMIY O'RTA
TA'LIM MAKTABI**

меҳнат қилишини таъминлашга катта ҳисса қўшди. Унинг ички ишлар кучларини моҳирона бошқара олиш билан бирга доимо халқ орасида бўлиши, фуқаролар, талаба-ёшлар, мактаб ўқувчилари билан мунтазам мулоқот қилиб, мавжуд муаммоларни ечишда аҳоли, турли идора ва хўжалик раҳбарлари билан бамаслаҳат иш олиб бориши жиноятларнинг сезиларли камайишига, осойишталик, ҳуқуқ-тартибот ҳамда қонун устуворлигининг таъминланишига сабаб бўлди.

Маҳалла отахонлари билан бўлиб ўтган учрашувлардан бирида кексалар унга: «Ўғлим, милицияга бўшашганларни эмас, белида белбоғи борларни ишга олгин», — дея маслаҳат бергандилар. Бунинг инобатга олган К. Ғопуров 1993 йилдан бошлаб шаҳар ички ишлар идо-



МАҲАЛЛА ЕТАКЧИСИ

Фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари — бу ҳақиқий халқ ҳокимиятининг таркибий қисми ҳисобланади. Шу сабабдан ҳам демократик давлат қуриш йўлидан бораётган мамлакатимизда маҳаллаларнинг роли ва аҳамияти тобора ошиб бормоқда.

Бугунги кунда айрим маҳалла фуқаролар йиғинларига аёллар етакчилиги қилаётгани ҳеч кимни ҳайрон қолдирмайди. Асака шаҳридаги Мирзо Улугбек номи маҳалла фуқаролар йиғини раиси Кимёхон Камолова ўзининг ҳақиқий маънодаги етакчи эканлигини амалда кўрсатди.

У мазкур вазифага сайлангунга қадар турли раҳбарлик лавозимларида ишлаб, жамоат топшириқларини сидқидилдан бажариб келди. Натигада бу борада бой тажриба тўплади ҳамда халқ орасида обрў-эътибор қозонди. Шу сабабли 1998 йилда уни халқ яқдиллик билан маҳалла етакчилигига сайлашди. Ушбу лавозимдаги ташланган биринчи қадам оқсоқоллар кенгашининг тавсияси бўйича «Намунали маҳалла

гузари», танловида қатнашиш бўлди. Бунга тайёргарлик жараёнида барча аҳоли ҳашар йўли билан маҳалла ҳудудини ободонлаштиришга астойдил бел боғлашди. Ниҳоят йилдан йилга кўчаларнинг кўркига кўрк қўшилиб, гўзал қиёфа касб эта бошлади. Кимёхон Камолова 2003 йилда бўлиб ўтган сайловда иккинчи муддатга раисликка сайланади.

Айни кунларда Асака шаҳридаги 18 та маҳалла ичида Мирзо Улугбек номи маҳалла фуқаролар йиғини энг намунали ҳисобланади. Уларнинг иш тажрибаларини ўрганиш мақсадида бир неча бор кўргазмалар семинарлар ўтказилди. Яқинда бўлиб ўтган «Андижонни гуллаётган ўлкага айлантирамиз» кўрик-танловида у бошқараётган маҳалла голиб деб топилди.

Бугунги кунда маҳалла ҳудудида 3500га яқин аҳоли аҳил-иноқ умргузаронлик қилишмоқда. Касаначиликнинг ривож топаётгани айниқса уйда ўтирган аёлларнинг мушкулларини осон қилмоқда. Улар уй шароитида меҳнат қилишиб, турли хил кийим-кечаклар, чойшаблар тикишмоқда. Ёшлар-

нинг мунтазам спорт билан шуғулланишлари учун барча қулайликларга эга спорт зали фаолият кўрсатаёпти. Спортнинг қаратэ, оғир атлетика, футбол, шахмат-шашка тўғараклари мунтазам ишлаб турибди. Маҳаллий тадбиркорлар кўмагида барча зарур спорт анжомлари сотиб олинди. Яратилган шароитлардан руҳланган ёшлар футбол жамоаси шаҳар биринчилигида голиб чиқиб, минтақавий турнирда иккинчи ўринни эгаллади.

Маҳаллада байрамлар уюшқоқлик билан ўтказилиб, боқувчисини йўқотган оилалар ҳамда ногиронларга моддий ёрдам кўрсатилмоқда.

Шу кунларда маҳалла фуқаролар йиғини раиси оқсоқоли ҳамда маслаҳатчилари сайловларига қизгин тайёргарлик ишлари олиб борилаёпти. Мирзо Улугбек номи маҳалладан мазкур лавозимга кўрсатилган уч нафар номзод орасида Кимёхон Камолова ҳам бор. Эл-юрт фаровонлиги йўлида сидқидилдан хизмат қилиб келаётган бу маҳалла етакчисининг эзгу ишларига омад тилаб қоламиз.

Борис КЛЕЙМАН.

ҲУҚУҚИЙ БИДИМ - ДАВР ТАЛАБИ

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий дастурининг ижросини таъминлашда оммавий ахборот воситаларининг ўрни» мавзусида семинар-кенгаш бўлиб ўтди.

Унда республика Адлия вазирлиги, Бош Прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги, Олий суди ва Олий ҳужалик суди, республика юристлар малакасини ошириш маркази масъул ходим-

лари, Тошкент Давлат юридик институти ўқитувчи, талабалари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди. Бугунги кунда жамиятда ҳуқуқий маданиятни шакллантириш, аҳоли

ҳуқуқий онгини ўстириш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва оммавий ахборот воситалари ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш борасида қатнашчилар ўз таклиф ва мулоҳазаларини, фикрларини ўртага ташлашди.

Тадбир сўнгида ўзаро савол-жавоблар бўлди. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва оммавий ахборот воситалари ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга келишиб олинди.

Умидо БОЛЛИЕВА.

ТАЛАФОТЛАРГА ЙЎЛ ҚЎЙИЛМАЙДИ

Бухоро вилояти ҳудудида жойлашган «Муборакнефтьгаз» унитар шўъба корхонасига қарашли «Жанубий кемачи» нефтьгаз конденсат кони геологик тузилмаси бўйича мураккаб объектлар тонфасига кирди. Ўта муҳим ва тоифаланган ушбу маскан ва «Куруқ» нефть тайёрлаш пунктида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш мақсадида вилоят ИИБ ёнғин хавфсизлиги бошқармасининг 3-ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги отряди ва 12-ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги қисми ташкил қилиниб, техника ва махсус воситалар билан жиҳозланди. Шахсий таркибининг хизмат шароитини яхшилаш ҳамда жанговар тайёргарлигини ошириш учун ходимларга барча шарт-шароитлар яратилиб, қисмларга замонавий ёнғин ўчириш ҳамда Германияда ишлаб чиқарилган «Драгер» русумли газ ва тутундан ҳимоялаш воситалари берилди.

Ёнғин хавфсизлиги ишлари амалдаги меъёрий ҳужжатлар та-

лаблари асосида ташкиллаштирилган бўлиб, асосий эътибор моддий бойликлар дахлсизлигига эришиш, қурилмалар соз ва бенуқсон ишлашига қаратилган. Ёнғиндан хабарловчи мосламалардан келадиган барча сигналлар компьютер ёрдамида бошқарилиб, назорат қилинади. Сигимларда содир бўладиган ёнғинларни ўчириш мақсадида совутиш тизимлари, сигимларнинг пастки қисмларида эса ёнғин ўчириш автомобиллари ва мўлжалланган қудуқлар ўрнатилган.

Маълумки, шу йил февраль ойида республика ИИБ Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактабининг Сирғали туманидаги ҳудудида ИИБ Ёнғин хавфсизлиги Бош бошқармаси билан ҳамкорликда «Ўта муҳим ва тоифаланган объектлар барқарор ишлашининг асосий омилларидан бири — ёнғин хавфсизлигини таъминлаш» мавзусида семинар-кенгаш бўлиб ўтди. Тадбирда «Муборакнефтьгаз» унитар шўъба корхонасининг мутасад-

ди ходимлари ҳам иштирок этиб, мамлакат иқтисодиётини мустаҳкамлаш, халқ ҳужалиги учун зарур бўлган ўта муҳим ва тоифаланган объектларда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар, бажарилиши лозим бўлган вазифалар билан танишиб қайтдилар. Бу эса келгуси фаолиятта бир қатор ўзгаришлар киритилишига асос бўлди.

Таъкидлаш жоизки, «Жанубий кемачи» кони республикада нефть-газ саноати ресурсининг навбатдаги асосий манбаи ҳисобланади. Шу боис, ушбу муҳим масканда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш гоят катта аҳамиятга эга. Ҳозирги пайтда корхона раҳбарияти ёнғин хавфсизлиги ходимлари билан биргалликда замонавий асбоб-ускуналар ҳамда ёнғиндан хабар берувчи автоматик қурилмалар харид қилишга жиддий эътибор қаратишмоқда.

Умид ТЕШАЕВ,
капитан.

Мамлакатимизда ипак қурти парваришлаш мавсуми давом этмоқда. Давлатимиз иқтисодиёти учун зарур бўлган қимматбаҳо хом ашё — пиллани етиштириш давомида ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этиш жуда муҳимдир. Чунки машаққатли меҳнатлар эвазига етиштирилган ипак толасини қайта ишлаш корхоналарига етказиб беришгача бўлган жараёнда ёнғин чиқиш ҳолатлари хавф солиши мумкин.

ЁНГИНДАН САҚЛАЙЛИК

Ўтган йиллар давомида баъзи фуқароларимиз ипак қурти боқилаётган хоналарни ёнғин хавфсизлиги талабларига мутлақо зид ҳолда қўлбола услубда ясалган ва ҳатто ўтин ўрнига нефть маҳсулотлари ёқиш йўли билан қизитиладиган печлардан хуфёна фойдаланишганини айтиб ўтишимиз лозим.

Иситиш печлари қаттиқ қизилириб юборилиши, қаровсиз қолдирилиши ёки бошқа иситиш мосламаларидан фойдаланишда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этилмаслиги натижасида ёнғин чиқиш ҳолатлари кузатилмоқда. Маълумки, қуртларга берилган тут барглари ўз вақтида олиб ташланмаса, электр сим ва асбоблар носоз бўлса ҳам ёнғин офати содир бўлиб, бунинг натижасида ҳужаликлар, пилла етиштираётган оилалар катта иқтисодий зарар кўришлари мумкин.

Пилла қабул қилиш ва қайта ишлаш корхоналари мавсумга анча илгарироқ тайёргарлик кўришни бошладилар. Тайёр пиллаларни қабул қилишга ҳозирлик кўришда тегишли ташкилотлар раҳбарлари ҳар бир ёнғин чиқиши мумкин бўлган камчиликларнинг тўлиқ баргараф этилишига жиддий ёндашишлари керак. Чунки, заҳматкаш заршунослар томонидан етиштирилган «кумуш тола»нинг келгуси тақдири уларнинг қўлида.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда мавсумнинг кўнгилдагидек ўтиши учун лозим бўлган қуйидаги асосий қоид ва талабларни эслатиб ўтамыз:

- ипак қурти парваришланаётган хонадонларда ҳар эҳтимолга қарши бирламчи ёнғин ўчириш воситалари фойдаланишга шай ҳолда туриши;
- қуртхоналардаги электр сим ва асбоблар назорат кўригидан ўтказилган ва соз ҳолга келтирилган бўлиши;
- таъмирланган ҳамда назорат кўригидан ўтказилган иситиш печлари сўрилардан 1 метрдан яқин бўлмаган масофага ўрнатилиши;
- агарда печ ўрнатилган хоналар пол қисми ёғочдан бўлса, унда печ остига 50 x 70 см кенгликдаги тунука қопланиши;
- печларни назорат қилишни, ўтин қалашни ёш болаларга ишониб топширмаслик керак;
- электр иситишчилардан қуртхоналарни иситиш мақсадида фойдаланмаслик;
- пиллахоналарда бензин, керосин каби тез ёнадиган ёнилғилардан фойдаланишга ва уларни сақлашига йўл қўймаслик;
- электр ёриткичларни (лампочка) ҳимоя қалпоқлари билан таъминлаш ҳамда уларни ёқиқ ҳолда назоратсиз қолдирмаслик лозим.


Пилла қабул қилиш масканлари ва сақлаш пунктлари бирламчи ёнғин ўчириш воситалари билан таъминланган, ҳовуз (ёки сигим) сув билан тўлдирилган бўлиши шарт.

Бино ва қурилмаларнинг ёғоч қисмлари, брезент ва шолчаларини кимёвий суюқлик билан ишлов берилиб тез ёниш хусусияти пасайтирилган бўлишига алоҳида аҳамият бериш керак.

Электр ўтказкичлари қобиклари қаршилиққа чидамлилиқ даражаси махсус лаборатория кўригидан, синовдан ўтказилган бўлиши лозим.

Шуларга асосан ипак тола етиштириш даврини беталофат ўтказиш учун ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш айниқса муҳим аҳамиятга эга эканлигини эслатиб ўтамыз.

Республика ИИБ Ёнғин хавфсизлиги
Бош бошқармаси.



УЧАР АЖДАРЛАР СИРИ

«Учар аждаҳонинг боши думалоқ, узунлиги етти метрдан ошади. У ерга қўнғач, оғзидан олов сочади. Пастлаб учгани учун ердан кўриниб туради». XIX аср охирида Россиянинг Архангельск губерниясида яшовчи одамлар қабристондан учиб келувчи махлукни ана шундай тасвирлаган эди.

Аҳоли учар аждаҳолардан шунчалик қўрқиб қолишган эдики, кечаси ҳатто қабристонлар яқинидан ўтишга ҳам юраклари дов бермасди. Бу ерларни хосиятсиз жойлар деб ҳисоблашарди. Чунки тунлари мазорлардан аланга чиқишини, ҳатто дарахларнинг учларигача ёришиб кетишини узоқдан бўлса ҳам кўриб қолишарди-да.

Одатда учар аждаҳо осмонга кўтарилгач, қишлоқлардан бири томон парвоз қиларди. Яқинда ўлим юз берган уйнинг томига кўнарди. Агар уй эгалари марҳумни йўқлаб ҳамда бало-қазони даф этувчи дуоларни ўқишмаса, махлук том тепасидаги мўри ичига кириб ғойиб бўларди. Шундан сўнг мазкур хонадонда албатта бирор кўнгилсизлик юз берган: ё сигир-пиғири касал бўлган, ё уй бекасининг эси оғиб қолган...

Аммо учар аждаҳо кўпинча яқинда эри қазо қилган тул хотинларникига «ташриф буюрган». Янаям аниқроғи, марҳум эрларини қаттиқ соғинган аёлларнинг уйларини танлаган. Бу ҳақда бир кампир шундай ҳикоя қилади: «Чолим ўлиб, якка ўзим сўпайиб қолдим. Азбаройи ғам-аламдан ўзимни қўярга жой тополмасдим. Айниқса, кечалари қаттиқ қийналардим. Ўша оқшом дераза олдида эримни эслаб, ғамга ботиб ўтиргандим. Шу пайт баногоҳ ташқари

ёришиб кетгандай бўлди. Бирор жойга ўт тушдимикан деб ўйладим. Ҳовлига чиқсам — шундоқ қаршимда чолим турибди. Бошида байрамларда киядиган қора шляпаси, оёғида японги хром этик. Бирга ичкарига кирдик. Узоқ гаплашиб ўтирдик. Шу-шу қачон қаттиқ соғинсам, чолим мендан хабар оладиган одат чиқарди».

Кўриб турганингиздек, эри оламдан ўтганлигини аёл яхши биларди. Лекин баъзан уни қаттиқ қўмсаганида шундай бир руҳий ҳолатга тушадик, марҳум умр йўлдошини тирик кўргандек бўлади.

Фарзанд доғи ҳам аёлларни не кўйларга солмайди, дейсиз. Вятск ўлкасилик аёл эмизикли боласидан айрилиб қолади. Бу жудодикдан қаттиқ қайғуради. Кечасио кундузи жигарпораси хаёлидан нари кетмасди. Кунларнинг бирида уникига оловранг аждаҳо учиб келади. Ерга қўниб, болага айланади. Онаизор йиғи овозини эшитиб ташқарига чиқса — остонада чақалоғи ингалаб ётибди. Аёл болани бағрига олиб ичкарига киради, уни эркалаб — эркалаб эмизади. Шунда чақалоқ тинчланиб ухлаб қолади. Эрталаб тонг ёришганида эса бола кўздан ғойиб бўлади. Бу ҳол эртасига ҳам, индинига ҳам — ҳар кун такрорланадиган бўлди.

... Ёш келинчакнинг сеvimли ёрини армияга олишди. Келинчак эрини соғиниб йиғлаб-сиқтади, адоий тамом бўлди. Бир кеча яна ёрини эслаб, кўз ёши қилиб ўтирса, унинг ўзи уйга кириб келса бўладими. Жувон қувониб кетганидан шошиб-пишиб дастурхон тузди. Ароқ, газак қўйди. Эри

еб-ичиб бўлгач, келинчак: сўради: «Сиз армияда эдингиз-ку! Қандай қилиб уйга келдингиз?» «Мен армиядан қочдим. Шунинг учун келганимни ҳеч кимга айтма», — тайинлади эри.

Бу ҳол бир неча кун такрорланди. Келинчак аввалига қувониб юрди. Кейин ўйланиб қолди. Чунки ҳар кеча эри тўйғунича еб-ичар, эрталаб эса егуликларга ҳам, ичкиликка ҳам қўл теккизилмаган бўларди...

Дастурхондаги неъматлар камаймаганлигини бошқалар ҳам пайқаган.

Ҳодисанинг яна бир қизиқ томони — одамга айланган аждар фақат ғамга ботган она ёки хотинга кўринарди. Бошқа қариндошлар бундан пайқашмасди. Аммо кечаси ёлғиз аёл яшайдиган уйдан тунлари гангир-гунгир овозлар, баъзан эркак кишининг товуши эшитилганига ҳайрон бўлишарди.

Баъзи қишлоқларда бу учар аждаҳолардан аёллар ҳомиладор бўлар экан, деган миш-мишлар ҳам тарқалган. Фақат туғилган болалар узоқ яшамас экан. Айрим доя кампирлар «бу махлукларнинг болалари қопқора, калпагина думли, баъзилари шохли бўлар экан», — деб гап тарқатишди. Шимолий Карпат орти худудидаги қишлоқларда ҳам шунга ўхшаш ривоятлар ориздан-оғизга ўтиб юради.

Пензалаги «Логос» клуби уфологлари бундан ҳам қизиқарли, ҳам кўрқинчли ҳодисаларнинг тағига етишга қарор қилишди. Улар ўз вилоятларида ана шундай худудни аниқлашди. Бу ер уфологик нуқтан назардан аномал зона ҳисобланарди. Яъни радиация даражаси юқори бўлиб, мутант ўсимликлар учраб турарди. Ер ту-

зилиши ҳам ғалати эди — қамишлар олатдагидан кўра тик жарликларнинг тубида — ботқоқликлар ва жилғалар бўйида эмас, негадир тепаликларда ўсарди.

Аммо энг асосийси ер тузилишида эмас. Бу худудда тез-тез, яъни ҳафтасига икки-уч марта осмонда ғалати ёруғ учар жисмлар пайдо бўлиб турарди. Улар ҳамиша бир йўналиш бўйлаб — қабристондан қишлоқ томон парвоз қиларди.

Уфологлар тадқиқотларини уч йил давом эттиришди. Улар маҳаллий аҳоли вакиллари билан суҳбатлашишди, ўша нур таратувчи учар жисмларни суратга олишди. Одамларнинг ҳикояларини қайта-қайта диққат

билан тинглашди. Ўзларининг ҳис-туйғулари, ҳолатларини ҳам қайд қилиб боришди. Шунда қизиқ бир ҳодисани аниқлашди. Яъни ушбу аномал худудда қисқа вақт бўлишларига қарамай ўзларида ҳам ғалати ҳолатлар юз бера бошлаган эди. Масалан, кўзларига шарплар кўрингандай, кулоқларига аллақандай овозлар эшитилгандай туюларди. Асаблари ҳам таранглашиб борарди.

Аномал худуд бу ерда доимий яшайдиган одамларга янаям кучли таъсир кўрсатиши табиий эди. Маҳаллий аҳоли ўртасида сеҳр-жоду билан шуғулланувчилар, туғма табиблар бошқа ерларга қараганда кўпроқ учарди. Одамлар турли ирим-

сиримларга ишонувчан, шубҳа-гумонларга ўта мойил эдилар.

Бу қишлоқларнинг аҳолиси аста-секин тадқиқотчиларга кўникиб қолишди. Улардан ўз сирларини яширмайдиган бўлишди. Жумладан, уйларига оловранг учар аждаҳо ташриф буюрган оилаларнинг аъзолари куйидагиларни гапириб беришди. Уларнинг фикрича, қариндошлари соғиниб, эслайверишгач марҳумларнинг арвоҳлари учар аждаҳо қиёфасида қадрдон маконларига қайтишар экан. Аммо уй аҳлига ҳеч қандай зиён етказишмас экан. Фақат баъзан келганларининг белгиси сифатида тошми-кулми қолдириб кетишаркан...

АЖОЙИБОТЛАР ОРОЛИ

Она сайёрамизда ўзининг бундан минг йиллар аввалги табиатини сақлаб қолган маконлар бармоқ билан санарли. Тасмания ана шундай жойлардан биридир. XIX аср бошларида бу оролга британияликлар 71 минг маҳкумни сургун қилишган эди. Уларга маҳаллий аҳолини қириб, ҳосилдор ерларини, уй-жойларини эгаллаб олишга рухсат берилган. Шунинг учун ҳозирда туб жой аҳолиси сақланиб қолмаган. Тирик қолганлари ҳам европаликлар билан қўшиқиб кетган.



Бу ерда Ер шарининг деярли ҳеч қаерида учрамайдиган жониворлар сақланиб қолган. Халтали каламушлар, сичқонлар, тунги сариқ думли каккулар учраб туради. Ваҳший ҳайвонлардан бўрилар, ёввойи мушуклар кенг тарқалган.

Тасманияда ҳайвонлар милятиқ овозини деярли эшитишмаган, одамлардан чўчишмайди. Шунинг учун Маунт Уильям кўриқхонасидаги кенгурулар кўрқмасдан олдингизга келади. Бургулар бўлса, машинангизга келиб қўнади, бирор ширинлик ёки бошқа егулик билан меҳмон қилганингиздан кейингина учиб кетишади. Пингвинлар ҳам одамларга ўрганган.

Оролнинг ўсимликлар дунёси ҳам ниҳоятда бой. Бу ерда папоротниклар, мохлар, лишайниклар, кўзқоринларнинг қадимий ноёб турлари ҳамон сақланиб қолган. Ҳамиша зангори қўлларнинг, шаршараларнинг гўзаллигини айтмайсизми. Ральф шаршараси Тасманиянинг гавҳари ҳисобланади. Фақат бу ерда бўлсангиз, ўта захарли илонлардан эҳтиёт бўлинг. Орол табиатини асраш мақсадида бу ерда фақат маҳсул жойлардагина гулхан ёқишга рухсат берилди. Сайёҳлар тунаб қолиши учун теварак-атроф кўринишига мос маҳсул кулбалар ҳам қурилган. Тасманияликлар ўз ороллари табиатини асл ҳолида сақлаб қолиш йўлида барча чораларни кўришяпти.

Ойбек ЗОКИРОВ.

Тахририятимизга муштарийларимиз шеърлар юбориб туришади. Наشرларимиз саҳифаларида улардан имкон қадар фойдаланишга ҳаракат қиламиз. Биламиз, ҳаваскорларнинг кўпчилиги шоирликни даъво қилмайди. Лекин уларнинг ҳаммасини ҳам шеър санъати, машқлари юзасидан мутахассис билдирадиган фикр-мулоҳазалар қизиқтирса керак. Шу мақсадда шеърлардан бир дасмасини шоира Шаҳрибону Нозиловага бериб, фикр-мулоҳазаларини билдиришни илтимос қилдик. Куйида ана шу тақризни эътиборингизга ҳавола этаймиз.

Ижод аҳлини кимларга ўхшатишмайди? У гадо, у мажнун, у девона... У тоза қалб эгаси, муҳаббат гадоси, ёрнинг мажнуни, Тоҳирнинг Зухроси, у Ватанининг мард ўғлони, у шунчаки юрагидаги туйғуларни ўзида яширолмай, оҳистагина қоғозга тўкаётган шоирдир, холос...

Болалигимда дадам бизларни табиат кўйинга олиб чиқиб, унинг гўзаллигини таърифлаб кетардилар, биз эса улар ишора қилган томонларга ҳайрат ичра боқиб, тинглардик. Ўша бетакрор гўзал манзарани кўп эслаيمان, мени бир савол ўйлантиради, шеър ўзи нима, унинг ватани қаер? Шеър бу ҳайратми-кан? Куз ёмғири каби ёқимли шитирлаган сасдир у, ёхуд баҳорнинг қиқирлаган овозига монанд сойларнинг шўхлигидир у? Қизларнинг қалдирғоч қошларидан ўзини кўз-кўз қилиб турган ҳийлагар ўсмандир у, мард йигитлар белидаги белбоғми-кан ё, ёки чақалоқни ёмон кўзлардан асрагуччи бешик тагидаги пичоқмикан у? Нима бўлганда ҳам у тугилдиган жой юрак бўлса керак. Инсон боласи қувонганда ҳам, ғам дарёсига ғарқ бўлганда ҳам кўз ёши тўқади. Бу тоза жилға ҳам кўздан эмас, юрак тубидан булоқ каби сизиб чиқади. Шеър нима ўзи? Хоҳишми, эҳтиёжми, ўзлигини намоён этишми, ўзини англашми ёхуд? Шоирликка даъвогар кишининг кўнглида кир бўлмайди. Шеър бу она кўксидан сизиб чиқаётган сут каби тоза ва муқаддас битикдир.

Сиз, азиз муштарийлардан келаётган шеърлар чаманзорига кирибоқ турли хил гул ифорларидан маст бўламан. Ҳар бирининг ўз ранги-сиёҳи, ифори бор. Гарчи уларни мукамал шеър деб айтолмасам-да, лекин улардаги ҳислар, туйғулар, армон ва эҳтирослар ҳеч кимни бефарқ қолдиrolмайди.

Шеърда ҳамма ўз гапини турли қиёфада, ўлчамда, кўринишда намоён этади. Гулшоода Курбонова ўз фикрларини табиат манзаралари орқали ифодалайди. «Олча» шеърда ёр ишқиди куяётган маъшуқа ўз ҳисларини олча «қулоғи»га шивирлайди. «Шу кўчада бир ёр бор, оромим ўғирлаган. Келармикан қошимга, Кёл очайлик фол, олча». Шоира кўзидаги маржон ёшлар ишқ туфайли тўкилади, у эса нолимайди, аксинча:

**Ҳижрон ўтин алангаси
Юрагимда чақнайди.
Кўз ёшим бор яхшиям,
Ёнмоқликдан асрайди,**

дейди. Бироқ чақнайди-асрайди бир-бирига қофиядош сўзлар эмас. Аксарият шеърларда Ватанга бўлган чин муҳаббат, дўстга садоқат, ёр ишқи тараннум этилади. Лекин юртни тараннум этиш учун баъзан биргина сатрнинг ўзи ҳам кифоя этиши мумкин. Биргина сўзда Ватан тасвири кўриниши мумкин. Нусратилло Одилов шеърларида ватан-


парварлик руҳи сезилади. Лекин баъзида улардаги таъриф зерикарли чиқиб, ноёб, «ярқ» этган сатрни учратиш кийин, сўзлар ҳам назаримда кўпинча ўз маъносиди қўлланилмаган. Масалан, «Ватан илдизи» шеърда

**Меҳрибон ҳам мағрур
ватан илдизи,
Онамсан, доямсан
истиқлол қизи.**

Ватан илдизи чуқур бўлиши мумкиндир, лекин меҳрибон ва мағрурлик бу ерда ўз ўрнида қўлланилмаган, назаримда. Шунингдек, «доя» ҳам туғруқ қабул қиладиган аёл бўлганлиги боис, сатрда фикр ғализлигига йўл қўйилган. Худди шундай «Ўғлон шаъни» шеърда ҳам «Меҳри диёнатта мудом тўлғонгинам» каби ноўрин ишлатилган сўзлар учрайди.

Нусрат Одилов дунёдаги яхши ва ёмонлик, иймон ва инсоф, диёнат ҳақида фикрлайди, замондошлари портретини чизишга ҳаракат қилади. Шеърларида шундай сатрлар ҳам учраб қолади. «Миннатни билмаган сабрлари кўп» «Тер тўқади далада ёғса ҳамки тош»...

ҲАЁТНИНГ ЮРАКДАГИ ИНЪИКОСИДИР ШЕЪР



«Илдизи маҳкам эл арзон бўлмайди, Ўзгалар кўлида арқон бўлмайди». «Шифо тилаб малҳам берган мор бўлсин» деган чиройли ўхшатишлар ҳам қўллайди.

Мирхон Мираҳмедовнинг «Тақдири азал» шеърда ориятли йигит тилидан сўз айтилган. У икки ўт орасида ўртанмоқда. У она сўзини икки қилолмайди, лекин севган кизидан ҳам воз кечгиси йўқ. Қаранг-а, шеър сўнгига қараб воқеа нима билан яқунланаркан дея кутасан. Йигит ушбу вазиятдан қандай чиқиб кета оларкин деган савол сизни қизиқтириб қўяди. Алал оқибат она ҳам, йигит ҳам бир қиз ҳақида гапиришгани чиройли бир эртатка ўхшаб кетади. «Ёришиб кетди-қоришиб кетди», «бироз-эътироз» каби чиройли, тўқ қофиялар ҳам учрайди.

Бозорбой Бобоев «Ҳаёт фалсафаси» номли тўртликларида одамларни яхшиликка, эзгуликка чорлайди.

**Кўрпанга қараб узатгин оёқ,
Аслинг ўзгартирмас сохталик, бўёқ,
Юрагинг пок бўлса, гар қалбинг тоза
Ғанимлар номинга туширолмас доғ.**

Эркинбой Рўзиевнинг «Ватан» деб номланган шеърда самимиётга йўғрилган сатрлар бор, оддий бир ўғлон қалбидаги буюк туйғу — Ватанга муҳаббат ўтли сатрларда ифодаланган. Қофиялар тўлиқ, ҳар тўртлик сўнгига қайтариладиган радиф шеърга чиройли бир оҳанг бағишлаган.

**Сенинг учун садоқатли ўғлон бўлай,
жон Ватан,
Тинчлигингни сақлаш учун қалқон бўлай,
жон Ватан.**

Фарғоналик Зарина Ниёзованинг мактуби кишини ҳаяжонга солиб юборади. Ҳатто отасидан сир тутган фикрларини қоғозга тўкиб, дил инжулари,

шеърлари билан тахририятга юборгани бизни қувонтирди.

Ҳақиқатдан ҳам, муҳаббатта ошно юракка ёмонлик сизмайди. У осмонда учаётган қушчадек беозор бўлади. Заринанинг юрагида ғунча очган ишқ унинг кўлига қалам тутқазган, покиза хаёлларга ошно этган.

**Бу кун юрагимдан тўкилмоқда ёш,
Қанчалар мағрурким эгилади бош.
Қалбимни ёндирган мангу бир оташ—
Ваъдаларингизга вафолар қани?**

Заринанинг сатрларида самимиёт бор, у юрагида борини қоғозга тўқади: **Тонгларда шамоллар эсганда майин,
Гулларнинг бошига қўнса атайин,
Унга-да юзимни тутганим сайин,
Шамолга ҳавасим ортади шу он.**

Қаламкаш булутларга мамнун боқадди, ҳаммага бирдек зиё улашгучи бағри кенг қуёшга ҳавасланади, фақирлигини ҳис этган бокира қиз онасига ҳавас билан қарайди.

**Дунёда ҳаваслар бўлсин бокира,
Ҳали бу кўнглимда ҳавас бир жаҳон.
Қиз юрагидаги алам табиат билан
ҳамоҳанг бўлиб кетгандек гўё:
Лолазор ҳасратим эшитган чоғи,
Қон йиғлаб қирмизи бўлди яноғи.**

МУАЛЛИФ ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ:

Шаҳрибону Нозилова 1974 йилда Тошкент шаҳрида тугилган. 1996 йилда Ўзбекистон Миллий университетининг ўзбек филологияси факультетини тамомлаган. Шоиранинг «Таниш сўқмоқлар», «Лаҳзадаги мангулик» номли шеърый тўпламлари чоп этилган.

Шоирнинг «Қасамёд» шеъри ҳам ўзига хос бир қасамёд бўлибди.

**Сенинг ишқинг
Агарда бир дам
Кўксим узра
Урмас экан жўш.
Унда қалбим
Қалб эмас ҳеч ҳам,
Унда қалбим фақат
Парча гўшт...**

Беги Дўст тахаллуси билан шеърлар битган Бекмурод Усмоновнинг ҳам ўзига хос услуби бор. Унинг «Элим деган инсонни эл улуғлайди!» сарлавҳали шеърда куйланганидек:

**Тўй берганда эшигидан кулиб келар,
— Ўғлим, болам, фарзандим,
— деб суйиб келар.
Ғамга ботсанг ўз-ўзидан билиб келар,
— Элим! — деган инсонларни**

эл қўллайди.

Беги Дўст шеърларида яхшилик, инсофдиёнат тараннум этилади, нафсга берилмаслик, ҳақиқатгўй ва ҳалол бўлишлик уқтирилади. Унинг яна бир шеъри «Онам» деб номлангандир. У бу шеърда ўз онасини четдан туриб кузатаётган ўғил сифатида намоён бўлади.

Аёл-онанинг садоқати, меҳнатсеварлиги бирма-бир таърифланиб келинади. Шеър ўқиётганда ўқувчи беихтиёр ҳамма аёллар

Халқ оҳангида ёзилган «Сўранг мени» шеърда қиз кўнглидаги ҳислар чиройли ифодаланган:

**Майли оппоқ булутларга
Айланса дил дафтарларим.
Дил сўзимни сизга олиб
Учиб борар каптарларим...
Сўранг мени баҳорлардан
Тополмасдан дилхун бўлманг,
Ишққа зор, иттизорлардан
Сўранг мени ёр-ёрлардан...**

Яна бир шоира Юлдуз Ҳакимова қиш сувратини сўз билан шундай моҳирона чизганки, у шундоққина кўз ўнгингизда намоён бўлади:

**Қиш...
Унинг сувратини чизмоқлик учун,
Жуда ҳам озгина фурсат кифоя.
Бир ҳовуч оппоқ қор, озгина совуқ,
Яланғоч дарахтлар, булутли осмон.
Ва яна баҳорни кўриб, соғиниб,
Шоҳда ухлайётган қушча ниҳоят.**

Буюк шоирлар ғазалларига мухаммас ёзишга ҳамма ҳам қўл уравермайди. Бунинг учун кишидан истеъдод, шеърый қонуниятлар ҳақида мукамал билим, катта сўз бойлиги талаб этилади. Абдумалик Исомиддин Эркин Воҳидовнинг машҳур «Дўст билан обод уйинг» ғазалига мухаммас битган. Тўғриси, у жуда чиройли чиққан, қофиялар тўлиқ, бўгин, туроқлар бир-бирига тенг, маъно ҳам тугал.

**Ҳеч қачон дўстсиз яшолмас шоҳ ҳам,
девона ҳам,
Келмаса кўнгли яқинлар яшнамас
тўйхона ҳам,
Мард ошно бирла кулгай бахт ҳам,
даврона ҳам,
Дўст билан обод уйинг,
гар бўлса у вайрона ҳам,
Дўст қадам қўймас эса,
вайронадир кошона ҳам.**

қиладиган иш, юмушлар нега бирма-бир саналаётган экан деган ўйга боради. Шеър сўнгига ҳақиқий шарқ аёлининг фидойилиги, меҳрибонлиги намоён бўлади. У ҳечам нолимайди. Бори-га шукур қилади. Мана шундай оналардан бунёд бўлган халқнинг ҳам меҳнатсеварлиги бежиз эмас. Шеър кишида мана шундай фикрлар уйғотади.

**Ярим тун, эртанги юмушни ўйлаб,
Ёстиққа бош қўйиб тин олди бир дам.
— Бахтимдан ўрилай, «Айирма эгам!
Даб дуо қилади-да, ухлайди онам.
Тонг отмай уйқудан уйғонди яна...**

Шунингдек, Муҳаммад Бобоевнинг «Адашганларга» номли шеърда ҳам ватанпарварлик руҳи сезилади. Лекин бирон бир чиройли ўхшатишлар, «теша тегмаган» қофияларни учратиш кийин. Фикр ҳам жуда жўн. Худди шундай Муъяссар Раҳмонованинг «Сизни эслаб» шеърда ҳам бўгинлар ҳар хил бўлиб кетган, вазн бузилган, қофиялар умуман йўқ, фикрий ғализликлар кўп учрайди. Бадиий жиҳатдан ҳам шеър савияси паст.

**Одил инсон фарзандисиз ҳамма билар,
Одил ота номига ҳам асли мансуб.
Лекин нега шошилдингиз ота томон
Авидо деб қолавердик биз сизларга.**

Шеърнинг ватани кўнгли. У тоза инжу каби, уммон қаърида, чиганок ичида дунёга келадиган дур мисолидир. Шунингдек, у ҳаётнинг юракдаги акси ҳамдир. Барибир шеър ёзадиган кишига қийин, у юрагини парчалаб ижод қилади. Мен ўз юрак кўрларини бизга ишониб юборган сиз, азиз муштарийларга миннатдорчилик билдираман. Истагим қалб наволарингизнинг парвози бундан-да баланд бўлаверсин.

Шаҳрибону НОЗИЛОВА.



РОСТДА TV

ҲАФТАЛИК ТЕЛЕДАСТУРЛАР

НТВ, душанба

21.40 «ТИМСОҲ ОВЛОВЧИ: ОЛИШУВ» («ОХОТНИК НА КРОКОДИЛОВ: СХВАТКА»)

Табиатшунос-тадқиқотчилар Стив Ирвин ва Терри Ирвин жониворларни тутиб, хавфсиз жойга кўчириш учун Австралия бўйлаб кезиб юришади. Бир куни улар улкан тимсоҳни тутишади. Аммо билишмайдики, бу баҳайбат махлуқ бир гал очликка бардош беролмай ўта махфий сунъий йўлдошнинг радиомаёқини ютиб юборган...

Ролларда: Стив Ирвин, Терри Ирвин, Магда Жубански.



СТС, сешанба

22.30 «ЖАЛА» («ЛИВЕНЬ»)

Осмон қовоғини уйиб, кичкина шаҳарда роса жала ёғди. Бу ҳам етмаганидек, Индиана дарёси тошиб, шаҳарчани сув босди. Табиий офат оғир оқибатларга олиб келиши мумкин. Ана шундай фавқулодда бир вазиятда инкассатор Чарли ва унинг жияни Томга қирғоқ яқинида жойлашган банклардаги пулларни хавфсиз худудга олиб ўтиш вазифаси топширилади.

Ролларда: Морган Фриман, Кристиан Слейтер.




НТВ, чоршанба
21.40 «КАФФС»

Сан-Франциско шаҳрилик ёш йигит Жорж Каффс ишдан бўшатиб юборишади. Бунинг устига унинг ёнида ҳемириса ҳам қолмайди. Бутун умиди хусусий кўриқлаш агентлигига раҳбарлик қиладиган акасида.

Аммо акасини ёлланма қотил Кейн отиб ўлдиради. Жорж унинг ўрнини эгаллайди. Бу баъзи бир рақобатчиларга умуман ёқмайди...

Ролларда: Тони Голдвин, Милла Йовович.



ДТВ, пайшанба

23.05 «КИКБОКСЧИ-5» («КИКБОКСЕР-5»)

Кикбоксинг бўйича чемпион Мэтт Ривз дўстининг ўлдирилишига гувоҳ бўлади. Жиноят ишини тергов қилиш жараёнида у Жанубий Африкалик жаноб Нигал деган кимса кикбоксинг бўйича

янги уюшма тузганлигидан хабар топади. Фақат бу уюшмада халқаро мусобақалар ғолибларига жой йўқ эди, совринлар эса пул эвазига тақсимланарди.

Ролларда: Марк Дакаскас, Жеймс Райан, Жеф Мид.

ТВ 3, пайшанба

22.00 «ИЧКИ СЕЗГИ» («ИНТУИЦИЯ»)

Полициячи Жек Барнес автохалокатга учраб, клиник ўлимни бошидан кечиради. Тез орада соғайиб, яна хизматга қайтади. Кўп ўтмай тушида зилзила юз берганини кўради. Туши ўнгидан келганида, бунинг тасодифга йўяди. Аммо поезд халокати билан боғлиқ туши ҳам тўғри чиққач, ғайритабиий қобилиятга эга эканлигига ишонч ҳосил қилади.

Ролларда: Каспер Ван Дьен, Катрин Оксенберг.



«Россия», жума

20.05 «БУНИ ТАХЛИЛ ҚИЛ» («АНАЛИЗИРУЙ ЭТО»)

Нью-Йорк мафияси етакчиси Полнинг асаблари ниҳоятда чарчаган. Федералтергов бюроси таъқиби, рақобатчиларининг суиқасд уюштиришга уринишлари, кўз олдида ўлдирилган отаси ҳақида хотиралари – буларнинг барчаси Полни ваҳимага солиб қўяди. У тез-тез тажангашади, бақириб-чақиради, ҳатто йиғлоқи бўлиб қолади. Гангстерлар ўз хўжайинларига қандай ёрдам беришни билмай ҳайрон...

Ролларда: Роберт Де Ниро, Билли Кристал, Лиза Кудроу.



ДТВ, шанба

2.00 «АЙБСИЗ» («НЕВИНОВНЫЙ»)

Омади чопган авиация муҳандиси Жими Рэйнвуднинг ҳаёти аллақачон бир маромга тушиб бўлган. Аммо аҳвол кутилмаганда ўзгаради. Жимини ёлгон айбловга асосланиб қамашади. Коррупцияга берилган икки полициячи унинг келажигига болта уришади. Қамокхонада Рэйнвуд не-не қийинчиликларни бошидан ўтказди...

Ролларда: Том Селлек, Ф. Мюррей Абрахам.



ТНТ, якшанба

1.25 «ҲАРОМ ПУЛЛАР» («ЛЕГКИЕ ДЕНЬГИ»)

Икки дўст тил бириктириб, пул ортилган поездни талашади. Миллион долларни ўмариб, полициячилар таъқибидан кутилиб кетишга муваффақ бўлишади. Энди миллионерлардек яшай бошлашади. Аммо ўзининг жиноий ўтмишини яшириш қийин экан. Айниқса, қайнотанг ҳаммани панжара ортига тикишга тайёр қамокхона бошлиғи бўлса...

Ролларда: Марлон Брандо, Мартин Шин, Мира Сорвино.

«Ўзбекистон» телеканал

14.55 Кўрсатувлар дастури.
15.00 «Таҳлилнома».
15.45 «Йигит кўнгли».
«Болалар сайёраси».
16.50 «Эртақлар - яхшиликка етаклар».
17.00 «Ахборот».
17.15 Олтин мерос.
17.25 «Равнақ» студияси намоиш этади.
17.45 «Меҳр қолур».
18.05 «Оҳанглар оғушида».
18.15 «Меҳробдан чаён». Видеофильм, 1-қисм.
19.00 «Аъло ўйинчи». Телелотерея.
19.20 Биржа ва банк хабарлари.
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.05 «Омон бўлинг!»
20.10 «Ишқ эртаги».
21.00 «Ахборот».
21.40 Олтин мерос.
22.00 «Йигит кўнгли».
23.10 «Кўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш)
23.20 «Олам ва одам» дастури: «Япониянинг ёввойи табиати».
23.45-23.50 Тунги наволар.

«Ёшлар»**телеканал**

16.00 Давр.
16.15 Болажон.
16.20 «Финист - сарлочин». Бадиий фильм.
17.40 Ёшлар овози.
17.55 Билганингиз фойда.
18.10 Олий лига кундалиги.
18.25 Ёшлик наволари.
18.45 UzEX хабарлари.
18.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.45 UzEX хабарлари (инглиз тилида)
20.00 Спорт-лото.
20.10 Мусиқий лаҳзалар.
20.30 Ракурс.
20.45 UzEX хабарлари (рус тилида)
21.00 Оқшом таронаси.
21.15 Паловхонтўра!
21.55 Иқлим.
22.00 Давр.
22.40 Мусиқий лаҳза.
22.45 «YOSHLAR» да спорт дастури: Интерфутбол.
0.25 - 0.30 Орзулар бекати.

«Тошкент»**телеканал**

18.10 Кўрсатувлар тартиби.
18.20, 21.15 «Экспресс» телегазетаси.
18.30 «Пойтахт». (рус).
18.50, 20.20, 21.45 «ТВ анонс».
18.55 «Болажонлар экрани».

19.10 «Бир жуфт аския».
19.15 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
19.45 2006 йил «Ҳомийлар ва шифокорлар йили»:
«Саломат бўлинг».
20.00 «Пойтахт».
20.25 «Камила». Теле-сериал.
20.45, 21.50 «Телекурьер маркет».
20.55 «Тв юрист».
21.00 «Оқшом наволари».
21.25 «Журналист таҳлили».
22.00 «Муҳаббат тилсими». Бадиий фильм.
23.15 -23.20 «Хайрли тун, шахрим».

«Sport»**телеканал**

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Версия». Информационно-аналитическая программа.
8.30 «Шоввозлар». Мультсериал.
9.00 «Талқин». Информационно-таҳлилий кўрсатув.
9.30 «Талисман». Сериал.
10.10-11.00 «Охотники за неизвестными животными». Док. фильм. ***

«SPORT». ТЕЛЕКАНАЛИ.
18.00 «Болалар спорти».
18.15 Мини футбол. Осиё чемпионати олдидан.
18.30 «Хабарлар» (Рус тилида)
18.50 «Жди меня».
20.00 «Вести».
20.30 «Спортимиз маликалари».
20.50 «Футбол шарҳи».
21.15 «Тет-а-тет».
21.30 «Хабарлар».
21.50 «Девять месяцев». Сериал.
22.40 «Проф-РИНГ».
23.30 «Еврофутбол». Испания чемпионати.
1.00 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-й канал

16.55 Открытие программы
17.00 Х/Ф «Звездные войны»
17.40 Мусиқий лаҳзалар
18.00 «Кассандра», сериал
18.45 «Мозийдан садо»
19.00 Ошиқона
19.45, 21.45 Телехамкор
20.00, 21.55 Мусиқий табассум
21.00 «София, менга имкон бер», сериал
22.25 «НТТ ижтимоий лойиҳалари»
22.30 «Қашқирлар макони», сериал
23.10 Эстрада оҳанглари

«Первый»

5.00 «Доброе утро»
8.00, 11.00, 14.00, 17.00, 22.40, 2.00, 4.00 Новости
8.05 «Убойная сила». Фильм.
9.20 «Детективы»
9.50 «Малахов + Малахов»
11.10 «Сверхвозможности человека»
12.00 «Александровский сад». Фильм
14.10 «Без комплексов»
15.00 Сериал «Талисман»
16.00 «Федеральный судья»
17.10 «Вне закона»
17.40 «Любовь как любовь». Фильм
18.50 Жди меня
20.00 Время
20.30 «Александровский сад». Фильм
21.30 «Рабство по контракту». Док. фильм
23.00 Теория невероятности
23.50 «Гении и злодеи»
0.20 Комедия «Парень из кальция»
1.50 Фильм «Воспоминания»
3.40 «Наполеон». Док. фильм

«Россия»

4:00 «Доброе утро, Россия!».
7:45 Фильм «Попса»
10:00, 12:45, 16:00, 18:40, 23:10, 3:40 ВЕСТИ.
10:50 «Комната смеха».
11:45 «Частная жизнь»
13:40 Детектив «Лекарство против страха»
15:25 «Смехопанорама»
16:40 «Обреченная звезда». Телесериал.
17:40 Сериал «Волчица».
20:00 «Спокойной ночи, малыши!».
20:10 Сериал «Три полуграции»
21:10 «Александр Каверзнев. Афганский капкан».
22:10 Сериал «Коллекция»
23:30 «Честный детектив»
0:00 «Синемания».
0:30 «Дорожный патруль».
0:45 Фильм «Каскадеры»
5.10 «Время - деньги».

ТНТ

6.00 «Неизвестная плане-
та»
6.25, 12.05 Мультфильмы.
7.20 «Антология юмора»
8.10 «Каламбур»
8.35 «Фигли-Мигли»
9.00 «Хит-парад дикой
природы»
10.00 «НУЖЕН ПСИХИ-
АТР». Комедия
12.30 Такси.
13.00 «Код да Винчи». До-
кументальный фильм
14.00, 1.25 ОФИС
15.00, 20.00, 22.00 «Дом-
2»
16.00 «Клуб бывших жен»
17.00 «Дикие дети»
18.00 Такси.
18.30 «Деревня дураков»
19.00 «Необъяснимо, но
факт»
21.00 Комеди Клуб.
22.30 «Секс»

23.00 «Настоящий мужчи-
на»
0.00 «Секс как наука»
1.05 Наши песни.
2.25 «НУЖЕН ПСИХИАТР».
Комедия

СТС

7.00 «СКАЧОК ВО ВРЕМЕ-
НИ». Худ. фильм
8.50 Мультфильмы
10.00 «Улицы Сезам».
13.00 «Самый умный»
15.00 «Кино в деталях»
16.00 «Лабиринты мозга»
17.00 Истории в деталях.
17.30 «УЛИЦЫ РАЗБИТЫХ
ФОНАРЕЙ». Фильм «МОЛЬ
БЛЕДНАЯ».
18.40 Кино «БАГРОВЫЕ
РЕКИ».
20.50 «МОЯ ПРЕКРАСНАЯ
НЯНЯ».
22.00 Кино «ДЕТИ-ШПИО
НЫ».
23.55 «Хорошие шутки»
1.55 Кино «ЦЫПЛЕНОК В
УКСУСЕ».
3.55 Кино «КОРПОРА-
ЦИЯ».
5.30 Музыка

7 ТВ

6.00, 9.30 Назло рекор-
дам.
6.10 Каратэ. Кубок губер-
натора Московской обла-
сти. Международный тур-
нир.
7.00, 8.00 Веселые стар-
ты.
9.00 Мультфильмы.
9.40, 4.00 Музыкальный
трек.
10.00 «220 вольт».
10.10 «ГОСПОЖА ПОБЕ-
ДА». Телесериал.
11.00, 22.00 Бега и скач-
ки.
11.30, 24.00 Планета ры-
бака.
12.00 Спортивные танцы.
Международный турнир
высшей категории № 3.
13.00, 19.30 F-1. Ретро.
14.00, 18.00, 23.00 7 дней
спорта.
14.10, 19.15, 22.30
AutoFashion.
14.30 Формула BMW. Этап
№ 4. Гонка № 1. Прямая
трансляция из Ошерсле-
бена (Германия).
15.10 Евросерия F-3. Этап
№ 3. Гонка № 1. Прямая
трансляция из Ошерсле-
бена (Германия).
16.10, 22.40 Звезда авто-
страды.
16.30 Гонки из серии ДТМ.
Этап № 3. Квалификация.
Прямая трансляция из
Ошерслебена (Германия).
17.30, 20.30, 2.00
«Motorsport Mundial». Жур-
нал мирового автоспорта.
18.10 Бешеные колеса.
18.30 Кубок Volkswagen
Polo. Этап №4. Прямая
трансляция из Ошерсле-
бена (Германия).
21.00 Rally (Racing) Action.
23.10 NBA Live!
23.30 Gillette World Sport.
0.30 Total регби.
1.00, 5.00 Магия оружия.
1.10, 5.10 Покер.
3.00 Ле-Ман: историчес-
кая гонка.
4.10 Футзал. «Зоркий»
(Красногорск) - «Динамо-
2» (Москва).

«Узбекистон» телеканалли

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.40 «Олтин мерос».
8.50 «Камалак» экрани.
9.40 «Саломатлик сирлари».
10.00 «Ватанпарвар».
11.05 «Қалпоқ». Ҳажвий кўрсатув.
11.35 «Кўхна оҳанглар». Насиба Сатторова.
12.05 «Меҳр қолур».
12.25 «50x50». Ток-шоу.
13.15 Ватан ҳақида кўшиқлар.
13.30 «Устаси фаранг». Бадиий фильм.
15.45 «Қизлар давраси». «Болалар сайёраси»:
16.55 1. «Олтин тоғ». Телеуйин. 2. «Жасур кийикча». Мультфильм.
17.55 «Ҳамон ёдимда.»
18.15 «Оҳанглар оғушида».
18.25 «Оталар сўзи - ақлнинг кўзи».
19.25, 20.00, 20.55, 21.40 Эълонлар.
19.30 «Таҳлилнома» (рус тилида)
20.05 «Оддий ҳақиқатлар».
21.00 «Таҳлилнома».
21.45 Олтин мерос.
21.50 «Заковат».
22.45 «CINEMA.UZ».
23.05 «Кўшигимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш)
23.15 «Орзулар изтироби». Бадиий фильм.
00.50-00.55 Тунги наволар.

«Ёшлар» телеканалли

6.00 «ЯНГИ ТОНГ». Ахборот дам олиш дастури.
8.10 Хуш келибсиз!
8.40 «Ханда» ижодий гуруҳи тақдим этади: «Кўшқулоқ».
9.00 Кинотақдим.
9.20 «Камолот» хабарлари.
9.35 Аждодлар садоси.
9.40 Миллий манфаатлар.
10.15 «Канонир Доласнинг саргузаштлари». Бадиий фильм. 1-қисм.
11.55 Яқшанба нонуштаси.
12.25 «Канонир Доласнинг саргузаштлари». Бадиий фильм. 2-қисм.
14.00 «ЯНГИ КУН».
15.00 Давр спорти.
15.15 Ринг кироллари.
16.05 Чемпион сирлари.
16.35 Болалар экрани: Яхши ишлар бюроси.
16.55 «Камалак-2006».
18.15 «Joutai» (инглиз тилида)
18.35 Ёшлар куйлаганда.
18.55 Иқлим.
19.00 «Давр» ҳафта ичида.
19.45 Телепортрет.
20.10 Юртим юраги.
20.20 Кўнгил таронаси.
20.45 «Қилни қирқ ёриб». Интеллектуал ўйин.
21.50 CINEMANIYA.
22.10 «YOSHLAR» да премьераси: «Севги фазоси». Бадиий фильм.
23.55 - 0.00 Орзулар бекати.

«Тошкент» телеканалли

«8.00-13.00 «гача кўнгилочар информацион мусиқий дастур».
18.10 Кўрсатувлар тартиби.
18.20, 19.50 «Экспресс» телегазетаси.
18.30, 21.15 «Тв анонс».
18.35 Болажонлар экрани.
18.50 «Кино олами». (рус).
19.05, 21.20 «Телекурьер маркет».
19.15 «Табриклаймиз-кутлаймиз».
19.45 «ТВ юрист».
20.00 «Журналист таҳлили».
20.20 «Дадил қадамлар».
20.30 «Туризм ҳақида». (рус).
21.00 «Оқшом наволари».
21.30 «Сиз кутган учрашув».
21.55 «Эътироз». Бадиий фильм премьераси. 2-қисм. (Хиндистон).
23.15-23.20 Хайрли тун, шахрим».

«Sport» телеканалли

7.30 «Хабарлар».
7.50 «Бодрое утро».
8.50 «Хабарлар» (Рус тилида)
9.10 «Непутевые заметки».
9.30 «Пока все дома».
10.30 «Кувноқ стартлар».
11.10 Воскресный «Ералаш».
11.40 «Ракибингиз гросмейстер».
12.00 Мини футбол. Осиё Чемпионати. «Эрон» - «Туркменистон». Тўғридан - тўғри олиб кўрсатилади.
13.20 «Аптека слушает».
14.05 -14.55 «ПРОФРИНГ».

«SPORT». ТЕЛЕКАНАЛИ.
18.00 Мини футбол. Осиё Чемпионати. «Қирғизистон» - «Австралия». Тўғридан - тўғри олиб кўрсатилади.
19.30 «Версия». Информационно-аналитическая программа.
20.00 «ВЕСТИ».
20.20 «Тайм аут».
20.40 «Спорт уик-энд». Дам олиш дастури.
21.30 «Талкин». Информацион-таҳлилий кўрсатув.
22.00 «Ровесник».
22.20 «Мой ласковый и нежный зверь». Худ фильм.
00.05 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Пахтакор» - «Насаф».
1.35 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-й канал

9.05, 11.00, 16.45, 19.00 Телехамкор
9.20, 14.50, 16.15 Детский час
9.50, 17.00 Мультфильмы
11.15 Х/ф «Один дома 3»
12.45, 20.30, 21.45 Мусикий табассум
13.00 «Теле-экспромт»
13.20 «Хит-парад плюс»
14.20 «Шоу-бизнес янгликлари»
15.20 Аёллар орзуси
15.50 Хикоя
18.20 Мусикий лаҳзалар
18.30 «Сўғдиёна»
19.15 Ошиқона
20.00 «30-й кадр»
21.00 «Яқшанба оқшомида»
22.10 Х/ф «Афера Томаса Крауна»

«Первый»

5.00, 9.00, 11.00 Новости
5.20 Фильм «Дочки-матери»
7.20 Служу Отчизне!
7.50 Дисней-клуб
8.20 «Умницы и умники»
9.10 «Непутевые заметки»
9.30 Пока все дома
10.30 Премьера. «Фазенда»
11.10 «Ералаш»
11.40 Мультфильм
11.50 Живой мир
12.50 «КВН - 2006»
15.10 «Империя»
16.10 «Евгений Мартынов. Заговор судьбы»
17.00 Времена
17.50 «Короткое лето Жени Белоусова». Док. фильм
19.00 «Кто хочет стать миллионером?»
20.00 «Время»
20.45 «Евровидение-2006»
23.50 Бокс. Бои сильнейших профессионалов мира. Сергей Ляхович - Лаймон Брюстер
0.50 Суперчеловек
1.50 Детектив «Коломбо сеет панику»
3.40 Сериал «Убойный отдел»

«Россия»

4:45 Фильм «Оглянись»
6:25 «Здоровье».
6:35 «Сельский час».
7:00, 10:00, 13:00 ВЕСТИ.
7:20 «Русское лото»
7:30 Мультфильм.
7:50 Комедия «Последнее дело Вареного»
9:30 «Утренняя почта»
10:20 «Городок»
10:55 «Сам себе режиссер».
11:45 Смехопанорама
12:15 «Парламентский час».
13:20 «Фитиль № 87»
14:10 «Великолепная восьмерка».
14:50 «В «Городке».
15:00 Комедия «Слушатель»
17:00 «Смеяться разрешается»
19:00 «ВЕСТИ НЕДЕЛИ»
20:00 Праздничный концерт, посвященный 15-летию радио и телевидения России.
22:50 Фильм «Трудная мишень»
0:45 «Национальный интерес»
1:40 Сериал «Прочная сеть-2»
3:15 «Евроныйос»

НТВ

4:40 Комедия «ОДИННАДЦАТЬ ДРУЗЕЙ ОУШЕНА»
6:30 «СКАЗКИ БАЖЕНОВА»
7:00, 9:00, 12:00, 15:00, 18:00, 21:00 «СЕГОДНЯ»
7:15 «РАСТИТЕЛЬНАЯ ЖИЗНЬ»
7:50 «ИХ НРАВЫ»
8:20 «ЕДИМ ДОМА!»
9:20 «ТОР ГЕАР».
9:55 «ЦЕНА УДАЧИ»
10:50 «СЧАСТЛИВЫЙ РЕЙС»
12:25 «СТИХИЯ»
13:00 Детектив «ОГАРЕВА, 6»
15:20 «ОДИН ДЕНЬ. НОВАЯ ВЕРСИЯ»
15:55 «СВОЯ ИГРА»
16:55 Сериал «МАРШ ТУРЕЦКОГО»
18:55 «ЧИСТОСЕРДЕЧНОЕ ПРИЗНАНИЕ».
19:30 «ЧРЕЗВЫЧАЙНОЕ ПРОИСШЕСТВИЕ»

19:55 Сериал «СЫЩИКИ-5»
21:00 «ВОСКРЕСНЫЙ ВЕЧЕР С ВЛАДИМИРОМ СОЛОВЬЕВЫМ»
22:30 Сериал «ЗОНА»
0:25 «ЖУРНАЛ ЛИГИ ЧЕМПИОНОВ»
1:05 Детектив «ОДЕТЫЙ ДЛЯ УБИЙСТВА»
3:00 Боевик «ТРИ КОРОЛЯ»

ТВ 3

7.30 Жизнь, полная радости.
8.00 Мультфильмы.
10.00 Худ. фильм «ПЕС-ЧЕМПИОН»
12.00 Худ. фильм «ТРУФ-ФАЛЬДИНО ИЗ БЕРГАМО»
14.30 «Курьер».
15.00 Худ. фильм «ЗАТЕРЯННЫЙ МИР»
17.00 Худ. фильм «МОРСКАЯ ПЕХОТА»
19.00 «Осторожно, модерн!»
20.00 Худ. фильм «ОТРАЖЕНИЕ»
22.00 Худ. фильм «ИНСТИНКТ УБИЙСТВА»
0.00 Худ. фильм «ИНТУИЦИЯ»
2.00 Худ. фильм «ПАУКИ-2»
4.00 Сериал «МУТАНТЫ ИКС»

ДТВ

8.30 Сериал «НАПРЯГИ ИЗВИЛИНЫ».
9.05 Для милых дам.
9.35 Мультфильмы.
11.20 Худ. фильм «СТАНЦИОННЫЙ СМОТРИТЕЛЬ».
13.30 «Супермужчина России».
14.30 «Звездная семейка».
15.30 «Время - деньги».
15.55 Сериал «МУЖСКАЯ РАБОТА»
18.00 Смешное видео.
18.30 «Этот безумный мир».
19.00 «Шоу российских рекордов»
20.00 Фильм «ДОСЬЕ ЧЕЛОВЕКА В МЕРСЕДЕСЕ»
21.30 Фильм «ДОСЬЕ ЧЕЛОВЕКА В МЕРСЕДЕСЕ»
23.00 Детектив «С.С.I МЕСТО ПРЕСТУПЛЕНИЯ ЛАСВЕГАС»
0.55 «Шоу российских рекордов»
2.00 «Роковые случайности».
3.00 «Осторожно, афера!»
3.30 «Звездная семейка».
4.15 «Время - деньги».

ТНТ

6.00 «Неизвестная планета»
6.25, 12.15 Мультфильмы.
7.20 «Антология юмора»
8.10 «Каламбур»
8.35 «Фигли-Мигли»
9.00 «Охотник на крокодилов: наши операторы». Док. фильм.
10.00 «ЛЕГКИЕ ДЕНЬГИ». Комедия.
12.30 Такси.
13.00 «Код да Винчи». Док. фильм.
14.00, 0.30, 0.05 ОФИС
15.00, 20.00, 22.00 «Дом-2»
16.00 «САША + МАША»
17.00 «Школа ремонта»
18.00 Такси.
18.30 «Москва: инструкция по применению»
19.00 «Капитал»
21.00 Комеди Клуб.
22.30 «Секс».

23.00 «Секс как наука»
1.25 «ЛЕГКИЕ ДЕНЬГИ». Комедия

СТС

7.00 «СКАЧОК ВО ВРЕМЕНИ». Худ. фильм
8.35, 10.30 Мультфильмы
10.00 «Улицы Сезам».
11.10 Кино «ДЕТИ-ШПИОНЫ».
13.00 «Жизнь прекрасна»
15.00 «Снимите это немедленно»
16.00 «Человеческие инстинкты»
17.00 Истории в деталях
17.30 «НЕ РОДИСЬ КРАСИВОЙ». Фильм
22.00 Кино «ОЧЕНЬ СТРАШНОЕ КИНО-2».
23.40 «6 кадров»
0.10 Кино «СТЕКЛЯННЫЙ ДОМ».
2.15 Кино «ИСПОРЧЕННАЯ».
3.50 Кино «СОКРУШИТЕЛЬНАЯ ЛОЖЬ».
5.25 Музыка


7 ТВ

6.00, 9.30 Назло рекордам.
6.10 Дзюдо. Кубок губернатора Московской области.
7.00, 8.00 Веселые старты.
9.00 Мультфильмы.
9.40, 4.00 Музыкальный трек.
10.00 «220 вольт».
10.10 «ГОСПОЖА ПОБЕДА». Телесериал.
11.00, 23.00. 7 дней спорта.
11.10 «Советский спорт»
11.20 Формула BMW. Этап № 4. Гонка № 2 Прямая трансляция из Ошерслебена (Германия).
12.00, 16.30, 2.30 Звезда автострады.
12.10, 13.30, 14.30 Бешеные колеса.
12.30, 18.10, 0.40 AutoFashion.
12.45 Кубок Volkswagen Polo. Этап № 5. Прямая трансляция из Ошерслебена (Германия).
13.45 Автоспорт. Кубок Porsche Carrera. Этап № 3. Прямая трансляция из Ошерслебена (Германия).
14.40 Евросерия F-3. Этап № 3. Гонка № 1. Прямая трансляция из Ошерслебена (Германия).
15.30 F-1. Ретро.
16.45 Гонки из серии ДТМ. Этап № 3. Прямая трансляция из Ошерслебена (Германия).
18.30 Гонки WTCC. Этап № 3. Гонка № 1.
19.05 Гонки WTCC. Этап № 3. Гонка № 2. Прямая трансляция из Ошерслебена (Германия).
20.00 «Motorsport Mundial». Журнал мирового автоспорта.
20.30 Бега и скачки.
21.00, 2.00 Планета рыбака.
21.30 Total регби.
22.00 Gillette World Sport.
22.30 Гольф. Европейская неделя.
23.10 NBA Live!
23.30 Rally (Racing) Action.
0.30 Лучшие моменты гоночного уик-энда.
1.00, 5.00 Магия оружия.
1.10, 5.10 Покер.
3.00 Ле-Ман: историческая гонка.
4.10 Футзал. «Концентрат» (Нерюнгри) - «Динамо» (Москва).

Қўпоровчилик

Чеченистоннинг Гудермес туманидаги Брагуна темир йўл бекатида ёнгин юз бериб, олгита цистерна аланга ичида қолди. Воқеа жойига етиб келган ўт ўчириш гуруҳлари ёнгини ўчиришга муваффақ бўлишди. Бу ерда шунингдек, Россия Федерацияси Фавкуллда вазиятлар вазирлигининг Чеченистон бўйича Бош бошқармаси тезкор гуруҳи ҳам иш олиб борапти.

Бош бошқарма бошлиғи, полковник Аҳмед Жейрхоновнинг сўзларига қараганда, ёнгинга террорчилик ҳаракати сабаб бўлган, цистерналардан ўқ излари топилган. Текшириш ишлари давом этапти.



ШУНАҚАСИ ҲАМ БЎЛАДИ

Португалияда полициячи 55 ёшли Альберто Перейрага ҳайдовчилик гувоҳномасиз машина бошқаргани учун 400 евро миқдорида жарима солган. Альбертонинг айтишича, 35 йил давомида у бирор марта ҳам йўл ҳаракати қоидаларини бузмаган экан. Балки шунинг учун ҳам ҳайдовчилик гувоҳномаси йўқ эканлигини шу пайтгача полициячилар билишмагандир.

ВЕЛОСИПЕДСИЗ ҚОЛГАН САЙЁХ

Германиялик сайёх Гейне Штуке ўз велосипедида дунё бўйлаб саёҳат қилаётган эди. У Буюк Британияга етиб келганида ҳаракат воситасисиз қолди. Штуке Портсмут яқинида тунаб қолишга қарор қилганида велосипедини одатдагидек чодирди ёнида қолдирди. Эрталаб қараса, велосипед йўқ. Сайёх бу ҳақда полицияга хабар бергач, тез орада уни шаҳар боғларидан бирида топишди.

Гейне Штуке мана 44 йилдирки, ўз велосипедида дунё кезиб юрибди. Ўтган давр ичида жаҳоннинг 200 дан ошмиқ мамлакатига бўлди, 335000 милдан зиёд йўл босди. Бундан ўн йил аввал Сибирда ҳам унинг велосипедини ўғирлашган эди.

«АЛ-ҚОИДА» ХАЙРИХОҲЛАРИ

«Полиция ва ички разведка хизматининг маълумотларига қараганда, Буюк Британияда «Ал-Қоида» террорчилик ташкилоти фаолияти билан у ёки бу даражада алоқадор 700 нафарга яқин шахс борлиги аниқланди», — дея хабар қилди «Independent» ахборот агентлиги. 2001 йилдан буён мамлакатнинг миллий хавфсизлигига дахл қилувчилар сони уч бараварга ошган. Ички разведка хизмати оммавий қурбонларга олиб келиши мумкин бўлган фитналарни фож этиш билан банд. Ҳозир тахминларга кўра мамлакатда бир нечта экстремистик ташкилот фаолият кўрсатяпти. Фитначиларнинг аксари Буюк Британияда туғилиб вояга етган.

САЪЙ-ҲАРАКАТЛАР САМАРАСИ

Россияда май ойидаги турли байрам тадбирлари тинч-осойишта ўтди. Бунга ўз-ўзидан эришилгани йўқ, албатта. Мамлакатнинг Миллий аксилтеррор қўмитаси маълумотлари шундан дарак беради.

Қўмитага март ойи бошидан оқ турли террорчилик ҳаракатларига тайёргарлик кўрилатгани ҳақида хабарлар кела бошлаган эди. Ўларга кўра қатор жангарилар тузилмаларининг раҳбарлари ўз ҳамкорлари билан бирга қўллаб қўпоровчиликлар уюштиришни режалаштиришаётганди.

Россия Миллий аксилтеррор қўмитаси раиси Николай Патрушевнинг сўзларига қараганда, ушбу террорчилик ҳаракатларининг олдини олиш мақсадида барча ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ва махсус хизматлар яқиндан ҳамкорлик қилишди. Натижада террорчилардан 113 килограмдан ортиқ портловчи модда олинди. Махсус тадбирлар чоғида қурол-аслаҳалар, махсус кийим-кечаклар, алоқа воситалари, дори-дармонлар, озик-овқат захиралари сақланган яширин жойлар топилди. 10 та қўлбола портловчи қурилма, 12 та гранатомёт, 236 та бошқа турдаги ўқотар қуроллар шулар жумласидандир. Бундан ташқари террорчиларнинг портловчи қурилмаларини турли муҳим иншоотларга ўрнатиш бўйича махфий схемаси қўлга киритилди.

Кенг қамровли операцияларда 74 нафар жангари ушланди, 12 нафари қуролли қаршилик кўрсатгани учун йўқ қилинди. Аксилтеррор тадбирлари ҳамон давом этмоқда.



ЭНГ ХАВФЛИ ХАКЕР

Буюк Британиялик хакер Гэри Маккинон Пентагоннинг компьютер тизимини бузишга муваффақ бўлган эди. Ушбу қилмиши учун у 2002 йилда юксак технологияларга оид жиноятларга қарши курашувчи миллий бўлинма ходимлари томонидан ҳибсга олинган. Ушанда АҚШнинг ҳарбий идораси компьютер тизимига етказилган зарар 700 миллион доллардан ошиши аниқланганди.

Энди суднинг қарорига кўра Гэри Маккинон АҚШ томонида топширилиши мумкин. Бу ҳақда ҳал қилувчи қарорни Буюк Британия Ички ишлар вазири қабул қилади. АҚШда Гэри бир неча ўн йилга озодликдан маҳрум этилиши ва бир неча миллион доллар миқдорида жарима тўлаши эҳтимоли бор.



ИТАЛИЯДА ЯНГИ ПРЕЗИДЕНТ

80 ёшли Жоржо Наполитано Италиянинг янги Президенти этиб сайланди. Унинг номзодини Романо Проди бошчилигидаги сўл марказчилар коалицияси илгари сурган эди. Италия Президенти парламентнинг ҳар икки палатаси депутатлари ва минтақалар вакилларининг овоз бериши йўли билан сайланади. Дастлабки уч турда Жоржо Наполитано етарли овоз тўплай олмаган эди. Тўртинчи турда умумий кўпчилик овоз билан президентликка сайланди.

Эсингизда бўлса, илгарироқ парламентнинг ҳар икки палатаси спикерлигига ҳам сўл марказчилар вакиллари сайланган эди.

ТАЛАБАЛАР СОНИ КАМАЯДИ

Хитой Ҳукумати олий таълим муассасаларига талабалар қабул қилишни камайтирмоқчи. ХХР Давлат Кенгашининг Бош вазир Вэнь Цзябо раислигида бўлиб ўтган мажлисда шундай қарор қабул қилинди. Ҳозир Хитойда 23 миллион талаба таълим олмақда. Бу дунёда энг юқори кўрсаткичдир. 2005 йилда мамлакатдаги институт ва университетларга 5,04 миллион киши қабул қилинди.

Мамлакат раҳбариятининг фикрича, талабалар сонининг ошиб кетиши таълим олиш шароитига, сифатига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Бундан ташқари меҳнат бозорига мураккаб вазият юзага келади. ХХРнинг тараққиёт ва ислоҳотлар бўйича Давлат қўмитаси маълумотларига қараганда, жорий йилда битирувчиларнинг 50 фоиздан ошиги ўз ихтисосига мос иш тополгани йўқ.

ЙЎҚОЛСИН ИРҚЧИЛИК!

«Пайшанба кuni Бельгиянинг Антверпен шаҳрида ёш йигит кўчада бола кўтарган қора танли аёлни отиб ўлдирди», — дея хабар қилади «Ехпайса» интернет нашри. Гувоҳларнинг сўзларига қараганда, у аввал ҳеч бир сабабсиз ёнидан ўтиб кетаётган турк аёлни бўйнидан яралаган. Воқеа жойига тасодифан келиб қолган полициячи жиноятчининг қорнига қарата ўқ узган.

Терговчиларнинг айтишича, 18 ёшли бу зўравон скинхедлар ташкилотларидан бирининг аъзоси бўлган. Ушбу жиноятни ирқчилик қарашлари таъсирида содир этган. Ҳозир у жароҳати сабабли полиция назорати остида касалхонага ётқизилган.

Бельгия Бош вазири Ги Верхофстадт мазкур жиноятни кескин қоралаб, мамлакат аҳолисини ирқчилик кўриinishларига қарши мurosасиз курашга чақирди.



ТАЛОНЧИ ЎСМИРЛАР


«France Presse» агентлиги хабар қилишича, Канаданинг Ванкувер шаҳри яқинида 13-14 ёшлардаги уч нафар ўсмир ҳибсга олинди. Улар икки ой давомида бир неча банкни талашган. Ёш талончилар, одатда банкларга кириб, муассаса ходимларига бир парча хат узатишган. Унда кассадаги бор пулни бериш талаб қилинган эди. Шу тариқа еттига банкни шилинган. Ўсмирларнинг ҳеч қандай қуроли бўлмаган. Аммо банк ходимлари йўриқномага мувофиқ иш туттишган, яъни оғир оқибатларнинг олдини олиш учун қаршилик кўрсатмасдан, пулларни бериб юборишган.


ДОВЮРАК КАМПИРШО

Дунёда жониворлар билан боғлиқ юз бераётган баъзи воқеаларни кўриб ҳайрон қоласан киши. Масалан, АҚШ шаҳарларида кўча-кўйда қутилмаганда бирор-бир йиртқич ҳайвонга дуч келишингиз ҳеч гап эмас. Яқинда Флорида шаҳрида яшовчи кампиршо — 74 ёшли Конни Житгльз бунга гувоҳ бўлди.

У ўзининг томорқасида экинларини сугораётган эди. Ишга шунчалик берилиб кетдики, орқадан тимсоҳ келиб оёғини қандай қилиб тишлаганини сезмай қолди. Оёғи оғригандай туюлганида эса илон чақди, шекилли, деб уйлади. Ўгирилиб қараса — тимсоҳ!

Ие, ҳали сенмисан оёғини тишлайдиган, деб қўлидаги шланг билан махлуқнинг башарасига яхшилаб туширди. Онахоннинг зарбасидан кўрқиб кетган тимсоҳ думини қисиб қочиб қолди. Шундан сўнг кампиршо ўзини ўнглаб олиб, полицияни чақирди. Воқеа жойига етиб келган ёввойи табиатни муҳофаза қилиш департаменти вакиллари «Безори жонивор» ўша яқиндаги сўв ҳавзасида яшашини аниқлашди.





— Аввало, халқ эътиборини қозонаётганингиз билан табриклаймиз. Очиғини айтиш керак, бугун сизга кўпчиликнинг ҳаваси келмоқда. Бунга сабаб биринчи навбатда, кучли ва ширали овоз соҳибаси эканлигингиз бўлса керак?

— Агар чиндан ҳам кўпчиликнинг ҳаваси келаятган бўлса, бу менинг ютуғим. Демак, шунчаки ижод қилмаётган эканман. Аллоҳ бошқаларга бермаган инъомни берибди, хайр кўрсатибди, шунинг ўзи катта бахт. Болалигимда Насиба Абдуллаева, Юлдуз Усмоноваларнинг кўшиқларини эшитиб, қани энди мен ҳам шуларга ўхшаб куйлай олсам, дердим. Яхши ниятларимга фаршталар «омин» дедими, улар каби саҳнага чиқиб, кўшиқ айтиш, халқнинг олқишига сазовор бўлиш ҳам насиб этди.

— Истеъдод ҳам мансаб, шон-шухрат каби бир синов. Ундан унумли фойдаланган, яхшиликка хизмат қилдирган инсонгина узоқ яшаб қолади, дейишди...

— Тўғри айтдингиз, бу саҳнага кимлар келиб кетди, кимлар юлдуз бўлиб порламади. Лекин уларнинг кўпчилигини бугун ҳеч ким эсламайди. Менимча, улар санъат учун яшаган эмас, санъатни ўзлари учун хизмат қилдирган инсонлар бўлса керак. Худди шундай ҳолга тушиб қолишдан қўрқаман. Бир неча йиллардан сўнг одамлар ўзимни ҳам, кўшиқларимни ҳам унутиб юборса-я, деб баъзида ваҳимага тушаман. Шу сабабдан ҳам шунчаки, бугуннинг эҳтиёжидан келиб чиқиб, куйлагим келмайди. Берилган истеъдодни бугун учун сарфлаб, шунинг орқасидан беш-ўн сўм топиб, ялло қилиб юраверсак ақлдан бўлмас. Тўғри, ҳозир санъат ҳам бизнеснинг бир турига айланди. Кўпчилик хонандалар бозордаги таклифга

қараб кўшиқ яратаяпти. Аммо улар шуни ҳисобга олишмаяптики, ҳар қандай товар ҳам вақти келиб эскиради, харидор талабига жавоб бермай қолади. Шундай экан, бозорбоп кўшиқнинг ҳам умри қисқа бўлади.

— Ўзингиз бу қонуниятга қандай амал қиласиз?

— Мен бозорбоп кўшиқлар куйламоқчи эмасман. Кўшиқнинг асли моҳияти нима бўлса, уни халққа шундайлигича етказиб бермоқчиман. Нега Навоийнинг номи ҳамон машҳур, ҳанузгача унинг ижоди борасидаги тадқиқотлар давом этмоқда? Чунки Навоий бу — асл шеърят. Биз санъаткорлар ҳам асл кўшиқ нима, деган саволга жавоб берадиган ижод намунасини яратсак, кўшиқларимиз узоқ йиллар барҳаёт бўлади.

— Сизнинг йўналишингиз бу талабларга жавоб бера олади деб ўйлайсизми?

— Менимча, жавоб бера олади. Сабаби бугун миллий эстрадамизга бўлган қизиқиш анча кучайди. Кузатган бўлсангиз, бундан беш-олти йиллар аввал воҳа одамлари Андижон-Фарғона йўналишида куйланган кўшиқларга унчалик эътибор беришмасди, улар кўпроқ фольклор йўналишини қадрлашарди. Мана энди, миллий оҳангга яратилган кўшиқлар асл санъат намунаси бўла олишини вақтнинг ўзи кўрсатаяпти. Бугунги кунда воҳаликлар ҳам биз куйлаётган йўналишдаги кўшиқларни севиб тинглаяпти, тўйларида ижро этишмаяпти. Яқин орада миллий эстрада кўшиқчилигимизга бутун дунёда катта қизиқиш уйғонади, деб умид қиламан.

— Хонанда Озодбек Назарбеков билан бир хил йўналишда ижод қилаётганга ўхшайсизлар...

— Озодбек Назарбеков билан яқин ижодий ҳамкорлармиз. У кишини

«САНЪАТ — ИНСОНГА ХИЗМАТ ҚИЛИШИ КЕРАК»

жуда ҳурмат қиламан, санъатини, одамийлигини қадрлайман. Ўзимни унинг мухлиси деб ҳисоблайман. Қолаверса, Озод ака акам Отабек Мамазоитовнинг яқин дўсти. Шунинг учун бир-биримизнинг ижодимиздан ҳам яхши хабардормиз.

— Пойтахтда ўтказилган бу йилги Наврўз тантаналарида яқунловчи кўшиқни ижро этдингиз. Буни қандай кутиб олишди?

— Сценарий бўйича бу йилги байрам дастури бутунлай ўзгача бўлиши керак эди. Лекин режис-сёрлар ва тадбир комиссияси аъзоларининг фикри билан яқунловчи кўшиқни мен куйладим. Бу кимларгадир ёқди, кимларгадир ёқмади, аммо ўйлайманки, мухлисларим хурсанд бўлишди.

— Ўша кунни қандай руҳий ҳолатга тушдингиз?

— Очиғи, роса ҳаяжонландим. Аввалига ёш бўла туриб яқунловчи кўшиқни айтишдан анча тортиндим. Лекин бу менга юклатилган топшириқ эди. Саҳнада ўзимни эркин тутишга, кўшиқни бор меҳрим билан куйлашга ҳаракат қилдим. Билдирилган ҳурмат-эътибор зиммамга янада улкан масъулият юкледи. Чунки бундай катта айёмларда иштирок этиб, энг қувончли он-

Ёш истеъдодли хонанда Гулshanам Мамазоитова бетакрор кўшиқлари билан санъатсевар халқимизнинг меҳр-эътиборини жуда тез қозонди. У илк бор санъатга кириб келганида кўпчилик маҳорати, истеъдодига тан бериб, унинг келажаги порлоқ эканлиги ҳақида башорат қилишган эди. Мана, орадан ҳеч қанча ўтмай бу фикрлар ўз исботини топди. Бугунги суҳбатимиз Гулshanамнинг ижодий ютуқлари борасида.

ларда халқ билан бирга бўлиш ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Кейинги пайтларда санъатимни қадрлаб, оммавий тадбирларга таклиф қилишга мени янада руҳлантириб, ўз устимда кўпроқ ишлашимга давъат этмоқда.

— Вилоятларга ҳам гастрол сафарлари уюштириб турасизми?

— Ҳа, албатта. Мана, яқинда Фарғонада концерт бердик, ундан олдинроқ Қашқадарёда бўлгандик. Мақсад вилоятлардаги мухлисларимизни ҳам санъатимиздан баҳраманд қилиш. Ҳаммаям узоқ вилоятлардан пойтахтга келиб, концертга кира олмайди. Келишга имконлари бўлмаса, уларнинг олдида ўзи-

миз боришимиз керак. Насиб қилса тез орада Андижонда бўламиз.

Биласизми, вилоятлардаги концертларимиз жуда файзли ўтади. У ерда театрларни, стадионларни тўлдириб ўтирган одамларнинг санъатимизга бўлган муносабати, олқишлари инсонга завқ, илҳом бағишлайди. Санъаткорни янада жўшиб куйлашга ундайди.

— Бу йил магистратурани тамомлайсиз. Дипломни олгандан кейинги режаларингиз қандай?

— Насиб қилса, ижодим устида янада кўпроқ изланиб, Фарб эстрада йўналишида кўшиқлар яратмоқчиман. Албатта, Фарб оҳанглари ўзгартириб эмас, қандай бўлса ўша ҳолича ижро этмоқ-

чиман. Аслида Тошкент Давлат консерваториясида мақомчилик бўйича таҳсил олдим. Лекин санъатда йўналишлар кўп. Санъаткорнинг репертуари бой ва ранг-баранг бўлгани яхшироқ. Миллий эстрада йўналиши билан бир пайтда бошқа жанрларда ҳам баварар ижод қилишни ўз олдимга мақсад қилиб кўйганман.

— Оила қурганингиздан кейин ҳам кўшиқ куйлаверасизми?

— Аввало, Худойименга санъатимни тушунганидан инсонни учратсин. Шу кунгача отаонам, яқинларим ижодимга ҳурмат билан қараб келяпти. Улар истеъдодимнинг қадрига етиб, уни юзага чиқиши учун бор ёрдамни аямадилар. Акам Отабек Мамазоитов менга устозлик қилди, санъатга кириб келишим учун елиб-югурди. Нега энди уларнинг шунча меҳнатларини бир кун келиб кимдир чипакка чиқариши керак? Тўғри, оила муқаддас тушунча. Аммо инсон битта мақсад учун иккинчисини қурбон қилмаслиги керак, деб ўйлайман.

— Сизга кўп сонли муштарийларимиз номидан ижодий баркамоллик тилаб қоламиз. Суҳбатингиз учун ташаккур.

Суҳбатдош:
Нигора ТҶХАМАТОВА.







Aziz bolajonlar!

Bugungi sahifamizni tengdoshlaringiz va ustozlaringizning ta'hiriyatga yuborgan maktublari asosida tuzishga qaror qildik. Ularning ijodiy ishlaridan namunalarni e'tiboringizga havola qilayapmiz. Siz ham ushbu do'stlaringiz singari bizga maktub yo'llab, sahifamizni rang-barang qilishda yordam berasiz, degan umiddamiz.

Rahmdil Filpolvon to'qqizta jonivorni o'zida yashirib turibdi. Ularni toping.



Chizmada berilgan so'zlarni bo'sh kataklarga shunday tartibda joylashtiringki, natijada shu so'zlarni eniga ham, bo'yiga ham o'qish imkoni bo'lsin.

F. ORIPOV tuzgan.

MENING IJODKOR SHOGIRDIM

So'z sehriga bo'lgan qiziqish Azizada juda erta uyg'ondi. Shu bois, maktab sahniga qadam qo'rganida hali besh yoshli jaji qizaloq edi. Bugun sakkizinchi bahorini qarshilayotgan Aziza o'zining bahoriy nasimlaridek mayin va yoqimli, bahor gullaridek iforli she'riy guldastasini sizga armug'on etmoqda.

Ishonchim komilki, Azizaning o'zidek beg'ubor, samimiy satrlari o'quvchilar qalbida ham ajib hishlarni uyg'otadi.

S. QURBONOVA,

Toshkent shahar Bektemir tumanidagi 289-maktabning ona tili va adabiyoti fani o'qituvchisi.

ERKA BAHORIM

Sochlarimga jamalaklar taqqim keladi,
Tog'lardagi lolalarni terгим keladi.
Boychechakni ko'zlarimga surgim keladi,
Seni qalbdan sog'inganman, erka Bahorim!

Bahoroyning kelinchagi bo'lgim keladi,
Sho'x, o'ynoqi kapalagi bo'lgim keladi.
Bahoroyning erka qizi bo'lgim keladi,
Seni qalbdan sog'inganman, go'zal Bahorim!

Aziza QOSIMOVA,
289-maktabning 3-a-sinf o'quvchisi.

SEVIMLI SAHIFAM UCHUN!

Hurmatli «Postda» gazetasi xodimlaril! Men Qashqadaryo viloyatining Kasbi tumanidagi 1-o'rta maktabning 4-sinfida o'qiyman. Sizing gazetangizni muntazam o'qib boraman. Har doim uyimizga ana shu gazeta kelishini orziqib kutaman. Ayniqsa, «Bolalar sahifasi» menga juda yoqadi. Buning uchun sizlarga katta rahmat!
Men o'zim tuzgan kichkina boshqotirmamni sahifangizda chop etish uchun yubormoqdaman. Umid qilamanki, sizlarga ma'qul keladi.

Ehtirom bilan,
Munisa AHMEDOVA.

1			Y			1. Chopqir cho'l hayvoni.		
	2		O'			2. Yovvoyi cho'chqa.		
		3	L			3. Ayyor hayvon.		
			4	B		4. Yirtqich hayvon.		
				5	A	5. Yong'oqxo'r jonivor.		
					6	R	6. O'rmon qiroli.	
						7	S	7. Uy hayvoni.

QIZIQARLI SAVOL-TOPIUSHMOQLAR

Tengdoshingiz Azamat Sayfiddinov sizlar uchun ajoyib savol-topishmoqlar yuboribdi. Qani, topqirligingizni bir sinab ko'ring-chi. Darvoqe, sizga yordam tariqasida savol-topishmoqlarning javoblarini ham beryapmiz. Faqat javoblarni o'qish uchun ko'zgdan foydalanishingizga to'g'ri keladi.

1. Beshta kunni «birinchi, ikkinchi, uchinchi kun...» demasdan va yana «dushanba, seshanba, chorshanba...» deya nomlarini atamasdan sanab bera olasizmi?

4. Qaysi oyda 28 kun bor?

Javob: Har bir oyda 31 kundan ko'proq bo'lgan uchun 28 kun bor.

2. 12 qavatli uyda lift bor. Birinchi qavatda ikki kishi yashaydi. Qavatmaqavat yashovchilar soni ikkitadan ortib boradi. Liftning qaysi tugmachasi eng ko'p bosiladi?

5. O'n pog'onali narvondan sakrab, jarohat olmaslik uchun nima qilish kerak?

Javob: Narvondning birinchi pog'onasidan sakrash kerak.

3. Qaysi idishdan ovqat tanovul qilib bo'lmaydi?

6. Agar kechasi soat 12da yomg'ir yog'sa, oradan 72 soat o'tib, quyoshli havo bo'lishi mumkinmi?

Javob: Yo'q, chunki oradan 72 soat o'tgach, yana yarim kechasi bo'ladi.

Javob: Bo'sh idishdan.


Azamat SAYFIDDINOV.

AMALIY TOPSHIRIQ

10 so'mlik tangani 3 ta gugurt cho'pi ustiga shunday joylashtiringki, birinchidan, tanga stolga tegmasin, ikkinchidan, tanga gugurt cho'plarining dorisiga tegmasin, uchinchidan, gugurt cho'plari dorisi stolga tegmasin, to'rtinchidan, tanga uchovi gugurt cho'piga tegib tursin.



Ushbu rasmda Oloviddinning sehrli chirog'i yashiringan. Qolganlarining barchasi oddiy chiroqlar. Jin qaysi chiroqdan chiqqanligini topsangiz, o'sha Oloviddinning haqiqiy sehrli chirog'i bo'ladi.



Абдулғозийхон «Шажарайи турк» ва «Шажарайи тарокима» номли катта илмий аҳамиятга эга бўлган тарихий асарларни ижод этган ўзбек тарихнавис олими, узоқ вақт Хива хонлигини бошқарган йирик давлат арбобидир. У адабиётдан ҳам яхшигина хабардор бўлган. Тиб илмини ўрганиб, «Манофет ул-инсон» номли махсус тиббий асар ҳам ёзган.

ганча отаси қўлида тарбияланади. «Андан сўнг отамиз Кадхудой қилди. Тақи Урганчининг ярмини улуг оқамиз Ҳабаш султонга ва ярмини бизга берди. Бир йилдан сўнг Ҳабаш ва Элбарс отли акаларимиз билан орамизда низо бўлди. Ул сабабдин тура билмай Хевақга отамиз қатига келдук. Улар Катни инъом қилдилар».

«Араб Муҳаммадхоннинг етти ўғли бор эди:

урушда енгилган Араб Муҳаммадхон қўлга тушади ва кўзи кўр қилинади. Минг машаққатлар билан сувдан кечиб ўтган Абдулғозийхон аввало, Катта ва у ердан Имомқулихон саройига келади. Ҳабаш ва Элбарсга қарши кураш бошлаган Асфандиёр Абдулғозийхонни ёрдамга чақиради. Аммо Имомқулихон унинг боришига рухсат бермайди. У Имомқулихон саройида икки йил туради.

Ҳабаш ва Элбарс устидан ғалаба қилган Асфандиёрхон Имомқулихон саройига ўз инилари Аб-

шаҳрида туради. Харажат учун йилига 10000 танга ажратилади. Бир қанча талбирлар ишлатиб, Абдулғозийхон Бастом, Маҳин орқали Манқишлоққа келади. У ерда бир йил туриб, 1642-1643 йили Урганчага келади. У Хоразмга қайтганидан олти ойдан сўнг Асфандиёрхон вафот этади.

Абдулғозийхон Хива тахтини эгаллайди ва деярли йигирма йил давомида Хивада хон бўлиб туради. Унинг хонлик даврида ўзаро феодал урушлари нисбатан тинчиди, кўшни мамлакатлар билан

ва муқаттаот ва рубоийёт ва барча ашъорни фаҳмламаклик, арабий, форсий ва туркий лугатларнинг маъносини билмаклик. Учинчи, Одам ахлиндин то бу дамгача Арабистонда, Эрон ва Туронда ва Мўғилистонда ўтган подшоҳларнинг отлари ва умрларининг ва салтанатларининг кам ва зиёдин билмаклик».

Унинг томонидан келтирилган бу маълумотларга қараганда, Абдулғозийхон шеърятни яхши билиш билан бир қаторда, араб, форс ва туркий тилларни пухта ўрганган. Тарих илмидан яхши хабардор бўлган. Ўзининг тарихий асарларини тасниф этган.

Абдулғозийхон юқорида зикр этилган сиёсий фаолияти билан бир қаторда замонасининг атоқли тарихчиси ва олими сифатида «Шажарайи турк» ва «Шажарайи тарокима» номли машҳур асарларини ёзган.

«Шажарайи турк» асарининг матни ҳозирги жорий алифбода 1992 йили Тошкентда академик Б. Аҳмедов сўзбошиси билан нашр этилди. Шундай қилиб, Абдулғозийхон қатор тарихий асарлар ижод этган ўз даврининг етук тарихнавис олими, давлат арбоби ва лашкарбошиси эди. Унинг турли маълумотларга бой тарихий асарлари Хоразм тарихини ва умуман айтганда туркий халқлар тарихини ўрганишда муҳим манбадир.

АБДУЛҒОЗИЙХОН

Абдулғозийхон Хива хони Араб Муҳаммадхоннинг ўғли бўлиб, ўз асарларида таржимаи ҳолига оид анча маълумотларни келтирган. Муаррих ўзининг дунёга келишини куйидагича баён этади: «Урганч вилоятида тарих ҳижрий минг тақи ўн тўртда (1605-1606) асад буржи ва рабиъ ал-аввал ойининг ўн бешиди душанба кунини офтоб билан баробар тулуғ қилибмиз».

У аждоллари ҳақида гапирар экан, бундай деб ёзади: «Отамизнинг оти Араб Муҳаммадхон, анинг отаси Оқатойхон, анинг отаси Амнакхон, анинг отаси Ёдгорхон... Онасининг исми Меҳрибону хоним бўлиб, Жонғози султоннинг қизи бўлган».

Абдулғозий 6 ёшга кирганда отаси вафот этади. У 16 ёшгача Ур-

аввал Асфандиёрхон, иккинчи Ҳабаш султон, учинчи Элбарс султон, тўртинчи Абдулғозийхон, бешинчи Шариф Муҳаммад султон, олтинчи Хоразмшоҳ султон, еттинчи Авғон султон. Асфандиёрхоннинг онаси ўз жамоатимиздин эрди. Ҳабаш султон билан Элбарс султоннинг онаси найман қизи, иккиси бир онадан эрди. Онанинг оти Меҳрибону хоним. Отаси Жонғози султон...»

Араб Муҳаммадхон, Абдулғозийхон, Асфандиёр ва Шариф Муҳаммадлар билан Ҳабаш ва Элбарс ўртасида низо кучайиб, икки орада уруш воқеа бўлади. Бу

дулғозийхон ва Шариф Муҳаммадни тилаб киши юборади. Шундан кейингина Имомқулихон уларга Хоразмга қайтишга рухсат беради. Абдулғозийхон Хивага қайтади ва Асфандиёр уни Урганча ҳоким қилиб тайинлайди. Энди Асфандиёрхон билан Абдулғозийхон ўртасида келишмовчиликлар пайдо бўлади.

Урганча туришининг иложини топа олмаган Абдулғозийхон Туркистонда, Тошкентда бўлади. Кейинчалик Хивага қайтади. Асфандиёрхон Абдулғозийхонни Эронга жўнатади. Шундай қилиб, Абдулғозийхон 10 йил Исфохон

алоқалар яхшиланди, ободончиликка эътибор кучайди, ҳокимият мустақамланди. 1663 йили хонликни ўғли Анушахонга топширади ва 1664 йили вафот этади. Абдулғозийхон ўзи ҳақида куйидаги қизиқ маълумотларни ёзиб қолдирган: «Бу фақирга Худойи Таоло иноят қилиб, кўб намарса берган турур. Хусусан уч хунар берган турур. Аввал, сипоҳийгарликнинг қонуни ва йўсиниким, нечук отланмоқ ва юрмак ва ёвға ясоқ ясамоқ, кўп бирлан юрган да нечук қилмоқ, оз бирлан юрганда нечук қилмоқ. Иккинчи, маснавийёт ва қасойид ва ғазалиёт

ТУШЛАР ТАЪБИРИ

(Боши ўтган сонларда).

КЎЗОЙНАК
Қилаётган ишига, атрофдагиларига ишонмаслик зарурлигини ва ким биландир танишишни билдиради. Қизлар кўзойнак кўрсалар – жуда зийрак бўлишлари керак, акс ҳолда алданиб қолишлари мумкин.

КУЛ
Нохушлик белгиси. Олдини олинг.

КЎЗГУ
Кимки, кўзгуга қараб ўзини гўзал, ёқимли кўрса – саёҳатга, уйланишга ва орзу-ниятларнинг ушалишига ишора. Агар, ўзини катта ёшли, хунук кўрса – касаллик, ночорлик яқинлашаётганидан хабар. Кўзгуда танишбилишларини кўрса – уларнинг шу дамдаги аҳволдан хабар топади. Кўзгуда нотаниш кимсани кўрса – янги таклифдан, муросадан ва ўзгаришлардан даракдир.

КУМУШ
Вақтинчалик келадиган бойлик. Кумуш танга – хурсандчилик келмоқда. Топиб олиш – келган омаддан ўзини йўқотиб қўймаслик зарурлиги белгиси. Кумуш идиш – оиладаги ва ишдаги шарт-шароитларнинг мўътадиллашиши.

КЎР БЎЛИШ
Тушда кўр бўлиб қолиш – шошқолоқлик, қайсарлик, такаббурлик сабабли катта хатолар қилганини ёки қилаётганини билдиради. Бировни кўр ҳолда кўрса – бефойда ишга билиб туриб қўл ураётганидан хабар.

КЎРПАЧА
Янги кўрпача – ўзгаришлар бўлади. Эски кўрпача – оғир меҳнат кутилади. Кўрпа ва кўрпача устида ўтириш ёки ётиш – касалга шифо келишини, тинчлик-хотиржамликни билдиради. Қизлар тахланган кўрпа, кўрпача кўрсалар – тўйлари бўлади. Худди шу нарсани эркак киши кўрса – унинг шарчагани, касал бўлиб қолиши мумкинлиги белгиси. У дам олиши, соғлиғига эътибор қилиш керак.

(Давоми бор).

Зокир БОЛТАЕВ тузди.

... Хьюстон (актриса).

ЎТГАН СОНДА БЕРИЛГАН СКАНВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ:
ЭНИГА: Қандил, Кароқчи, Осака, Маълумот, Хизр, Дақиқа, Октава, Дурагай, Коломбо, Бар, Озор, Мичурин, Устара, Рамазон, Лангуст, Жам, Гаити, Тўмарис, Заиф, Ипак, Бадал, Анапа, Овора, Овсар, Милан, Боб, Толмас, Ақиқа, Дара, Гамбург, Анор, Нокиа, Лоқал, Бронза, Ахил, Тибет, Тилак, Муомала, Испан, Воқал, Ин, До, Норози, Ари, Як, Тут, Олма, Майор, Рота.
БЎЙИГА: Казино, Торт, Амалдор, Ватан, Узанги, Ас, Оро, Байт, Дилором, Афина, Лак, Араби, Паром, Ибтидо, Лом, Трап, Агар, Сол, Одамови, Кабиса, Нотайин, Монтана, Зино, Каникул, Урал, Қора, Авом, Сахалин, Глюкоза, Онг, Кий, Устурлоб, Чашма, Аэробус, Улар, Костюм, Бомба, Офат, Анави, Қалампир, Абажур, Долчин, На, Чучвара, Ижара, Қобилят, Арамис, Лангар, Ланка.

ЗАМОНАВИЙ ЎЙИНГОҲ

Қарши шаҳридаги «Динамо» ўйингоҳи ёнги ўқирувчиларнинг спорт билан шуғуллангани, касбий маҳоратини оширадиган маскан ҳисобланади. Ўйингоҳ замон талаблари асосидаги спорт масканига айлантирилди.

Вилоятимиз ҳудудида ўта муҳим, тоифаланган иншоотлар кўп бўлиб, нефть маҳсулотларини сақлайдиган масканларда содир бўладиган ёнгиларни бартараф этиш усуллари ана шу ўйингоҳда ўрнатилган махсус

қурилмада ўтказилган машқларда пухта ўрганилади.


«Динамо» ўйингоҳи

қайта таъмирланиб, унинг ҳудудида ҳамма қулайликларга эга бўлган теннис корти,

баскетбол майдони, югуриш йўлакчалари ҳам барпо этилиб фойдаланишга топширилди. Қишки спорт мажмуасида ҳам машғулотлар ўтказиш учун барча қулай шароитлар яратилди. Ёзги ва қишки ювенил хоналари ходимлар хизматида. Бундан ташқари мусобақа ташкилотчилари, ҳакамлар ва мухлислар учун ҳам махсус жойлар бунёд қилинди.

К. ЯНГИЕВ,
капитан.

Суратда: «Динамо» ўйингоҳи.



БУХОРОДА СПОРТ БАЙРАМИ

Бухоро шаҳрида Хотира ва Қадрлаш кунига бағишланган спорт байрами мусобақалари бўлиб ўтди. Унда вилоят ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг 21 жамоасидан 357 нафар спортчи-ходимлар қатнашдилар. Улар 4x100 метрга эстафета югуриш, арқон тортиш, армрестлинг кураши, 3000 метрга югуриш бўйича ўзаро куч синашдилар.

Беллашувларда вилоят ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлими, миллий хавфсизлик хизмати бошқармаси, вилоят ИИБ ППХ ва ЖТСБ ППХ батальони, Бухоро шаҳар ИИБ, вилоят ИИБ ёнги хавфсизлиги ҳамда йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармалари жамоалари айниқса, фаол иштирок этдилар. Жамоалар ўртасида биринчи ўринни вилоят ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлими жамоаси эгаллади. Иккинчи ўринни вилоят миллий хавфсизлик хизмати бошқармаси, учинчи ўринни эса вилоят ИИБ ППХ ва ЖТСБ ППХ батальони ҳамда Бухоро шаҳар ИИБ жамоалари қўлга киритишди.

Спорт байрами якунида ғолиблар ва совриндорлар Фахрий ёрликлар ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

Э. ФОЗИЛОВ.

Тошкент шаҳар ИИББ ҳузуридаги қўриқлаш бошқармасининг идора ва тизимлари ўртасида футбол бўйича чемпионат ўтказилди. Унда бошқарма аппарати, пойтахт туманлари ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлими ва тўртта алоҳида милиция батальонлари футбол жамоалари иштирок этдилар.

ҒОЛИБЛАР РАҒБАТЛАНТИРИЛДИ

Чемпионатнинг финал ўйини Тошкент шаҳар ИИББ «Динамо» ЖТСЖ стадионида бўлиб ўтди. Яшил майдонда ҳозир бўлган қўриқлаш бошқармаси аппарати жамоаси ва 4-алоҳида милиция батальони футболчилари дастлабки дақиқаларданок ўзига хос ўйин намойиши этдилар. 4:1 ҳисоб билан 4-алоҳида милиция батальони жамоаси ғалаба қозонди.

Мусобақа сўнггида биринчиликни қўлга киритган 4-алоҳида милиция батальони, иккинчи ўрин соҳиби, қўриқлаш бошқармаси аппарати ҳамда фахри учинчи ўринни эгаллаган 3-алоҳида милиция батальони футболчиларига ажратилган кўчма кубоклар тантанали равишда топширилди. Энг яхши ўйинчилар рағбатлантирилди.

Самариддин ХАЛИЛОВ.

ХОТИРА ТУРНИРИ

Урганч туманидаги «Анжирчилар» қишлоғидаги «Паҳлавон» болалар спорт мажмуида Хотира ва Қадрлаш кунини олдидан туман ИИБ профилактика инспектори, катта лейтенант марҳум Улуғбек Ваисов хотирасига бағишланган кураш бўйича мусобақа бўлиб ўтди.

Мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказилаётган бу хотира турнирига вилоятнинг шаҳар ва туманларидан 200 нафардан зиёд ёш полвонлар ташриф буюришди.

Турнир қатнашчилари 15 вазн тоифаси бўйича гиламга чиқишди. Республикада хизмат кўрсатган мураббий, халқаро тоифадаги ҳакам, спорт устаси Баҳодир Бекчонов бошқариб борган бу беллашувда Урганч шаҳри, Янгибозор, Гурлан ҳамда Урганч туманлари ёш полвонлари алоҳида маҳорат кўрсатишди. Улар туман ИИБ, халқ таълими бўлими, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг туман кенгаши ҳамда вилоят Паҳлавон Маҳмуд хайрия жамғармасининг Фахрий ёрликлари ва қимматбаҳо совғалари билан тақдирландилар.

Худойберган ЖАББОРОВ.

Спортчилар оиласида дунёга келган қизча ёшлигиданоқ шу соҳага меҳр қўйди. Ундаги қизиқишларни вақтида пайқазган ота-онаси унинг учун имконият эшикларини очиб беришди. Уларнинг ўзлари спортсеварлардан эдилар. Нодира мактабда аъло баҳоларга ўқиш билан бирга турли спорт мусобақаларида фаол иштирок этди. Айниқса, енгил атлетикани жон дилидан хуш кўрарди. Амакиси — каратэ бўйича спорт устаси, 4 - Дан қора белбоғ соҳиби Рустам Казаков қизнинг қобилиятини, иқтидор қирраларини очишга ҳаракат қилди. У янглишмаган эди. Тинимсиз машқлар самара бериб, Нодира Казакова 2002 йил каратэ бўйича Ўзбекистон чемпиони бўлди.

ЧЕМПИОН ҚИЗ

— Қизим шарафига байроғимиз кўтарилиб, мадҳиямиз янграганида ҳаяжондан юрагим тўлиб кетди, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ ахборот маркази катта инспектори, пистолетдан отиш бўйича Ўзбекистон чемпиони, спорт устаси, подполковник Клара Алламберганова.

— Албатта, бундай қувончли дақиқаларда мен ҳам кўз ёшларимни тийиб туролмадим, — деб суҳбатга қўшилди Нодиранинг отаси Нукус Давлат педагогика институтининг кат-

та ўқитувчиси, футбол, волейбол ва баскетбол бўйича спорт устаси Азат Казаков.

— Бизнинг ҳам қувончимиз чексиз. Чунки, Федерациямиз ҳали ёш бўлишига қарамадан, қисқа фурсат ичида ижобий натижаларга эришганидан, меҳнатларимиз бесамар кетмаганидан, Нодиранинг бир умр эсда қоғалри ғалабасидан беҳад мамнунмиз, — дейишди Қорақалпоғистон Республикаси Кикбоксинг федерацияси раиси, капитан Икром Шамуротов ва мураббий,

лейтенант Ангат Жуманазаровлар.

— Олдимда яна битта ҳаяжонли имтиҳон турибди. ИИБ Академиясида ўқиш учун ҳужжат топширдим. Ниятим ҳуқуқий соҳадаги билимларимни янада мустаҳкамлаб, Ватан, эл осойишталиги йўлида хизмат қила оладиган муносиб фарзанд бўлиш, — дейди кикбоксинг бўйича жаҳон чемпиони, Нукус шаҳар ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлими ходими, сафдор Нодира Казакова.

Д. ХУДОЙШУКУРОВ.

ҚИСҚА САТРЛАРДА

«Пахтакор»нинг Осие чемпионлар лигасидаги гуруҳдоши «Ал-Қодисия» ва «Қувайт» СК жамоалари Қувайт шаҳзадаси кубогининг финалига йўл олдилар. Ярим финалда «Қувайт» СК «Ал-Тадомон»ни ҳакам томонидан белгиланган қўшимча вақтда 5:2 ҳисобда доғда қолдирди. «Ал-Қодисия» эса «Ал-Салмия»ни 3:2 ҳисоби билан мағлуб этди.

Баҳрайн қироли кубоги финалчилари номи маълум бўлди. Унда «Ал-Нажда» ва «Ал-Аҳли» жамоалари бош сўврин учун кураш олиб боради. Иккала жамоа ҳам ярим финалдаги рақибларини қўшимча вақтда мағлуб этди.

Баҳрайн Футбол Ассоциацияси финал учрашуви қачон ўтказилиши ҳақида ҳозирча ҳеч қандай тўхтамга келганича йўқ.

Рустам САГАТОВ.

АНЪАНАВИЙ МУСОБАҚА

Сирдарё вилояти ИИБ ЙХХБ ЙПХ инспектори Раҳмонқул Тўхлиев 2002 йилда хизмат пайтида фожияли ҳалок бўлган эди. 2003 йилдан бошлаб Ховос туманида унинг хотирасига бағишлаб футбол бўйича турнир ўтказиш анъанага айланган. Марҳумнинг отаси «Бойтўра ота» фермер хўжалиги раҳбари Андақул Тўхлиев ташкил этган бу мусобақани туман ҳокимлиги, ички ишлар бўлими раҳбарияти қўллаб-қувватлаб, зарур шарт-шароитлар яратиб берапти. Турнирда тумандаги хўжаликлар, ташкилотлар, мактабларнинг футбол жамоалари, Раҳмонқул Тўхлиевнинг касбдошлари, сафдошлари ҳам фаол иштирок этишади. Ғолибларга фермер хўжалигининг қимматбаҳо совғалари топширилади.

Одатдагидек, навбатдаги турнир 9 май — Хотира ва Қадрлаш кунини яқунланди. Шу кунини туман ҳокимлиги, ички ишлар бўлими ва бошқа ташкилот, муассасалар раҳбарлари, вакиллари иштирокида хотира-турнирига бағишланган тантанали йиғилиш ва ўйиннинг финал қисми ўтказилди. Биринчиликни қўлга киритган «Фарҳод» маҳалласи футболчиларининг ҳар бирига биттадан гилам, иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллаган «Дўстлик» маҳалласи ва Ховос кўрғони жамоаларининг ҳар бир футболчисига чинни буюмлар термаси, шунингдек, мусобақаларни бошқарган ҳакамларга қимматбаҳо совғаларни марҳумнинг отаси Андақул Тўхлиев топширди.

Назиржон ЙЎЛДОШЕВ.



ТАБРИКЛАЙМИЗ

Республика ИИБ Тергов Бош бошқармасининг бўлим бошлиғи ўринбосари, подполковник **Мансуржон СУЯРҚУЛОВ**ни таваллуд топган куни билан самимий муборакбод этамиз. Ҳамкасбимизга узоқ ва мазмунли умр, мустақам соғлиқ, оилавий хотиржамлик, шарафли ва масъулиятли ишларида улкан муваффақиятлар тилаймиз. Хонадонидан файзу барака аримасин.

Бош бошқарма раҳбарияти ва шахсий таркиби.

Республика ИИБ Йўл ҳаракати хавфсизлиги Бош бошқармасининг матбуот бўлини маси бошлиғи, подполковник **Анвархўжа СУЛАЙМОНХЎЖАЕВ**ни 50 ёшга тўлгани билан самимий муборакбод этамиз. Ҳамкасбимизга узоқ ва мазмунли умр, мустақам соғлиқ, оилавий хотиржамлик, шарафли ва масъулиятли ишларида улкан муваффақиятлар тилаймиз. Хонадонидан файзу барака аримасин.

Бош бошқарма раҳбарияти ва шахсий таркиби.

Республика ИИБ Йўл ҳаракати хавфсизлиги Бош бошқармасининг матбуот бўлини маси бошлиғи, подполковник **Анвархўжа СУЛАЙМОНХЎЖАЕВ**ни 50 ёшга тўлгани билан чин дилдан муборакбод этамиз. Унга узоқ умр, ишларида улкан ютуқлар тилаб, кўп йиллар саломат, бардам бўлиб, мартабаси ошиб, фарзандлари, шогирдларининг бахту камолини кўриб, даврамизни тўлдириб юришини Яратгандан сўраймиз.

Эҳтиром ила Дилшоодахон, Музаффархон, Ферузахон, рафиқаси ва фарзандлари ҳамда невараси Азизхўжа.

Тошкент шаҳар ИИББ ҳузуридаги кўриқлаш бошқармаси ШТБИБ инспектори, лейтенант **Акмалжон СОДИҚОВ**ни туғилган куни билан табриклаймиз. Ҳамкасбимизга узоқ ва мазмунли умр, сиҳат-саломатлик, оилавий бахт, ишларида улкан ютуқлар тилаймиз.

Бошқарма раҳбарияти ва шахсий таркиби.

НАВБАТЧИЛИК ҚИСМИ ХАБАРЛАРИ

ЎЛЖА НАСИБ ЭТМАДИ

Самарқанд шаҳрида яшовчи пенсионер Р. Гимазидиновни уйига ўгринча кирган кимсалар 1 млн 943 минг сўм, 270 АҚШ доллари ва 350000 сўмлик буюмларни ўтариб кетишганди. Тергов-қидирув ишлари натижасида ушбу жиноятни содир этган шахслар қўлга олинди. 38 ёшдаги И. Ҳамид ҳамда 27 ёшли Л. Лозенколарга нисбатан тергов ҳаракатлари бошланди.

ЎҒРИНИ ЎЗИНГДАН ТОП

Тошкент вилоятининг Чирчиқ шаҳридаги «Электрокимёсаноат» заводининг металл цехидан умумий оғирлиги 1417 кг. бўлган 3 дона титан плиталар «ғойиб» бўлганди. Бироқ шаҳар ИИБ ходимлари бу жумбоққа ойдинлик киритишди. Аниқланишича, ушбу корхона хизматчиси Р. Матназар ҳамтовоғи Л. Евгений билан корхона мулкани гумдон қилишган экан.

КЕЙИНГИ ПУШАЙМОН...

Хоразм вилоятининг Урганч шаҳрида яшовчи 36 ёшдаги С. Наталья ўз уйида дугонаси 1971 йилда туғилган Д. Виктория билан жанжаллашиб қолди. Мастликда ғазабига эрк берган Наталья Викторияни бўғиб ўлдириб қўйди. Кейин пушаймон бўлиб, дод солди. Бироқ кеч эди.

БУЮРТМА БАЖАРИЛМАДИ

Пойтахтимизнинг Ҳамза тумани ИИБ ходимлари тайёрланаётган буюртмани қотиллик жинояти ҳақидаги маълумотга эга бўлдилар. Унга кўра шаҳардаги олий ўқув юрғларидан бирининг ўқитувчиси Ю. Луиза вақтинча Тошкент шаҳрида яшовчи, Р. Аслидинни ўлдириш учун 800 АҚШ доллари ваъда қилган эди. Ўтказилган тезкор талбирлар натижасида ушбу аёл буюртмани ижро этиши керак бўлган шахсга 300 АҚШ доллари ва 630 минг сўм пул бераётган вақтда қўлга олинди.

СИМЧИННИНГ МИСИ ЧИҚДИ

Кўкон темирйўл бекати яқинидан 700 метр олоқа симлари номалум кимсалар томонидан ўғирлаб кетилди. Қидирув ишлари давомида ушбу жиноятни содир этган шахс Фаргона вилоятининг Боғдоқ туманида яшовчи 1983 йилда туғилган У. Ази экани аниқланиб, ашёвий далил билан қўлга олинди.

ВАҚТИНЧАЛИК СЕРИК БОЙ

Тошкент вилоятининг Оҳангарон туманида истиқомат қилувчи Т. Қурбонқуловнинг ҳовлисида девор ошиб кирган шахс уй эгасининг 13 бош қўйларини ўғирлаб кетди. ИИБ ходимлари жиноят изига тушиб уни фош этдилар. Қўйларни Олмалик шаҳрида яшовчи, 1980 йилда туғилган С. Серик ўмарган экан. Энд и у қилмишига яраша жазо олади.

Исмоил МИНАВАРОВ, майор.

«МАЪНОЛАР МАҲЗАНИ»

ОСИЛСАНГ, БАЛАНД ДОРГА ОСИЛ

Вариант: «Осилсанг, баланд дорга осил, оёғинг ерга тегмасин»; «Осилсанг, осил оғочга осил» (оғоч – дарахт); «Осилсанг ҳам, баланд шохга осил»; «Осилсанг, баланд дорга осил – оёқ ерга тегмайди»; «Тупроқ кўтарсанг, баланд тепадан кўтар – бел букилмайди»; «Йиқилсанг, нордан йиқил» (нор – бир ўрқачли эркак туя. У бошқа ҳайвонларга нисбатан баланд бўлгани учун, мақолда баландлик унга ташбеҳ этилган); «Осилсанг – баландга, йиқилсанг – майдонга» (Бунда «йиқилсанг – майдонга» деганда «ярадор бўлиб йиқилсанг ёки ўлсанг ҳам, жанг майдонида мардларча ҳалок бўл» дейилмоқчи. Умуман, мазкур мақоллар билан: «Киройи бир иш қиладиган бўлсанг, осон, ўнғай, енгил-елпи, меҳнату машаққатсиз, тезгина битиб кетадиган тарафини кўзлама; ишни бирваракайига қил, яхши, пишиқ-пухта, кўп, мўл-кўл бўлишини ўйла, бу йўлда ҳар қандай қийинчиликдан, хавф-хатарлардан кўрқма!» деган маънода насихат қиладилар.

ОСМОН УЗОҚ, ЕР ҚАТТИҚ

Вариант: «Осмон йироқ, ер қаттиқ, ўлай десам, жон тотлиқ»; «Кўкка боқсам, кўк йироқ, ерга боқсам, ер қаттиқ»; «Кирарга ер қаттиқ, қиярга жон тотлиқ»; «Ўлай десам, ўлолмаймаман, тирик гўрга киролмаймаман». Бу мақоллар ҳаддан ташқари оғир аҳволга, ноиложлик ҳолатига тушиб қолган кишилар томонидан: «Жуда оғир аҳволга тушиб қолдим. Лекин иложим қанча: осмон узоқ (яъни, худодан тилай десам, бари бир фойдаси йўқ), ер қаттиқ (яъни,

ўлай десам ўлолмаймаман – жон ширинлик қилади, тириклайиң эса ерга киролмаймаман, деган маънода айтилади.

Ердин деса қозиб чиқорай, ер эрур қотик, Кўк конидан десаки олай, кўк йироқ эрур.

(Навоий)

Ерга кирсам кошки чун етмас ул ойга илик, Мушкул аҳволе тушубтур: «ер қотику, кўк йироқ».

(Лутфий).

ОСОН ЕРДА ОШ ҚАЙДА?!

«Ош-нон, мол-мулк, пулу маблағ, умуман ҳар қандай моддий бойлик ҳам кишининг қўлига осонгина, ўз-ўзидан, текиндан-текинга кирмайди. Уларга эришмоқ учун ҳаракат қилиш, меҳнат машаққатларини тортиш, елиб-югуриш, жон койитиш керак бўлади», деган маънода айтиладиган мақол. Вариант: «Осон иш қайда, осон ош қайда; «Осмондан чалпак ёғмас» (чалпак – хамирни юпқа ёйиб, ёғда пишириладиган овқат); «Осмондан жиззали нон ёғмас»; «От сурунмай йўл топмас, эр сурунмай мол топмас» (сурунмоқ – қийналиб, мункиб-сункиб, қоқилиб-суқилиб, туртиниб юрмоқ); «Офтоб тегмай, олма пишмас»; «Осон ишда лаззат йўқ»; «Меҳнатнинг нони – ширин»; «Ҳалол иш – лаззатли емиш»; «Товуқ ҳам тирмалаб тўйинади»; «Ёзда боши қайнамаганининг, қишда оши қайнамас»; «Баҳорда лой кечган – кузда мой ичади»; «Меҳнатинг қаттиқ бўлса, тотганинг тотлиқ бўлар» ва ҳоказо.

МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ
Келгуси ҳафта учун

- ҚҮЙ. 21 март – 20 апрель**

Фаоллигингни оширинг. Аммо ҳамма режангизни ошкор этманг. Атрофингиздагиларнинг маслаҳатига кулоқ солманг. Уйингизда яқинларингизга эътиборсизлигингиз туфайли кичик жанжал бўлиши мумкин. Ваъдаларингиз эсингиздан чиқмасин, уларни бажаришга ҳаракат қилинг.
- СИГИР. 21 апрель – 20 май**

Бу ҳафта хато қилмай десангиз, кўпроқ ишлаб, камроқ гапиринг. Бундай ёндашув кайфиятингизга ҳам мос тушади. Эҳтиросларингизга эрк берманг. Бошлиқларингиз билан баҳслашишдан сақланинг.
- ЭГИЗАКЛАР. 21 май – 21 июнь**

Зукколигингиз туфайли кўплаб муаммоларни осон ҳал этасиз. Яхшиси воқеаларни ўз оқимига қўйиб беринг. Умуман олганда ҳафта самарали ўтади. Сиз анчадан буён ўзингизга ҳалал бериб келаётган улкан муаммони ҳал этасиз.
- ҚИСҚИЧБАҚА. 22 июнь – 22 июль**

Мазкур ҳафтада мавқеингиз ошиши мумкин. Ҳар қандай майда-чуйда гап асабингизга тегиб, сизни мувозанатдан чиқаради. Одамлар билан камроқ мулоқотда бўлинг. Акс ҳолда жанжаллашиб қолишингиз мумкин. Ҳозир тилингизга ҳам, бирор ишга қўл уришга ҳам эҳтиёт бўлинг.
- АРСЛОН. 23 июль – 23 август**

Агар тўсатдан ўзингиздан ва юзага келган вазиятдан норози бўлсангиз, ҳаётда яхши жиҳатларни топишга ҳаракат қилинг, руҳингизни чўктирманг. Акс ҳолда кайфиятингиз турли келишмовчиликларга ва низоларга сабаб бўлади. Яхшиси, асабларингизга бир оз дам беринг.
- БОШОҚ. 24 август – 23 сентябрь**

Бу ҳафта омад куши бошингизга кўнади. Энди кутилмаган муваффақиятлардан эсанкираб қолманг, шошманг. Ишда ўзингизни жуда уринтириб қўйманг. Ҳаддан зиёд чарчаш ҳаёт лаззатларидан баҳраманд бўлишингизга халақит қилади.
- ТАРОЗИ. 24 сентябрь – 23 октябрь**

Мазкур ҳафтада мўлжалдаги деярли барча режаларингиз амалга ошади. Агар куч ва имкониятларингизни тўғри тақсимласангиз, ҳеч бир ҳаракатингиз зое кетмайди. Чалғимасдан ўз ишингизни бажарверинг. Ҳозир келажакни кўзлаб ишлашингиз лозим.
- ЧАЁН. 24 октябрь – 22 ноябрь**

Аввал йўл қўйилган хатоларни тузатиш фурсати келди. Ҳафта анчайин нотинч кечади. Шошилиб қарор қабул қилманг. Акс ҳолда яна камчиликларга йўл қўйиб, кейин ўзингизни айбдор сезиб юрасиз. Одамларни тинглашни ва тушунишни ўрганинг.
- ЁЙ. 23 ноябрь – 21 декабрь**

Ушбу ҳафтада баъзи масалаларда муроса йўлини тутишингизга тўғри келади. Бундан ранжиманг. Ҳали охирига етказилмаган ишингиз билан мақтанманг. Фаолиятингиз ҳақида энг яқин дўстларингиз билса бас. Етакчи бўламан деб курашманг, талашманг.
- ТОҒ ЭЧКИСИ. 22 декабрь – 20 январь**

Бошланаётган ҳафтада мавқеингизда ўзгаришлар юз беради. Бу ўзгаришларнинг ижобий ёки салбий бўлиши ўзингизга, саъй-ҳаракатингизга боғлиқ. Ҳафта давомида кўплаб музокаралар олиб боришингизга тўғри келади. Бошингизга ташвиш орттирмай десангиз, эҳтиёт бўлинг.
- ҚОВҒА. 21 январь – 20 февраль**

Воқеаларни ўзингиз учун мақбул, фойдали томонга йўналтиришингиз зарур. Бунинг учун мантиққа мувофиқ ҳаракат қилинг. Теваракатрофингизда юз бераётган ҳамма воқеаларда ҳам бевосита иштирок этишингиз шарт эмас.
- БАЛИҚ. 21 февраль – 20 март**

Ушбу ҳафтада ишингиздаги энг кичик, арзимас ўзгаришларга ҳам эътиборли бўлинг. Хушёрлик, сезгирлик ҳали ҳеч кимга зарар келтиргани йўқ. Барча муҳим масалаларни жума кунигача ҳал этишга ҳаракат қилинг. Ўз хулқ-атворингиз ҳам эътиборингизда бўлсин.

Қабристон. Ёна-ён турган иккита қабр. Умрининг ўткинчи, дунёнинг фонийлигини тирикларнинг ёдига солиб тургувчи мўъжазгина хилқат. Домланинг майин овозда Қуръон тиловат қилаётганидан бўлак ҳеч бир сас эшитилмайди. Унинг қаршисида эса бошини эгиб, гўё сеҳрлангандай ўтирган серсавлат киши кўзларини юмиб олган, аммо киприклари орасидан сизиб чиққан ёш секин-секин юзига, сўнгра ўзига ярашиб турган формасининг ёқасига думалайди. Домла кетгач, Аброр ака уни ёруғ дунёга келтирган, аммо ёлғиз қолдириб кетган ота-онасининг қабри олдида тиз чўкди. Шу алфозда узоқ ўтирди.

ОҚИБАТ

Фира-шира ёдида, эндигина 4 ёшга кирганда волидаси хасталикдан оламдан ўтган эди. Хосият опанинг йил оши ўтгач, отаси аммаларининг қистови билан кўшни қишлоқдан бир бева аёлга уйланди. Қаровсиз қолган рўзгор, етимликдан сўлиб бораётган болага қарар деган умидда розилик берганди. Аммо у ўйлагандек бўлмади. Ўғай она уйга келган кунданоқ шўрлик боланинг қора кунлари бошланди. Руқия эрига қанчалик меҳрибон, ширинсухан бўлса, Аброрга нисбатан шунчалик заҳарханда, қаҳрли ва тошбағир эди. Ҳаким ака эрта кетиб, кеч қайтар, кунни далада ўтарди. Ўғай онаси билан уйда қолишга мажбур бўлган Аброр ҳали 5-6 ёшларда бўлишига қарамай, оғир ишларни буюриб, ҳолижонига қўймайдиган

Руқиянинг қош-қовоғига қараб, юраги зирилларди. Шу тарзда орадан яна олти йил ўтди. Унинг зуғумлари кўпайса кўпайдики, сира камайди. Аброр қанчалик эзилса-да, бирор марта ўғай онанинг устидан отасига шикоят қилмас, аксинча, сездирмасликка уринарди. Чунки отасининг ўксик кўнглини баттар чўктиришни хоҳламасди. Эндигина 12 ёшга етганда Ҳаким ака ҳам автоҳалокат сабабли оламдан ўтди. Эрининг ўлимига шу муштдеккина болани сабабчи қилган Руқия кун бўйи қарғашдан, зуғум ўтказишдан чарчамасди.

Шундай кунларнинг бирида отасининг Тошкентда яшайдиган узоқ бир қариндоши уни излаб келиб қолди. Етим болага қилинаётган зуғумларни кўриб-билиб юрган кўшнилари ҳам

унга ачинишарди. Шу сабабли Иброҳим тоғага:

— Шўрлик болага жуда қийин бўлди, аввал онаси, кейин отаси ўлиб, шу ўғай онага кунни қолган. Руқия-ку, худо урган жодугар, болани нақд еб қўйгудей савалайди, хўрлайди. Барака топинг, шу жигарингизнинг боласини олиб кетинг, — дейишди.

Кўшнидан эшитган гаплар Иброҳим тоғага қаттиқ таъсир қилди. Бола бечоранинг афт-ангори, сомондай сарғайган рангини кўриб юраги яна ҳам эзилди. Шу сабабли ёлғизгина кенжа қизи Назоқат унинг қалбини аллақачон эгаллаган эди. Аброр институтни тугатган йили қиз ҳам тиббиёт техникумини битирди. Ўша йили уларнинг тўйлари бўлиб ўтди. Йигит туман ички ишлар идорасига ишга жойлашди. Поғонама-поғона кўтарилиб, вилоят ИИБда раҳбарлик лавозимида ишлаб бошлади. Бу орада икки ўғил, икки қизли бўлишди.

Аброр ака шуларни бир-бир хаёлидан ўтказиб, вақт алламаҳал бўлиб қолганини ҳам унутибди.

Иброҳим тоға билан аёли унга ота-она меҳрини беришди. Фариб кўнгли ёруғлик кўрган Аброр бу хонадонга тез ўрганди. Мактабда астойдил ўқиди, тинимсиз дарс қилди. Орадан йиллар ўтиб юридик институтига ўқишга кирди. Ўзининг оғир-вазминлиги, мулоҳазалилиги, билимга чанқоқлиги билан курсдошлари орасида ҳурмат қозонди. Айниқса, баъзи курсдош қизлар унинг атрофида парвона бўлишарди. Аммо у бирортасига кўнгли бермади, негаки, Иброҳим тоғанинг кенжа қизи Назоқат унинг қалбини аллақачон эгаллаган эди. Аброр институтни тугатган йили қиз ҳам тиббиёт техникумини битирди. Ўша йили уларнинг тўйлари бўлиб ўтди. Йигит туман ички ишлар идорасига ишга жойлашди. Поғонама-поғона кўтарилиб, вилоят ИИБда раҳбарлик лавозимида ишлаб бошлади. Бу орада икки ўғил, икки қизли бўлишди.

Аброр ака шуларни бир-бир хаёлидан ўтказиб, вақт алламаҳал бўлиб қолганини ҳам унутибди.

Бир пайт ҳайдовчи йигитнинг томоқ қиргани эшитилди. Шундагина у кеч тушиб қолганини англади. Кўш сағанага яна бир марта термилди-да, ўрнидан турди. «Хайр отажон, хайр онажон, ётган жойларингиз нурга тўлсин», дея дарвоза томон юрди. Машина қишлоқнинг ўртасини кесиб ўтган катта йўлдан борар экан, кимсасиз кўчада, кечки пайт девор ёқалаб тимирилгани бораётган кампир беихтиёр уларнинг эътиборини тортди. Кампирнинг кўзи ожизлиги ҳаракатларидан шундоққина билиниб турарди. Гарчи орадан кўп йиллар ўтган бўлса-да, Аброр ака ички бир сезги билан ўғай онасини таниди-ю, юраги ачишиб кетди.

Руқия болани қариндошига бериб юбориб, ёлғиз меросхўрдан ҳам қутулгач, бироз ёлғиз яшаган, сўнгра уйга укасини кўчириб келганди. Келин аввалига Руқия нима деса шуни қилиб юрди. Кейинчалик вазият ўзгариб, энди у келинига хизматкор, унинг қош-қовоғига қарайдиган бўлиб қолди. Кун

бўйи ишдан қўли бўшамас, келиннинг шанғиллаб, қарғашлари, укасига ёмонлаб турткилашларига чидашга мажбур эди. Охири ёши бир жойга бориб, куч - қувватдан қолган Руқия кампир уйдан ҳайдаб чиқарилганди.

Ҳайдовчи йигит кампирни етаклаб йўлдан ўтказиб, ортига қайтди-да, ачиниш билан:

— Бечора кампир ёлғиз экан, уйдан укасининг хотини ҳайдаб чиқарганига анча бўлибди. Ўзининг фарзанди йўқ экан, — дея изоҳлаган бўлди.

Анчагача сўзсиз боришди. Шаҳарга етиб келишганда Аброр ака:

— Орқага қайтамыз, қишлоққа ҳайда, — деди қатъий оҳангда.

Шу топда у бир қарорга келган, яъни ўзини болалигида хўрлаган, қийнаган бўлса-да, ўғай онасини чин дилдан кечирган, уни ўзи билан уйига олиб келишни дилига туккан эди. Бу эса шундай кунларга етказганга шукроналар айтаётган бир кўнглининг меҳр-оқибати, имони меваси эди.

Умида БОЛЛИЕВА.

МУЛОҲАЗА

ИБО ВА ХАЁНИ ЙЎҚОТМАЙЛИК

Биз XXI асрда яшамокдамиз. Ўтмишдан, ота-боболаримиз, аждодларимиздан шарқона миллий урф-одатлар, ўзбекона қадриятлар каби бой мерос қолган. Ибо, ҳаё, ор-номус, гурур, андиша сингари инсоний фазилатлар ва хусусиятлар соҳиби бўлган улуг инсонларнинг авлодларимиз. Қўлимга қалам олишимга, ота-боболаримиз ва момоларимизнинг одоб-ахлоқ борасидаги фазилатларини давомчиси бўла олаётганимиз, деган савол туртки бўлди. Бироқ бу саволга бир сўз билан «ҳа» ёки «йўқ» деб жавоб бериш қийин, албатта.

Мен кийиниш одоби ҳақида сўз юритмоқчиман. Айрим ёшларимиз ва ёш хотин-қизларни назарда тутаётган. Улар Европада андоза олиб, кийинишади. Хўш, нима учун? Нима, миллий кийимларимизда улар беўхшов кўринишадими? Ўтган асрнинг 60-70 йилларида ишланган фильмлардаги ўзбек қизларининг миллий кийимларда, айниқса, атлас кўйлак-

ларда кўриниш, чирой ҳам, ибо ҳам, ҳаё ҳам, кўйинг-чи, хотин-қизлар учун зарур бўлган ҳамма фазилат мужассам. Ўзбекона кийинган хотин - қизлар жаҳондаги ҳеч бир гўзаллардан кам эмас. Опа-сингилларимиз мени кечирсинлар-у, баданни кўз-кўз қилиш учун кийиниш ахлоқимизга тўғри келмайди.

Европаликлар кийиниш бобида шарқ аёлларига тақлид қилмайди-ку, нега бизнинг опа-сингилларимиз уларга эргашиши керак? Бир таниш аёлга шу ҳақда айтсам, бурнини жийириб, Европа мамлакатлари иқтисодий жиҳатдан анча олдинга чиқиб олган, дейди. Иқтисодий ривожлантириш кийинишга боғлиқ эмас-ку! Тўғри, биз саноат, қишлоқ хўжалиги, зарур бўлганда ички ишлар хизмати фаолиятини такомиллаштириш борасида ривожланган давлатлар тажрибасидан ўрганишимиз. Лекин урф-одатлар, одоб-ахлоқ, меҳр-оқибат ва бошқа фазилатлар миллатимиз асоси-ку. Бу бора-

да бошқа миллатларга ўрناк бўлса арзийдиган томонларимиз кўп. Инсоннинг гўзаллиги

кийинишга ҳам боғлиқ экан, ибо ва ҳаёни сақлаш керак.

Қадимда гўзал аёллар юзларига етти қават парда тутиб юрганларида ҳам кўзларни қамаштиришган. Бугун эса бу парданинг бир қавати ҳам қолмади-ёв. Қарагувчи кўзларда эса нур йўқ...

Яна бир гап, аёлларнинг ички кийимлари очиқдан-очиқ бозорда, дуч келган жойда сотилиши ҳам кишининг гашини келтиради. Ёнида ўспирин

йигитча билан бозорга борган она ёки акаси билан кетаётган ёшгина сингилларимиз ноқулай аҳволга тушиб қолади. Гоҳида эркак кишининг аёллар ички кийимини кўтариб, сотиб юрганини кўрамыз. Инсонда озгина ор ҳам бўлиши керак, албатта. Менимча, бозорларда бундай кийимлар учун алоҳида жой ажратилса, юзимишдан уят пардаси кўтарилмасми...

Баҳром ХУДОЙҚУЛОВ,
сержанта.



РЕВМАТИЗМ: у ҳақда нималарни биламиз

Маълумки, айрим касалликлар баҳор ва куз фаслларида қўзғалиб, беморни безовта қилади. Сабаби, фасллар алмашиб, об-ҳавонинг кескин ўзгариши, намгарчилик касаллик бактерияларини уйғотиб юборади. Сухбатдошимиз, республика ихтисослашган Кардиология марказининг кичик илмий ходими, тажрибали шифокор Раъно Жамолова ана шундай касалликлардан бири, халқ тилида «бод» деб аталувчи ревматизм хасталиги ҳақида қуйидагиларни гапириб берди.

— Ревматизм (полиартрит) бириктирувчи тўқиманинг яллиғланишидир. Шифокорлар орасида «ревматизм бўғинларда бўлади, лекин юракни ҳам шикастлайди» деган гап бор. Сабаби, касалликда кўпроқ юрак, бўғимлар ва бошқа аъзолар яллиғланади. Қайталаниб турувчи касалликлар (асосан ангина) ва организмнинг аллергия реакцияларга мойиллиги ревматизмнинг келиб чиқишига сабаб бўлади.

Ревматизм кўпинча болалик пайтида бошланади. Дастлаб бола ангина бўлиб, тузалгандан кейин орадан икки ҳафтача ўтгач, бирдан ҳарорати кўтарилди. Тирсақлар, биллак, кафт усти, тизза, болдир, оёқ панжаси ва бошқа бўғимлар оғриб, қизариб, шишиб кетади. Бунда бўғимларнинг зар-

рарланиши турғун бўлмайди (оғриқ кўчиб юради). Орадан 10-12 кун ўтгач, оғриқлар камайгандай бўлади. Бироқ бу тузалиш вақтинчадир. Сабаби, касаллик кучайган пайтда юракнинг мушкул қавати, клапанлари, ташқи пардаси ҳам зарарланган бўлади. Клапанларнинг ревматик зарарланиши уларнинг турғун деформациясига олиб келади. Натижада юрак пороклари пайдо бўлади. Ревматизмга учраган одамда юракнинг зарарланиши (ревмакардит) полиартритсиз ҳам авж олиши мумкин.

Юрак зарарланиб, ревмакардит пайдо бўлганда беморнинг мадори қурийдими, ҳансирайди, ҳарорати кўтарилган бўлади. Юраги оғриб безовта қилади. Ревмакардит енгил кечганда касаллик

белгилари аниқ намоён бўлмаслиги ҳам мумкин. Шундай бўлса-да, юракда жиддий ўзгаришлар пайдо бўлаверади. Шунинг учун ревматизмнинг дастлабки белгилари пайдо бўлгандаёқ дарҳол шифокорга мурожаат қилиш зарур.

Ревматизм юракдан ташқари бошқа аъзолар ва тўқималарни ҳам зарарлантириши мумкин. Ревмакардит қайталаганда беморнинг аҳволи оғирлашади. Организмда қон айланиш тартиби бузилади.

Касалликнинг олдини олиш учун ангина, гайморит, сурункали гайморит каби хасталикларни ўз вақтида даволаш шарт. Организмни чинқотириш, жисмоний тарбия билан шуғулланиш, гигиена қоидаларига риоя этиш лозим.



ТАБИБЛАР ДЕЙДИКИ...

● Бод туфайли оғриётган бўғинларни асаларига чақтириш (шифокор билан маслаҳатлашиб) фойдали.

● Ўн кун мобайнида кунига 0,02 гр. мумиё наҳорда бирор-бир турдаги ёғ ҳамда 3-4 тухумнинг сариғи билан бирга ичилади. Шу хилда малҳам тайёрлаб, бўғинларга сурилса, оғриқ қолади. Ўн кун ичиб, ўн кун танафус қилинади.

● Ревматизмга йўлиққан беморлар оғриётган қўл-оёқларига ёғ суриб, кунига бир неча дақиқадан кўёш ваннаси қабул қилсалар, шифо бўлади.

● Ревматизм билан оғриганлар ҳар кун селдирдан тайёрланган салат истеъмол қилсалар, касалликдан тузалишга ёрдам беради.

● Оғриётган бўғинларга лой суриб, бир неча дақиқа ўтириш, кейин аста-секин уқалаб, лойни тушириш оғриқ

қолиши ва даволанишида фойдалидир. Бунда лойга 2-3 дона саримсоқни майдалаб, қўшилса, нафи ортади.

● Май, июнь ойларида толнинг пўстлоғи шилиб олинди, майдаланади. Уни қайнатиб ичиш, шунингдек, бўғинларни ювиш, «ванна» қилиш (хўлланган латга билан) оғриқни қолдириб, даволанишида фойда қилади.

● Ҳар кун кечаси ётишдан олдин бўғинларга оз миқдорда сирка кислотаси қўшилган зайтун мойи суриш ревматизмнинг тез тузалишига ёрдам беради.

● Момақаймоқнинг ўзак барглари узилганда ундан сутга ўхшаш суяқлик чиқади. Ана шу «сутли» барглари ювиб, хомлигича истеъмол қилиш ревматизмни даволашнинг қадимий усуллари биландир.

Ш. ХУДОЙБЕРДИЕВА тайёрлади.

БИР ПИЁЛА

са, кишининг танаси ва бошқа аъзоларига керакли дармондориларни беради.

Чой феноли нурланишнинг олдини олади. Шунинг учун

вонидлар эса саратон (рак) билан хасталанишдан асрайди.

Олимлар ҳатто чойнинг ҳар қайси бурж остида тугилганларга қандай таъсир

Қора чойнинг «қора аждар» деб номланган энг олий нави ҳам оддий кўк чойнинг олдида учинчи ўринда турар экан.

Инглиз тадқиқотчиларининг хулосаларига кўра, Лондонда 650 дан зиёд 100 ёшдан ошган инсонлар истиқомат қилишар экан. Улардан узоқ умр кўришлари сабабини сўрашганда, ҳар доим кўк чой ичиб юришларини айтишди. Олимлар кўк чойни «узоқ умр кўриш гарови» деб аташларига сабаб, унда инсон организмнинг қаришини секинлаштирувчи хусусият борлигидир. Чой қон томирларни тозалайди, терини қуриб қолишдан асрайди, жисмоний меҳнатдан сўнгги чарчоқни олади, асабларни юмшатади. Очиқ ҳавода, яъни далада меҳнат қилувчилар ҳар доим кўк чой ичиб юрсалар ўз соғлиқларини яхши асрайдилар.

КЎК ЧОЙ ИЧСАНГИЗ...

Аниқланишича, чой япроқларида жуда кўп миқдорда оксиллар, 10 дан ортиқ дармондорилар мавжуд бўлиб, улар инсон организм учун энг зарур моддалар ҳисобланади. Чой феноли, теин, фла-

узоқ вақт давомида телевизор кўрадиганлар ёки компьютерда ишлайдиганлар тез-тез чой ичишлари керак.

Чой таркибидаги теин моддаси фенол билан биргаликда инсон танасидаги холестерин моддасини камайтиради, қон томирларини кераксиз чиқиндилардан тозалайди ва инфарктнинг олдини олади. Фла-

қилишини ҳам аниқлашган. Бир пиёла иссиқ чой соғлигини асраб, кайфиятингни яхшилаш хусусиятига эга. Демак, уйимизга меҳмон келса дарҳол дастурхон тузаб, бир пиёла чой узатишимизнинг одатга айланиши ҳам бежиз эмас.

Энг яхши ва фойдали чой — бу кўк чой. Айниқса, барглари эзилмасдан бутун ҳолича қурилгани. Ана шундай кўк чойнинг таркибида юқорида санаб ўтилган барча фойдали моддалар жуда яхши сақланган бўлади.

ЧОЙ ИЧИШ ТАРТИБИНИ БИЛАСИЗМИ?

● Аниқлашларича, кунига 5-6 пиёла, яъни 150 мл. гача чой ичиш фойдали ҳисобланади.


● Бир чой қошиқ чойга бир стакан (200 мл) қайноқ сув солинади. Чойни яхшиси оз-оздан ва ҳар сафар янгидан дамлаб ичган маъқул. Ҳеч бўлмаганда уч мартагача эски чойнинг устига дамлаш мумкин. Лекин бир кеча-кундуздан (яъни 24 соат) ошмаслиги керак. Сабаби, 24 соатдан сўнг чойнинг таркибидаги фойдали хусусияти бузила бошлайди.

● Чой дамлаш учун сув тоза ва юмшоқ бўлиши керак. Тоза сув ёки водопровод сувини филтрлаб олиб, темир чойнакда қайнаш даражасигача олиб борилади. Лекин шақиллаб қайнашга олиб бормасдан дамланади.

● Сувни қаттиқ қайнатиб дамланганда чой ўзининг фойдали хусусиятини йўқотади.


Лола АХМЕДОВА тайёрлади.

Чой фақат чанқоқни босувчи ичимлик бўлмай, балки инсон организмни соғломлаштирувчи мўъжизакор суяқлик ҳамдир. Ташқаридан совқотиб келиб бир пиёлагина кўк чой ичишингиз билан, танангизга иссиқлик югуради. Ёки ёзда иссиқдан чарчаб, ҳолсизлансангиз бир пиёла кўк чой чарчоқ ва чанқоқни босиб, хузур бағишлайди, кайфиятингизда осойишталик, танангизда эса тетиклик пайдо қилади.



АЛОҚА УЗИЛДИ...

Урганч туманидаги «Галаба» фермерлар уюшмаси ҳудудида тўсатдан телефон алоқаси узилди. Алоқа бўлими ходимлари ўша ҳудуддаги телефон тармоқларини кўздан кечириб туриб, симёғочдаги кабеллар қирқиб олинганини кўришди.



Ушбу иш юзасидан туман ИИБда тузилган тезкор гуруҳ аъзолари топшириқ бўйича ишга киришдилар. Урганч шаҳар деҳқон бозорида олиб борилган тадбирда калаванинг учи топилгандек бўлди.

— Кеча бир йигит телефон кабелни

олиб келишини айтганди, — деди сотувчи. — Тушгача кутишингизга тўғри келлади.

Ниҳоят кутилган вақтда телефон кабелни кўтарган йигит пайдо бўлди. Шунда тезкор ходим дарҳол унга яқин-

лашди ва кабелни сотиб олишини айтди. Савдо пишгач, йигит кабелни машинагача олиб боришга ёрдамлашадиган бўлди. Бу эса уни қўлга олиш учун айна муддао эди. Хуллас, жиноятчи ушланди. У аввал ҳам икки маротаба судланган урганчлик М. Равшан бўлиб чиқди. У телефон кабелларини шериклари Рафаэл, Мансур ҳамда Одилбеклар билан биргаликда ўғирлаганликларини, тушган даромадни эса ўртада «арра» қилмоқчи бўлганликларини тан олди.

Х. ЖАББОРОВ.

МУЛОҲАЗА

ЎСМИР НИГОҲИДАГИ ЎЙЛАР

Эндигина униб чиқаётган ниҳол бошиданоқ яхши парвариш қилинса у гурқираб ўсиб, ривож топади. Вояга етиб бораётган ўсмирларни ҳам шу ниҳолга қиёсласак тўғри бўлади. Ахир барча эзгуликлар асоси тарбияга бориб тақалади-да.

Афсуски, бугунги кунда айрим ёшлар ичкиликка, чекишга, гиёҳвандликка ружу қўйиб, ўзларининг қелажагига лоқайд, бепарволарча муносабатда бўлаётганларидан дилинг хира тортади. Мен таниган, билган тенгдошларимнинг ҳаёт тарзини кузатиб, бунинг оқибати нималарга олиб келиши мумкинлиги кўз олдимда гавдаланиб, гоҳо даҳшатга тушаман. Хўш, уларнинг бундай йўлга кириб кетаётганликларининг сабаби нимада экан?

Шуни тан олишимиз керакки, ёшликда ҳою-ҳавас устунлик қилади. Уларнинг ўсмирлик даврида қандай муҳитга тушиб қолиши ҳам муҳим рол ўйнайди. Ўз хатти-ҳаракатларини жиловлай олмай ёмон йўлга кириб кетишларида ота-оналарнинг ҳам айби бор деб ўйлайман. Ай-

рим ота-оналар фарзандларини ҳаётнинг аччиқ-чучугига, мураккабликларига тайёр бўлишига ҳозирламасдан уларни-эрка, тантиқ, танбал бўлиб вояга етишларида бепарволик қилишади. Тўғри, улар ўзларини ўтга-чўққа уриб бўлса-да, фарзандларини моддий жиҳатдан тўқис бўлиб ўсишларига ҳаракат қилишади. Бундай олиб қараганимизда маънавий баркамол инсон бўлиб етишишда фақат моддий таъминотнинг ўзи камлик қилади, шундай эмасми?

Яширишнинг ҳожати йўқ — айрим ота-оналар пул тониш илинжида фарзандларини узоқ муддатга якка-ёлғиз қолдириб кетиш ҳоллари ҳам учраб туради. Энди ўзингиз ўйлаб кўринг, вақтинчалик бўлса-да, ота-она назоратсиз қолган фарзанд, руҳан ёлғизлик исканжасида қолади. Ўз олами, дунёқараши билан

ёлғиз қолгач, нима тўғри-ю, нима хато эканлигининг фарқи ҳам бормайди.

Шунингдек, айрим ота-оналар ичкиликка, гиёҳвандликка берилиб, ўзларининг инсонийлик қиёфаларини йўқотиб қўядилар. Фарзандлари кўз ўнгида тубанлашиб кетишади. «Куш уясида кўрганини қиладди», деганларидек ҳали дунёқараши шаклланиб улгурмаган ўсмир ота-онанинг нотўғри ҳаёт тарзидан таъсирланмайди деб ҳеч ким кафолат бера олмайди.

Мен ҳали мактаб ёшидаги ўсмир бўлатуриб, ота-оналарга насиҳат қилиш фикридан йироқман. Аммо ўзим кўриб, билиб, фикрлаб юрган айрим мулоҳазаларимни айтдим, холос.

Севара РҮЗМЕТОВА,
Хоразм вилояти
Қушкўтуп туманидаги
25-мактабнинг 9-синф ўқувчиси.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН

Тошкент шаҳар ИИББ раҳбарияти ва шахсий таркиби ҲООБ вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш маркази бошлиғи, полковник Н. Ураловга падари бузруквори

АБДУРАСУЛ отанинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Транспорт ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби маъмурий биноларни қўриқлаш взводининг гуруҳ командири, катта сержант К. Тургуновга укаси

Жамол ТУРҒУНОВнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Хоразм вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби вилоят ИИБ ЖК ва ТҚКБ тезкор вакили, катта лейтенант Ж. Абдуҷабборовга падари бузруквори

РАҲМАТУЛЛА отанинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

МАРҲУМЛАРНИНГ ЯҚИНЛАРИГА АЛЛОҲ САБР БЕРСИН

ҚИЗЧАНИНГ ЯҚИНЛАРИ БОРМИ?

Тошкент вилояти ИИБ ҲООБ вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига 2006 йил 29 апрель кунин Чирчиқ шаҳар ИИБ вояга етмаган ёшлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш гуруҳи ходими томонидан қаровсиз қолган 4-5 ёшлардаги қиз бола олиб келинди. Қизча билан суҳбатда исмини Диана, онасининг исмини Мадина деб айтди. У яшаш жойи, яқин қариндошлари, отаси ҳақида ҳеч қандай маълумот беролмайди.

Белгилари: бўйи 85-90 см, сочи, қошлари қора, кўзлари жигарранг, қулоқлари катта, лаблари ингичка.



Кийимлари: эгнида пушти ранг футболка, қизил гулли шим, оёғида оқ кроссовка бор.

Қизчанин ота-онаси, яқин қариндошлари Янгийўл шаҳридаги вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига мурожаат қилишлари мумкин. Телефон: 8-260-2-40-11

БЕДАРАК ЙЎҚОЛГАНЛАР

Тошкент вилояти Чиноз тумани ИИБ томонидан қуйидаги фуқаролар бедарак йўқолгани учун қидирилмоқда.




Гулсора Ажибековна МУРОТОВА. 1971 йилда туғилган. Чиноз тумани «Эшонобод» фермер хўжалиги «Қорақўйли» маҳалласида яшаган. 2004 йил январь ойида уйдан чиқиб кетиб, қайтиб келмаган.

Белгилари: бўйи 170-172, сочи қора, қоши сийрак, кўзлари қисик.

Кийимлари: эгнида йўл-йўл жун матодан кўйлак, сиёҳранг трико, оёғида қишлоқ пойабзал бўлган.

Алоҳида белгилари: тугилиб гапирари, иккала қўли панжасида ҳамда қорин қисмида жарроҳликдан қолган чандиқ, белида 3 см катталикда холи бор.

Икром Эргашевич ДҮЛТАЕВ. 1973 йилда туғилган. Чиноз шаҳри К. Турсунов кўчаси, 7-уйда яшаган. 2001 йил 2 июль кунин уйдан чиқиб кетиб, қайтиб келмаган.



Белгилари: бўйи 165-170 см, ўртача гавдали, сочи, қош - кўзлари қора, қиррабурун, лаблари юпқа.

Кийимлари: эгнида йўл-йўл кўйлак, қора рангли спорт трикоси, оёғида қора туфли бўлган.

Алоҳида белгиси: бурнининг ўнг томонида 1 см катталикда холи бор.



Александр Викторович МЕДВЕДЕВ. 1969 йилда туғилган. Тошкент шаҳар Лисунов даҳаси 30-уй, 13-хонадонда яшаган. 2004 йил 13 август кунин Чиноз туманига балиқ тутгани кетиб, бедарак йўқолган.

Белгилари: бўйи 160-165 см, ўртача гавдали, сочи сариқ, қошлари қора, қалин, кўзлари кўкиш, юзи чўзиқроқ.

Ёзлик кийимда бўлган.

Ёзлик кийимда бўлган.

Лола Юсуповна ЭРКАЕВА. 1988 йилда туғилган. «Дўстлик» фермер хўжалигида яшаган. 2005 йил 11 март кунин уйдан чиқиб кетиб, қайтиб келмаган.



Белгилари: бўйи 160-165 см, ўртача гавдали, оқ-сарикдан келган, қоши сариқ, лаблари ингичка, қулоқлари ёпишган.

Кийимлари: эгнида оқ рангли спорт кийими, оқ трико, оёғида оқ рангли кроссовка бўлган.

Алоҳида белгиси: орқа ёнбоши ўнг томонида кесикдан қолган доғи бор.



Светлана Рифкатовна МУФАТХУТДИНОВА. 1984 йилда туғилган. Чиноз шаҳри Гулзоробод кўчаси, 3-уй, 15 хонада яшаган. 2005 йил 24 октябрь кунин уйдан чиқиб кетиб, қайтиб келмаган.

Белгилари: бўйи 170-175 см, ўртача гавдали, сочлари қора, қошлари сариқ, кўзлари жигарранг, қиррабурун.

Кийимлари: эгнида қора чарм камзул, оч кўк кофта, қора жинси шим, оёғида калиш бўлган.

Алоҳида белгиси: иккала қўлининг билак қисмида кесилгандан қолган чандиқ бор.


Аҳад Раҳимович КҮЧҚОРОВ. 1987 йилда туғилган. Чиноз тумани Т. Эр-назаров номли фермер хўжалигида яшаган. 2002 йил апрель ойида уйдан чиқиб кетиб, қайтиб келмаган.



Белгилари: бўйи 175-180 см, ўртача гавдали, сочи, қош, кўзлари қора, юзи чўзиқроқ.

Кийимлари: эгнида кулранг костюм, кўк рангли катак кўйлак, жигарранг шим, оёғида калиш бўлган.

Юқорида номлари зикр этилган фуқароларни кўрган ёки қаердалигини билганлардан яқин орадаги ички ишлар бўлимига ёхўд Чиноз тумани ИИБга хабар беришларини сўраймиз.



ЭНГ АЗИЗ МЕҲРИБОНИМ!..

Отамга бағишлайман.

Томиримда оққан қайноқ қонимсиз,
Сиз менинг энг яқин меҳрибонимсиз.
Элу юртим дея бўлдингиз ҳалок,
Йиғлади ўша кун замиқу фалак.

Ватан-чун қилдингиз жонингиз фидо,
Бизлар отамиздан бўлдик-ку жудо.
Дарёдек тўкилди кўз ёшлар аммо
Сизни ҳеч қайтариб бермасдир худо.

Уйқудан уйғониб турсам эрта тонг,
Ёнимда кўрмайман сизни, дадажон.
Онамни юпатиб юраман ҳар он,
Узим-чи, беркиниб йиғлайман ҳамон...

Ва лекин номингиз абадий қолур,
Мард, жасур ўғлонинг унутмас Ватан.
Мен ҳам шу юртимга содиқ қоламан,
Унинг-чун доимо куйиб-ёнаман.

Оллоҳдан ҳар доим илтижо қилиб,
Дуога қўл очиб тонгда тургайман.
Қабрингиз ҳамиша нурга тўлсин деб,
Раббимнинг раҳматин сизга сўрайман.

Гулҳаё РУСТАМОВА.

**ДУОЛАР
ОЛАЙЛИК**

Бугун яна хотира кун,
Хотирларанг ўтган-кетганлар.
Она-Ватан, халқини ўйлаб,
Ўз жонини фидо этганлар.

Гарчи фоний бўлса ҳам улар,
Қалбларда яшашар доим барҳайт.
Ўтмишсиз келажак бўлмаганидек,
Хотира туйфайли маънили ҳайт.

Бугун яна қадрлаш кун,
Қадрларанг азиз бўлганлар.
Адлу инсоф, инсонийликни
Ҳар нарсадан лазиз билганлар.

Хотирлайлик бақо аҳлини,
Юраклардан ўчмасин асло.
Қадрлайлик вафо аҳлини,
Иззат топиб, олайлик дуо!

Абдураҳим ХАЛИЛОВ,
подполковник.

Газетамизнинг азиз мухлислари!

Газетамизнинг янада мазмуни ва
ранг-баранг чиқишида сизнинг фикр-
ларингизни билиш ниятидамиз.
Таклифларингиз бўлса, марҳамат,
бизга кўнгироқ қилинг!




Хафтанинг шанба ва якшанба кунлари
эса куйидаги телефон орқали
мурожаат қилишингиз мумкин:

(371) 139-70-40

Соат 9.00дан 21.00гача

Телефон: (371) 139-73-88



Газетамиз саҳифаларида реклама
ёки эълон беришни истайсизми?

Марҳамат!

Мурожаат

учун телефонлар:

139-73-88

139-75-37

Бизнинг электрон манзилимиз: urmvd@globalnet.uz



АХЛОҚ-ОДОБГА ОИД ҲАДИСЛАР

● Илмнинг офати — эсдан чиқармоқлик ва илмга рағбати бўлмаган кишиларга ўргатиб уни зое кетказмоқликдир.

● Қизларни турмушга чиқариш тўғрисида оналари билан маслаҳатлашинглар.

● Мунофиқлик белгиси учтадир: ёлгон сўзлаш, ваъдасининг устидан чиқмаслик ва омонатга хиёнат қилиш.

● Чақирилган жойгагина бординг.

● Нафақа ва садақа беришда аввал ўзингдан бошла. Агар бирор нарса ортса, аҳли аёлингга бер. Яна бирор нарса ортиб қолса, қариндошларингга бер. Улардан ҳам ортса бошқаларга бер.

● Ҳалол ва руҳсат этилган нарсалар ичида Тангрига хуш келмайдигани — талоқдир.

● Одамлар ичида Тангрига ёқимсизроғи — ашаддий душманлик қилувчидир.

● Бидъат-хурофотга берилган одам то уларни тарк этмагунча, унинг қилган савобли ишларини Тангри қабул қилмайди.

● Таомни совитиброқ истеъмол қилинганлар, иссиқ-қайноқ таомда барақа бўлмайди.

● Ҳар бир қавмнинг қиз фарзандидан туғилган бола ҳам шу қавмга мансубдир.

● Қора танли халқларни ҳам дўст тутаверинглар, зеро улардан учтаси жаннат аҳлининг улуғларидан бўлувлар: 1. Луқмони Ҳаким. 2. Нажоший. 3. Муаззин Билол Ҳабаший.

● Қалбнинг мулойим, ҳожатинг раво бўлишини хоҳлайсанми? Хоҳласанг, етимларга меҳрибон бўл, уларнинг бошини сила, ўз таомингдан уларга едир. Шунда дилинг юмшаб, ҳожатинг раво бўлур.

● Кўй боқинглар, чунки у барақадир.

● Чақимчилик нима, биласизларми? У — одамларнинг гапларини (уларнинг ўзаро муносабатларини бузиш ниятида) бир-бирларига ташимоқликдир.

● Ҳаром нарсалардан сақланинг — одамлар ичида ибодатлироғи бўласиз. Аллоҳнинг тақсим қилган ризқига рози бўлинг — одамларнинг бойроғи бўласиз. Қўшинингизга яхшилик қилинг — тинч бўласиз. Ўзингиз севган нарсани одамларга ҳам раво кўринг — саломат юрасиз. Кўп кулманг. Кўп кулиш дилни ўлдиради.

● Тангридан кўрқинг. Яхши ва хайрли ишларнинг бирортасини кичик санаманг, сув сўраган кишининг идишига челақдан сув куйиб бериш билан ёки биродарингизни очиқ юз билан қарши олиш билан бўлса-да, эзгулик қилинг. Кибр юзасидан иштонни узайтириб кийинликдан сақланинг. Тангри кибрни ёмон кўради. Агар сизни бирор киши ҳақоратласа ва сизда йўқ айблар билан айбласа, уни унда бор айблар билан айбламанг, уни кўяверинг, шунида гуноҳи унга, савоби сизга бўлур. Ҳеч кимни ҳақоратламанг!

● Тангридан кўрқинглар ва фарзандларингизга бир хил меҳрда бўлинглар! (Уларга кийим ва таомларни баробар тақсимланглар).

● Икки кишига Тангри қиёмат куни раҳмат назари билан боқмайди: 1. Қариндош-уруғидан узилиб кетган кишига. 2. Ёмон кўшига.

● Икки киши бир кишидан яхши, уч киши икки кишидан яхши, тўрт киши уч кишидан яхши, кўпчилик билан бирга бўлинглар. Тангри умматларини фақат тўғри йўлда боришликка бирлаштиради.

рида, хизмат бурчини адо этаётиб мардларча ҳалок бўлганларни шахидлар деймиз. Уларни нафақат эслаш, оила аъзолари ва яқинларининг кўнглини сўраб, зарур бўлса моддий ёрдам бериб туриш инсонийлик бурчимиз. Чунки улар бизнинг хотиржам яшашимиз учун жонларини фидо қилганлар. Пайғамбаримиз мушриклар, ислом душ-

**ҲАМ ҚАРЗ,
ҲАМ ФАРЗ**

манлари билан жангда ҳалок бўлганлар оиласига ёрдам бериб туришни саҳобаларга тайинлаганлар. Ҳадиси шарифда яна шундай дейилади: «Кимки сув тошқини ёки ёнғиннинг олдини олиш пайтида ҳалок бўлса, унга шахидлар савоби ёзилади».

Ўтганларнинг айниқса, ота-она, ака-ука, опа-сингилларнинг руҳини шод этганларга кўп савоб ёзилади. Пайғамбаримиз «Кимки отасининг вафотидан кейин ҳам унга яхшилик қилишни истаса, унинг ёру биродарлари билан алоқани узмасин», деганлар. Вафот этиб кетганларни эслаб, уларнинг қабрларини зиёрат қилиб туриш ҳам вазифамиздир.

Аллоҳга беадад шукрлар бўлсинки, мустақиллик шарофати билан, юртимиз мусулмонлари Ислом оламида катта шукрат қозонган буюк боболаримизни таниб, уларнинг улуг ишларидан воқиф бўлишди. Дунё таниган алломаларнинг пок номлари тикланиб, ҳурмат бажо келтирилиб, уларга ёдгорликлар ўрнатилди.

Тирикларни, айниқса, қарияларни қадрлаш, уларнинг ҳурматини жойига қўйиш мўмин-мусулмон учун ҳам қарз ҳам фарздир. Чунки, ҳаммамиз кексаямиз. Ёшлигимизда кексаларни ҳурмат қилмак, қадрласак, Аллоҳ бизга ҳам кексайганимизда ана шу иззат-икромни раво кўради. Инсон жамиятда тутган ўрни, амалга оширган яхши ишларига қараб қалр топади. Аллоҳ таоло бандаларининг ҳар бир қилган яхши, ёмон ишларига қараб ажр қилади. Муборак Ҳадиси шарифда инсонларни бир-бирларини қадрлашлари, бу билан мўминлик бурчларини адо этишлари кўрсатиб ўтилган.

Биз кўп миллатли юрда яшаймиз. Мамлакатимизда мусулмонлардан ташқари, бошқа динларга мансуб кишилар ҳам истиқомат қилади. Барчамиз Аллоҳ томонидан яратилган инсонлармиз. Шунинг учун дини, ирқи, миллатидан қатъи назар бир-биримизни ҳурмат қилишимиз лозим. Ана шунда Аллоҳ сўйган бандалар қаторидан ўрин оламиз.

Жалолiddин ХОЛМЎМИНОВ,
Тошкентдаги Кўкалдош Ислом ўрта-махсус
билим юрти мударриси.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI IIV BIRLASHGAN TAHRIRIYATI

Bosh muharrir
Aziz ERNAZAROV

Bosh muharrir o'rinbosari
Murod TILLAYEV
Mas'ul kotib Erkin SATTOROV

Navbatchi: Qobiljon Shokirov
Sahifalovchilar: Zokir Boitayev
Nikita Slavgorodskiy
Matn ko'chiruvchi: Gulnora Sodiqova

Ko'chirib bosishda «Postda» dan olinganligini ko'rsatish shart.
Muallifning mulohazasi tahririyat fikriga mos tushmasligi mumkin.
Maqolada keltirilgan misollar, raqamlar, ma'lumotlarning aniqligi uchun mualliflar javobgardirlar. Qo'lyozmalar tahlil qilinmaydi va qaytarilmaydi.

Gazeta haftaning
shanba kunlari chiqadi.

Kelgusi sonda
uchrashguncha xayr!

MANZILIMIZ:
700029, Toshkent,
Yunus Rajabiy
ko'chasi, 1

TELEFONLAR:
Bosh muharrir o'rinbosari 132-24-60;
Kotibiyat 139-73-88. Faks 132-05-51
E-mail: urmvd@globalnet.uz

Tahririyat hisob raqami
20210000700447980001, MFO
00421. «Pak yo'li» aksiyadorlik
investitsiyaviy tijorat bankining
Mirzo Ulug'bek bo'limi.

«O'zbekiston» nashriyot-
matbaa ijodiy uyi
bosmaxonasida chop etildi.
Korxonaning manzili: Alisher
Navoiy ko'chasi 30-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va Axborot agentligida 2003 yil 24 noyabrda 007
raqam bilan ro'yxatga olingan. Buyurtma J-2386. Bosilish - ofset usulida. Hajmi
- 6 bosma taboq, 55941 nusxada chop etildi. Obuna raqamlari: Yakka tartibda
- 180. Tashkilotlar uchun - 366. Bosishga topshirish vaqti - 23.00. Bosishga
topshirildi - 23.00. © - Internet va xorijiy matbuot vositalari asosida tayyorlandi.